

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ

Ўқув қўлланма

Тошкент-2024

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 27 декабрдаги 485-сонли буйруғига асосан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

УЎК _____
КБК _____

5A240121 – Судлар фаолияти. Судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш: миллий ва халқаро амалиёт. ўқув қўлланма // З.Амиров ва бошқалар. – Т.:, 2024 й. – 235 бет.

Х. Ёдгоровнинг умумий таҳрири остида

Муаллифлар жамоаси:

З.А.Амиров – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурдаги Судьялар олий мактаби ўқитувчиси, ю.ф.д.(DSc), профессор в/б (I, II - боблар);

М.П.Қаландарова – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьяси, ю.ф.н., доцент (III - боб);

Х.М.Турсунов – Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси, ю.ф.н. (III - боб);

Д.Д.Валижонов – Тошкент давлат юридик университети доценти (PhD) (I, IV - боблар).

Тақризчилар:

О.Сулаймонов – доцент, юридик фанлари доктори

М.Махаматов – доцент, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур ўқув қўлланмада инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар нормалари ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари қоидаларининг судлар фаолиятида қўлланишига оид масалалар ёритилиб, ушбу масалага оид суд ҳужжатларидан наъмуналар келтирилган. Шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормалари, уларнинг таснифи ва манбалари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро суди ва Халқаро жиноят суди ҳақида тушунчалар берилган.

Ушбу ўқув қўлланма юриспруденция йўналишида таҳсил олувчи талабалар, судьялик лавозимларига номзодлар, судьялар ва суд аппарати ходимларини ўқитишда, суд амалиёти ходимларининг суд ишларини юритишида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш кўникмаларини шакллантиришда фойдаланилади-ган манбалардан бири сифатида хизмат қилади.

Ўқув қўлланма юриспруденция йўналишида таҳсил олувчи талабалар, судьялар ва суд аппарати ходимлари, судьялик лавозимларига номзодлар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ва ҳуқуқшунослик соҳасига қизиқувчи барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN _____

© Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, 2024

МУНДАРИЖА

Сўз боши	4
1-БОБ	
Халқаро ҳуқуқ нормалари, уларнинг таснифи ва манбалари	7
2-БОБ	
Судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш назарияси ва амалиёти	33
3-БОБ	
Судлар амалиётида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига ҳаволалар	59
Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатларидан намуналар	59
Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатларидан намуналар	86
Иқтисодий ишлар бўйича суд ҳужжатларидан намуналар	130
Маъмурий ишлар бўйича суд ҳужжатларидан намуналар	194
4-БОБ	
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро суди ва Халқаро жиноят суди	217
Фойдаланилган адабиётлар	230

Сўз боши

Инсон ҳуқуқлари - олий қадрият. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, халқнинг фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб бериш демократик ислохотларнинг бош мезони ҳисобланади. Шу жиҳатдан, ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилган ҳар бир давлат доимо мазкур қадриятни ҳимоя қилиш чораларини кўриб боради. Зеро, ҳимоя чоралари кўрилишининг бирламчи асоси унинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланиши билан намоён бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деб қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми эканлиги, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилиши белгиланган. Конституцияда мустаҳкамланган ушбу қоидалар Ўзбекистонда сўнгги йилларда инсон

ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини кўрсатади ва буни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига асосланиши алоҳида эътироф этилади.

Бирлашган миллатлар ташкилоти Низомининг муқаддимасида ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига асосан халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариши лозимлиги таъкидланади.

Мамлакатимизда сўнги йилларда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўллаш амалиётини янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармонига 1-илова билан тасдиқланган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”да белгиланган вазифалардан бири айнан судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш масаласига қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.06.2023 йилдаги «Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 16-сон Қарорида судлар томонидан ишларнинг кўриб чиқилишида халқаро шартнома нормалари қўлланилган ҳолларда қарорнинг асослантирувчи қисми-

да ушбу халқаро шартнома нормаларига ҳавола қилиниши лозимлиги белгиланди.

Акс ҳолда, судлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормалари қоидаларига риоя қилмаслик суд қарорининг ўзгариши ёки бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

Сизга тақдим этилаётган мазкур ўқув қўлланмада:

халқаро ҳуқуқ нормасининг юридик табиати, унинг мазмуни ва халқаро ҳуқуқ нормаларини яратиш жараёни тушунтирилган;

халқаро ҳуқуқ нормалари фаолият доираси бўйича таҳлил этилган;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми ва Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси каби универсал халқаро-ҳуқуқий нормалар ҳамда Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари мазмуни баён этилган;

Халқаро ҳуқуқнинг асосий ва ёрдамчи манбалари ҳақида муҳим маълумотлар берилган;

олимларнинг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари судлар томонидан қўлланилишига оид қарашлари таҳлил этилган;

судлар томонидан одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларининг тўғридан-тўғри қўллашниши юзасидан барча суд йўналишлари бўйича суд ҳужжатларидан наъмуналар келтирилган;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро суди ва Халқаро жинойят суди фаолиятдан мисоллар келтирилган.

1-БОБ**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ,
УЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА МАНБАЛАРИ**

- 1-§. Халқаро ҳуқуқ нормалари**
- 2-§. Халқаро ҳуқуқ нормалари таснифи**
- 3-§. Халқаро ҳуқуқ манбалари**

1-§. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ

Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатлари айниқса унинг нормаларида яққол намоён бўлади. Халқаро-ҳуқуқий норма халқаро ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятини намоён этувчи ташқи шакл бўлиб, умумлашган ҳуқуқдир. Халқаро-ҳуқуқий нормалар халқаро ҳуқуқ субъектларининг юриш-туриш қоидаларини белгилаб беради ва умумий хусусият касб этади¹.

Агарда халқаро ҳуқуқни унинг тартибга солинадиган муносабатлар билан ўзаро алоқасини кўрадиган бўлсак, унда у давлатлараро муносабатларнинг юридик шакли сифатида кўринади. Ўзининг нисбатан мустақиллиги (ўзига хослигини) имкониятига кўра, ушбу шакл давлатлараро муносабатларга ўзининг тартибга солувчи таъсирини кўрсатади².

1 Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. –Тошкент: “Адолат”, 2006. 48-б.

2 Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: учебник для студентов юридических факультетов и вузов. - Изд. 3-е, перераб. и доп. – М.: Волтерс Клувер, 2005. Стр. 25

Халқаро ҳуқуқ нормаси – халқаро ҳуқуқ субъектларининг битими асосида тузилган расмий қоида бўлиб, ушбу субъектларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятларини белгилайди ва уларни юридик механизм билан таъминлайди.

Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. 2006. 48-б.

Норма сўзи латин тилидан таржима қилинганда “қоида”, “етакчи асосий қонун”, “намуна” деган маъноларни билдиради. Норма халқаро ҳуқуқ биносини қуриш учун ишлатиладиган ғишт бўлиб хизмат қилади. Унинг жиҳати алоҳида ҳуқуқий тизим элементлари эканлиги билан белгиланади. Халқаро ҳуқуқ нормаси деганда давлатлар, бошқа халқаро ҳуқуқнинг субъектлари томонидан юридик жиҳатдан муқаррар сифатда тан олинган ахлоқ (юриш-туриш) қоидалари тушунилади. Халқаро ҳуқуқ нормаларини, масалан, халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзаро муносабатлари давомида ҳам риоя этиладиган одатлардан фарқлаш лозим. Агар халқаро ҳуқуқий нормалар – бу юридик жиҳатдан мажбурий бўлган қоидалар бўлса, одатлар юридик мажбурийликдан маҳрум бўлгандир. Халқаро ҳуқуқий нормаларни бузиш халқаро-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради, одат нормаларини бузиш эса, бундай жавобгарликни келтирмайди³.

Норма бир қанча ҳолатлар учун мўлжалланган умумий юриш-туриш қоидасидир. Халқаро ҳуқуқ нормалари ўзига хос тузилишга эга. Муҳими шундаки, аксарият нормалар диспозициядангина иборат бўлиб, санкциялар эса халқаро ҳуқуқ тизими томонидан умумий тарзда белгиланади.

³ Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. –Тошкент: “Адолат”, 2006. 48-б.

Нормалар бузилган ҳолларда қўлланиладиган қарши чоралар алоҳида халқаро шартномаларда ҳам кўзда тутилиши мумкин⁴.

ЁДДА ТУТИНГ!

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг мазмуни давлатлар, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил қилади. Ўзаро муносабатларга киришган халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ўз ҳуқуқларини амалга оширадилар ҳамда халқаро ҳуқуқий нормаларда ўрнатилган мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

Шу билан бирга халқаро ҳуқуқий нормалар халқаро муносабатлар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини тартибга солади. Яъни субъектларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ролни бажаради. Халқаро муносабатлар тартибга солинган халқаро-ҳуқуқий нормалар билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий характерга эга бўлади. Халқаро ҳуқуқ субъектлари у ёки бу халқаро-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш билан бирга ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширадилар.

Шу билан бирга шаклланаётган бутун дунё ҳуқуқий комплексининг таркибий қисми бўлган халқаро ҳуқуқ давлатларнинг ҳуқуқий тизимларини, яъни давлатнинг ички, миллий ҳуқуқий тизимларини ўз ичига олади. Бунда шундай нуқтаи назар таъкидланадики, халқаро ҳуқуқнинг маълум бир нормаларининг ўзаро мувофиқлашув ва муносабатлар доирасида тартибга солишдаги иштироки

⁴ Международное право. Учебник для вузов. Ответственные редакторы — проф. Г. В. Игнатенко и проф. О. И. Тиунов. — М.: Издательская группа НОРМА—ИНФРА • М, 1999. Стр. 10

албатта давлатнинг ҳуқуқий тизими соҳасида ҳам бевосита қўлланилади⁵.

Мазкур масала шундан далолат берадики, халқаро ҳуқуқ нормалари нафақат давлатлараро муносабатлар қоидалари сифатида тавсифланади, балки уларнинг ўз юрисдикциялари доирасидаги ўзаро келишув асосида қабул қилган энг мақбул ҳаракатлар қоидалари сифатида, шунингдек, давлатларнинг умумий манфаатлари асосида бошқа субъектларнинг мақоми ва фаолиятига тааллуқли қоидалар сифатида тавсифланади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини яратиш муайян жараён, яъни халқаро ҳуқуқ субъектларининг келишилган иродасини ифодалаш жараёнидир. Халқаро ҳуқуқ нормаларини яратиш учун айнан муайян бир хил давлат иродаси талаб этилмайди. Асосийси давлатларнинг келишувидир. Халқаро ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишда суверен ва тенг ҳуқуқли субъектлар иштирок этадилар. Халқаро ҳуқуқ нормалари халқаро ҳуқуқ субъектлари иродасининг келиштирилиши натижасидир⁶.

2-§. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ТАСНИФИ

Халқаро-ҳуқуқий нормалар ўзининг мазмун ва шаклига кўра бир хил эмас. Уларни ҳар хил мезонлар асосида турлича таснифлаш мумкин⁷.

1. Халқаро ҳуқуқ нормалари ўз мазмуни ва халқаро-ҳуқуқий тизимда тутган ўрни бўйича норма-мақсадлар ва норма-принципларга бўлинади.

5 Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. –Тошкент: “Адолат”, 2006. 49-б.

6 Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. –Тошкент: “Адолат”, 2006. 49-52-б.

7 Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. –Тошкент: “Адолат”, 2006. 49-52-б.

Халқаро-ҳуқуқий мақсад субъектлар биргаликдаги интилишлари асосида амалга оширишга келишиб олган ва унга юридик куч берган истиқболда кутилаётган ҳолатнинг моделидир. Халқаро шартнома мақсадлари уни амалга ошириш борасидаги чоралар қонунийлигининг мезони бўлиб хизмат қилади.

Халқаро ҳуқуқ принциплари халқаро ҳуқуқнинг алоҳида жиҳатларини, шунингдек асосий мазмун-моҳиятини ифодаловчи ва олий юридик кучга эга бўлган умумлашган нормалардир.

2. Халқаро ҳуқуқ нормалари фаолият доираси бўйича:

- универсал халқаро-ҳуқуқий нормалар;
- минтақавий халқаро-ҳуқуқий нормалар;
- партикуляр ёки маҳаллий халқаро-ҳуқуқий нормаларга бўлинади.

УНИВЕРСАЛ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

Универсал халқаро-ҳуқуқий нормалар фаолият таъсири доирасининг кенг миқёслилиги, халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари учун умуммажбурийлиги, бутун халқаро ҳамжамият томонидан яратилиши ва бекор қилиниши билан ўзига хослик касб этади. Универсал нормаларнинг мавжулигининг асосий шакли эса урф-одатдир. Ушбу нормалар умумий халқаро ҳуқуқни вужудга келтириш учун хизмат қилади⁸.

Шунингдек, универсал нормаларда ҳар қандай ҳуқуқ субъектлари учун муҳим бўлган қоидалар, жумладан, ҳар қандай давлатнинг ички ваколатига кирадиган ишларига аралашиб учун ҳуқуқ берилмаслик,

⁸ Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. –Тошкент: “Адолат”, 2006. 49-52-б.

инсоннинг асосий ҳуқуқлари, қадр-қиммати, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, катта ва кичик миллатлар ҳуқуқларининг тенглиги, шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳурмат билан қараш, адолатга риоя қилиш мумкин бўлган шарт-шароитни вужудга келтириш каби масалалар белгиланади. Шу жиҳатдан универсал аҳамият касб этади.

Кўпчилик ҳуқуқшуносларнинг таъкидлашича универсал халқаро ҳуқуқсиз халқаро муносабатларнинг глобал тизими ишлайолмайди. Мажбуриятни виждонан бажариш тамойилига кўра, ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва нормаларидан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини виждонан бажариши шарт. БМТ Халқаро судининг қарорларида халқаро ҳуқуқнинг умумий нормаларига жуда кўп ҳаволалар мавжуд. Чекланган доирадаги давлатлар томонидан қабул қилинган айрим нормалар ҳам умумаҳамиятга эга бўлади. Бундай нормалар халқаро тартибни ўрнатади(-масалан, Антарктика учун, коинот учун, океан бўғозлари учун(босфор-Европа ва Кичик Осиё ўртасидаги бўғоз) ва х.к). Нормалар кўпроқ манфаатдор давлатлар томонидан яратилади ва аста-секин бошқа давлатлар томонидан тан олинади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, нормалар манфаат ва мақсадлари муштарак бўлган давлатлар(-жамоа) томонидан қабул қилинади⁹.

Юқорида қайд этилган тушунчалардан келиб чиқиб, универсал халқаро-ҳуқуқий нормалар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

9 Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: учебник для студентов юридических факультетов и вузов. - Изд. 3-е, перераб. и доп. - М.: Волтерс Клувер, 2005. Стр. 78-79. http://www.cawater-info.net/bk/water_law/pdf/lukashuk_1.pdf

Жумладан,

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми;
Суд органлари мустақиллигининг асосий
тамойиллари;*

Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси ва х.к.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари.

◆ **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми:** БМТ Низоми БМТнинг халқаро ташкилот бўйича конференциясининг якунига кўра, 1945 йил 26 июнда Сан-Францискода имзоланган ва 1945 йил 24 октябрда кучга кирган. БМТ Низомида мажбуриятлар бор. Уни ким аъзо бўлса тан олади. Будегани фақат ўша халқаро ташкилот доирасидаги давлатлар учунгина амал қилади¹⁰. Ушбу Низом халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга тааллуқли бўлган ва минтақавий характерларга тўғри келадиган масалаларни ҳал этиш учун минтақавий битимлар ёки органларнинг мавжуд бўлишига ҳеч бир тўсқинлик қилмайди, лекин бундай битим ва органлар ҳамда уларнинг фаолияти Ташкилотнинг Мақсад ва Принциплари билан ҳамоҳанг бўлиши шарт¹¹. Яъни минтақавий шартномалар ҳам БМТ Низомига зид бўлмаслиги лозим.

◆ **Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари:** Мазкур ҳужжат 1985 йил 26 августдан 6 сентябргача Миланда ташкил этилган БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича VII конгресси томонидан қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги

10 Организация Объединенных Наций. Устав ООН. <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter>.

11 Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми 52-модда. <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter>.

40/32-резолуцияси билан маъқулланган¹². Ўзбекистон 1997 йил ратификация қилган¹³.

Ушбу ҳужжат суд органлари мустақиллиги, судьялар дахлсизлиги каби бир қатор ҳуқуқларни кўзда тутувчи тамойилларни ўз ичига олади. Шу жиҳатдан уни суд органларининг ўзига хос конституцияси, дейиш мумкин.

Масалан ушбу тамойилнинг 15, 16-бандларига кўра, “Уларга нисбатан ҳар қандай интизомий чора қўлаш, шикоят қилиш ёхуд давлат томонидан компенсация ундириш ҳуқуқи сақланиб қолгани ҳолда, миллий қонунчиликка мувофиқ, судьялар ўз судьялик функцияларини бажариш чоғида содир этган нолойиқ хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида юзага келган моддий зарар учун жавобгарликка тортилишдан шахсий иммунитетга эга бўлиши керак” лиги, ёки бўлмаса, “Судьяга ўз суд ва касбий мажбуриятларини бажариш вақтида келиб тушган айблов ёки шикоят тегишли тартиб бўйича кечиктирмай ва холисона кўриб чиқилиши лозим. Судья жавоб бериш ва адолатли муҳокама этиш ҳуқуқига эга. Шикоятни дастлабки босқичда кўриб чиқиш, агар судья бошқача кўриб чиқишни сўраб мурожаат қилмаса, махфий равишда ўтказилиши лозим” каби Судьялар фаолиятига оид қатъий қоидалар мустақамланганлигини кўриш мумкин.

Мустақил суд тўғрисидаги талаб ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ҳисобланади ва бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасига мос келади¹⁴. Унга

12 Основные принципы независимости судебных органов. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml.

13 «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси», 1997 й., N 9, 264-модда. <https://nrm.uz>

14 Одилқориев Ҳ.Т., Ўзбекистон давлати ва жамияти инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари/Ўқув қўлланма. – Т.: INNOVATION RIVOJLANISH NASHRIYOTMATHBAA UYI, 2019. 150 - б.

кўра, ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқига эга¹⁵.

◆ **Дипломатик алоқалар тўғрисида конвенция:** Ушбу Конвенция 1961 йил 18 апрель куни Венада қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 1 апрелдан кучга кирган¹⁶.

Ушбу конвенция ўзида давлатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва доимий дипломатик ваколатхоналар ташкил этиш ўзаро келишув асосида амалга оширилиши, ваколатхона бинолари ва дипломатик агентнинг шахси дахлсизлиги, уларнинг баъзи тўловлар(солиқлар, божлар, йиғимлар)дан озод бўлиши ва х.к. каби бир қатор қоидаларни белгилаганлиги билан муҳим умумаҳамият касб этади.

Жумладан, Конвенцияга кўра, ваколатхонанинг бинолари дахлсиз бўлиб, қабул қилувчи давлат ҳокимияти ваколатхона раҳбарининг розилигисиз ушбу биноларга кириши мумкин эмас. Шунингдек, қабул қилувчи давлат ваколатхона биноларини ҳар қандай босқиндан ёки зарардан ҳимоя қилиш ва ваколатхона тинчлигини бузиши мумкин бўлган ёки унинг қадр-қимматини ҳақорат қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатнинг олдини олиш учун барча тегишли чораларни кўришга масъул ҳисобланади. Шунингдек, ваколатхона бинолари, уларнинг жиҳозлари

15 Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

16 <https://lex.uz/docs/2647543>.

ва уларда жойлашган бошқа мол-мулк ҳамда ваколатхонанинг транспорт воситалари тинтув, реквизиция, олиб қўйиш ва ижро ҳаракатларидан дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, дипломатик агентнинг шахси дахлсиз ҳисобланади. У ҳеч бир ҳолатда ҳибсга олиниши ёки ушлаб турилиши мумкин эмас. Қабул қилувчи давлат унга муносиб ҳурмат билан муносабатда бўлиши ва унинг шахси, эркинлиги ёки қадр-қимматига ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш учун барча чораларни кўриши шарт.

◆ **Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари** императив (буюрувчи) нормалар сифатида қаралади. Улар аъзо бўлган ва бўлмаган ҳар қандай халқаро ҳуқуқ субъектлари учун мажбурий. Бошқа ҳолатларда эса, давлатлар ўзаро шартнома тузган тақдирда, улар ўртасида шартномавий мажбуриятлар юзага келади. 1969 йилги “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенциясининг 34-моддасида ҳам шартнома учинчи давлат учун унинг розилигисиз мажбурият ёки ҳуқуқ яратмайди, деб белгиланган.

Халқаро ҳуқуқ нормалари ичида унинг асосий нормалари, яъни принциплари алоҳида ажралиб туради. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари - шундай умумий характердаги нормаларки, барча бошқа нормалари унга мувофиқ равишда белгиланиши лозим.

Улар халқаро-ҳуқуқий нормалар тизимида бошланғич ҳисобланади ҳамда давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш йўли билан халқаро муносабатлардаги хатти-ҳаракатларини умумлаштирилган ҳолда тартибга солади.

Таъкидлаш ўринлики, дастлаб сўз, асосан ҳуқуқни қўллашнинг умумий қоидалари хусусида борган, бу халқаро

ҳуқуқда процессуал соҳасининг ривожланмаганлиги туфайли уни қўллашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кейинроқ асосий принциплар тизими сезиларли равишда бойиди. Унга моддий нормалар, энг аввало, инсон ҳуқуқларига, демократия ва қонунийликка оид нормалар ҳам киритилди. Натижада ҳуқуқнинг умумий принципларининг аҳамияти беқиёс ошиб кетди.

Ҳуқуқнинг умумий принциплари давлатларнинг судлари томонидан ҳам қўлланилади. Ҳуқуқнинг умумий принциплари халқаро ҳуқуқнинг қандайдир алоҳида манбаини англатмайди. Улар одатий ҳуқуқ норма мақомини тан олиниши билан халқаро ҳуқуқ нормаси мақомига эга бўлади.

МИНТАҚАВИЙ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

Маълум минтақада давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги сезиларли даражада чуқурлашади. Бу миллий миқёсда тартибга солишдан юқорироқ даражадаги норматив тартибга солишга бўлган талабни вужудга келтиради¹⁷. Натижада ер шарининг алоҳида ҳудудларида давлатлар ўртасидаги ўзаро теран ҳамжиҳатлик, икки томонлама шартномалардан кўра юқорироқ даражадаги норматив тартибга солиш натижасида минтақавий нормалар юзага келади¹⁸ ва битта географик жиҳатдан жойлашган ҳудудлардаги давлатлар иштирокидаги муносабатларни белгилайди¹⁹.

Минтақавий нормалар тарихан универсал норма-

17 Очилов Б.Э., Одилқориев Х.Т. Ҳозирги замон халқаро оммавий ҳуқуқи: Дарслик.. – Тошкент: Тошкент давлат юридик институти, 2002. 34-б.

18 Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. –Тошкент: “Адолат”, 2006. 50-б.

19 Xalqaro ommaviy huquq. Darslik / A.X.Saidov va boshqalar. –Т.:TDYU nashriyoti. 2023, 84-б.

лардан олдин вужудга келган. Универсал нормалар минтақавий нормалар асосида, уларнинг тажрибасидан фойдаланган ҳолда яратилган. Бу жараён бугунги кунгача давом этмоқда. Минтақавийлик интеграция (бирлашиш) жараёнларининг ривожланиши билан янги ўлчовга эга бўлади. Муайян минтақада давлатларнинг ўзаро таъсири сезиларли даражада чуқурлашади, бу эса юқори даражадаги тартибга солиш – миллий ҳуқуқий тартибга солишни яратиш заруриятини келтириб чиқаради. Интеграция ҳудудида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган нормалар мажмуалари пайдо бўлади, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқий ижро этишнинг янги механизмлари яратилади. Бу борада Европа Иттифоқи тажрибаси намуна бўла олади²⁰. Жумладан, Европа Иттифоқи²¹ 1992 йил 7 февралдаги “Европа Иттифоқи тўғрисида”ги шартнома асосида ташкил этилган.

Умуман олганда, минтақавийлик ҳақиқий ҳодиса бўлиб, уни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Умумий халқаро ҳуқуқ минтақавий тизимларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш учун катта имкониятларни очиб беради ва шу билан бирга минтақавий тизимнинг изоляцияси юзага келадиган мувофиқлик чегараларини белгилайди.

БМТ Низомида “Минтақавий битимлар” боби мавжуд бўлиб, у ўзига хос минтақавийлик – ҳарбий ва сиёсий минтақавийликка бағишланган. Бу ҳолатда бизни қизиқтирган ягона нарса – бундай келишувлар ёки уларнинг органлари ва уларнинг фаолияти БМТнинг мақсад ва тамойилларига мос келиши кераклиги ҳақидаги қоидадир (52-модда).

20 Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: учебник для студентов юридических факультетов и вузов. - Изд. 3-е, перераб. и доп. – М.: Волтерс Клувер, 2005. Стр. 79. http://www.cawater-info.net/bk/water_law/pdf/lukashuk_1.pdf

21 Изоҳ: 27 та Европа давлатларининг иқтисодий ва сиёсий бирлашуви

Доктрина(таълимот, илмий ёки фалсафий назария)да ва муайян даражада амалиётда минтақавий халқаро ҳуқуқ концепциялари маълум (Америка, Африка, мусулмонлар, социалистик ҳуқуқлар).

Ушбу концепциялар ва тегишли меъёрий матери-алларнинг таҳлили бизга минтақавий халқаро ҳуқуқ ҳақида гапиришга имкон бериши мумкин бўлган муҳим ҳуқуқий хусусиятларини аниқлашга йўл қўймайди. Бугунги кунда нафақат минтақавий, балки миллий ҳуқуқий тизимлар ҳам универсал халқаро стандартларга мувофиқлаштирилиши ва уларни амалга оширишга кўмаклашиши керак²².

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ўртасидаги 2009 йил 20 ноябрдаги **“Давлатлараро ахборот алмашинувини ташкил этиш ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар маълумотлари миллий базасини шакллантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида”**ги Ялта Битими муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар объектлари ва ҳуқуқ эгалари тўғрисидаги ахборот билан давлатлараро алмашинув учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида тузилган. Битимнинг минтақавийлиги шундаки, у фақатгина Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларга тааллуқли ҳисобланади. Ушбу битимга Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2011 йил 25 ноябрдаги ПҚ-1648-сонли «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан қўшилган. Битимнинг 3-моддасига мувофиқ, томонларнинг ваколатли органлари миллий қонунчиликка мувофиқ қуйидаги тартибда ҳамкорликни амалга оширадilar.

22 Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: учебник для студентов юридических факультетов и вузов. - Изд. 3-е, перераб. и доп. – М.: Волтерс Клувер, 2005. Стр. 79. http://www.cawater-info.net/bk/water_law/pdf/lukashuk_1.pdf

Жумладан,

- миллий маълумотлар базаларини яратишнинг ягона тамойилларини ишлаб чиқиш;
- миллий маълумотлар базаларига киритиладиган ахборот таркиби ва мазмунига ягона талабларни белгилаш;
- ахборот манбаларини ва маълумотларни миллий маълумотлар базаларига киритиш тартибини аниқлаш;
- ушбу Битим иштирокчи-давлатлари миллий қонунчилигига мувофиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- ўқув, услубий ва махсус адабиёт билан айирбошлаш;
- биргаликдаги илмий тадқиқотлар, семинарлар ва конференциялар ташкил этиш;
- маълумотлар базалари билан ишлаш учун мутахассисларни ўқитиш (кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишда кўмаклашиш);
- миллий маълумотлар базаларини шакллантириш ва фойдаланишни амалга оширувчи органларни аниқлаш;
- муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар объектлари ва ҳуқуқ эгалари тўғрисидаги ахборот билан давлатлараро айирбошлашни ташкил этиш бўйича тадбирларни ўтказиш;
- миллий маълумотлар базаларини шакллантириш ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектлари тўғрисидаги ахборот билан давлатлараро айирбошлашни ташкил этиш бўйича иш тажрибаси билан алмашиш;
- Томонларнинг сўровларига биноан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофазалаш ва ҳимоялаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этиш²³.

23 Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ўртасидаги 2009 йил 20 ноябрдаги “Давлатлараро ахборот алмашинувини ташкил этиш ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар маълумотлари миллий базасини шакллантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида”ги Ялта Битими. 3-модда. <https://lex.uz/acts/2049990>

Яна бир минтақавий битимлардан бири Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги **“Аксилтеррор тузилмалар учун кадрларни тайёрлаш ҳақида”**ги 2009 йил 16 июнда имзоланган Екатеринбург Битими ҳисобланади. Мазкур Битим Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларининг аксилтеррор тузилмалар учун кадрларни самарали тайёрлашни таъминлаш мақсадида тузилган бўлиб Ўзбекистон Республикаси учун 2011 йил 7 декабрдан кучга кирган.

Бундан ташқари, минтақавий битимлар одатда маълум бир ижтимоий- иқтисодий муаммоларни ҳамкорликда бартараф этишга қаратилган бўлади. Аксарият ҳолларда эса, трансчегаравий ресурсларни бошқарилишида минтақавий нормаларнинг ишлаб чиқилиши мавжуд муаммоларнинг бартараф этилишида муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бундай келишувларнинг тузилишини тақозо этувчи ҳолатлардан бири сифатида Амударё сувларидан минтақа давлатлари ўртасида фойдаланилишидаги ўзига ҳос ҳавотирларни келтиришимиз мумкин. Хусусан, минтақадаги оқимнинг юқори қисмида жойлашган давлатлар ирригация, гидроэнергетика лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва сув танқислиги муаммоларини юмшатиш учун дарёда канал, тўғон ва сув омборлари қуришга ҳаракат қилса²⁴, минтақадаги бошқа қуйи оқим давлатлари Амударё сувларидан ўз улушлари бўйича фойдаланилишида ҳамкорлик қилишни мақул кўрадilar. Таъкидлаш керакки, бу каби муаммоларни ҳал қилишда энг самарали усул минтақавий нормаларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

24 Масалан: Қўштепа канали Афғонистон шимолида толиблар томонидан Амударёдан сувни буриш учун қурилаётган канал бўлиб, унинг узунлиги 285 км бўлиши кутилмоқда. Қурилиши 2022 йил март ойида бошланган.

ПАРТИКУЛЯР ЁКИ МАҲАЛЛИЙ (ЛОКАЛ) ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

Партикуляр ёки маҳаллий нормалар қатнашчиларининг доираси чекланган бўлиб, кўп ҳолларда икки томонлама муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади. Уларнинг асосий манбаи шартномалардир. Бироқ, бунга ўхшаган оддий нормалар ҳам мавжуд. Халқаро ҳуқуқ назариясида, бу бир бирига яқин бўлган нормалар ҳудудий жиҳатдан фарқланади. Партикуляр нормалар турли минтақаларда жойлашган икки ёки уч давлат ўртасида вужудга келса, маҳаллий нормалар бир минтақа давлатлари ўртасида вужудга келади²⁵. Бундай нормалар, аксарият ҳолларда икки томонлама муносабатлар доирасида бўлади²⁶.

Локал (айрим манбаларда – партикуляр деб юритилади) нормалар жумласига субъектларнинг муайян бир ҳолатдаги хулқ-атворини белгиловчи индивидуал нормаларни ҳам киритиш мумкин.

Партикуляр нормалар универсал нормаларга мос келиши лозим. БМТ Уставининг 103-моддасига кўра, аъзо-давлатларнинг Устав бўйича олган мажбуриятлари бошқа шартномалар бўйича олган мажбуриятларига нисбатан устуворликка эга.

3-§. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ

Нормаларни амал қилиши бевосита эмас, балки улар маълум бир манбаларда мустаҳкамлангандагина

25 Очилов Б.Э., Одилқориев Х.Т. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи (Халқаро оммавий ҳуқуқ): Дарслик.. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент-2002. 36-37 б.

26 Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. –Тошкент: “Адолат”, 2006. 50-б.

амалга оширилади. Ҳудди шу манбалар орқали ҳуқуқ нормалари субъектларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир қилади, ушбу хатти-ҳаракатларга юридик аҳамиятга эга хусусият беради. Халқаро ҳуқуқ нормалари ҳар доим маълум бир ҳуқуқий манбада акс эттирилган шаклда намоён бўлади.

Халқаро ҳуқуқ манбаларини халқаро-ҳуқуқий норманинг ифодаси шакли сифатида ҳисоблаш одат тусига кирган.

Халқаро ҳуқуқда барча манбалар иккита асосий гуруҳга бўлинади: **асосий** ва **ёрдამчи** халқаро – ҳуқуқий нормаларни яратиш воситаси. *Халқаро ҳуқуқда унинг аниқ ўрна-тилган манбаларини рўйхати мавжуд эмас.*

Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари халқаро шартнома-лар ва одатлар ҳисобланади²⁷.

Халқаро шартнома – халқаро ҳуқуқ манбаи.

Халқаро шартнома халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалдаги ёзма шакли бўлиб, икки ёки ундан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги битим ҳисобланади. Шунингдек, у мустақил давлатларнинг ихтиёрийлик ва суверен тенглик асосида келишилган иродаси ҳисобланади. Замонавий халқаро ҳуқуқнинг аксарият нормалари шартнома хусусиятига эга.

27 Xalqaro ommaviy huquq. Darslik / A.X.Saidov va boshqalar. –T.:TDYU nashriyoti. 2023, 87-b.

ЁДДА ТУТИНГ!

1969 йилги “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги ҳамда 1986 йилги “Давлатлар билан халқаро ташкилотлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартнома ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенциялари 2-моддасига мувофиқ,

Халқаро шартнома – халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган бир ёки бир нечта давлатлар ва бир ёки бир нечта халқаро ташкилотлар ўртасида ёки халқаро ташкилотлар ўртасида ёзма шаклда тузилган халқаро келишувни англатади. Бундай келишув битта, иккита ҳужжатда ёхуд бир нечтасида ўз ифодасини топганлигидан, шунингдек унинг аниқ номланишидан қатъий назар²⁸.

Шартнома халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида улар учун юридик мажбурий бўлган қоидалар – уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга доир халқаро ҳуқуқий нормаларни яратиш тўғрисидаги битимни нисбатан аниқ ва муайян шаклда ифода этади. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг кўпчилиги шартномавий хусусиятга эга.

Халқаро ҳуқуқ манбалари сирасига давлатлараро шартномаларни ҳам, шунингдек халқаро шартномалар иштирокидаги шартномаларни ҳам киритиш қабул қилинган. Унда барча халқаро шартномалар, уларда иштирок этувчилар сонидан қатъий назар, халқаро ҳуқуқнинг у ёки бу субъектлари учун халқаро ҳуқуқ манбалари ҳисобланишини ҳам

²⁸ Венская конвенция О праве договоров между государствами и международными организациями или между международными организациями. Вена, 21 март 1986 г. // Венская конвенция О праве международных договоров. 23 май 1986 г.

таъкидлаш лозим. Уларга умумий талаблар қўйилади. Ҳуқуқий асосли шартномаларгина халқаро ҳуқуқнинг асл манбаларига мансуб ҳисобланади. Яъни, бундай шарномалар сирасига фақат ихтиёрий тенг ҳуқуқли хоҳиш-ирода сифатида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига мувофиқ куч ишлатмасдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмасдан тузилган шартномалар киради.

Халқаро ҳуқуқ назариясида халқаро шартномаларнинг халқаро ҳуқуқ манбалари сифатидаги турли қирралари қайд этилади. Айниқса, давлат манфаатларини ифодаловчи ва ҳар қандай давлат қўшилиши учун очиқ бўлган универсал шартномалар муҳим ўрин тутди. Улар орасида БМТ Устави халқаро шартномалар ичида олий юридик кучга эга бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Халқаро шартноманинг тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонунида аниқ белгилаб қўйилган, унга кўра: Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси - битта ҳужжатдан, иккита ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат бўлишидан, шунингдек ўзининг муайян номидан ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усуллари) қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув²⁹.

29 Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 06.02.2019 йил ЎРҚ-518-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси // <https://lex.uz/docs/4193761>

Одат – халқаро ҳуқуқ манбаи.

Шартнома билан одат ўртасида узвий алоқа мавжуд. Улар бир-бирини “озиклантиради”. Одат нормаси халқаро шартномада мустаҳкамланганидан сўнг шартнома нормасига айланиши мумкин, бунда у бекор қилиниши, ўзгартирилиш ва (ёки) янада ривожлантирилиши мумкин. Ўз навбатида, шартнома нормаси, агар у умум томонидан эътироф этилган булса, шартномада иштирок этмаётган давлатлар учун одат нормасига айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам халқаро ҳуқуқнинг бу манбалари ўртасида қатъий чегара бўлиши мумкин эмас.

Халқаро ҳуқуқ назариясида халқаро-ҳуқуқий одат деганда, халқаро амалиётда шаклланиб улгурган ва халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан юридик мажбурий эканлиги тан олинган юриш-туриш қоидаси тушунилади. Халқаро одат айнан давлатлар амалиёти натижасида ташкил топади. Яъни, халқаро ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг етарли даражадаги узоқ муддатли такрорланувчи ҳаракатлари давомида юзага келади. Бунда у ҳуқуқий норма сифатида тан олиниши орқали халқаро-ҳуқуқий одат нормаси, деган мазмун касб этади. Бундай норма халқаро одат шаклида ўзининг ташқи ифодасига эга бўлади.

Халқаро-ҳуқуқий нормалар яратишнинг шартномавий шаклидан фарқли ўлароқ, халқаро-ҳуқуқий одат тегишли қоидалар шаклига мос ҳолда аниқ ифода этилган юридик ҳужжат сифатида намоён бўлмайди. У халқаро ҳуқуқнинг барча ёки айрим субъектлари ўртасида такрорланадиган халқаро ҳаракатлар самараси ўлароқ юзага келади ва аниқ шаклга эга нормадан кўра муайян хулқ тимсолида кўпроқ намоён бўлади. Бунинг натижасида давлатларнинг зиддиятли ва мунтазам ўзгариб турадиган амалиётида

халқаро одат ҳуқуқи нормаларини бўлақларга ажратиш аксар ҳолларда ўта қийинчилик билан кечади.

Одат БМТ Халқаро суди Низомининг 38-моддасида “ҳуқуқий норма сифатида қабул қилинган умумий амалиёт”нинг далили, деб белгиланган³⁰. Унда қайд этилишича:

“Ўзига бириктирилган низоли ишларни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал қилиш мажбуриятига эга бўлган суд қуйидагиларни қўллайди:

а) низолашувчи давлатлар томонидан маълум жиҳатдан тан олинган, қоидаларни ўрнатувчи, умумий ва махсус халқаро конвенциялар;

б) умумий тажрибанинг исботи сифатида ҳуқуқий норма сифатида тан олинган халқаро одат нормалари;

с) маданиятли миллатлар томонидан тан олинган ҳуқуқнинг умумий принциплари;

д) ҳуқуқий нормаларни белгилаш учун ёрдамчи восита сифатида суд қарорлари ва малакали мутахассисларнинг турли миллатларнинг оммавий ҳуқуққа оид таълимоти (доктрина) ва 59-моддада қайд этилган изоҳ”.

Мавжуд нормаларни изоҳлашда халқаро ташкилотлар резолюцияларининг роли беқиёс.

Умумий халқаро конвенциялар деб барча давлатлар иштирок этадиган ёхуд иштирок этаётган, ҳамда барча халқаро ҳамжамият учун умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган нормаларни ўзида акс эттирган шартномалар, яъни умумий халқаро ҳуқуқ нормалари тушунилади.

³⁰ Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. –Тошкент: “Адолат”, 2006. 54-57-б.

Махсусларига эса маълум бир чекланган иштирокчи давлатлар иштирок этган шартномалар тушунилади³¹.

Халқаро одатнинг уч асосий хусусияти мавжуд:

Биринчиси, халқаро одат нормалари узоқ вақт давомида қўлланилган;

Иккинчиси, халқаро одат нормалари халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан тан олинган;

Учинчиси, халқаро одат нормалари ҳуқуқий мажбурийлиги тан олинган³².

Демак, халқаро одатлар халқаро ҳуқуқ нормаларини ташкил этиб, у шундай юриш-туриш қоидасики, унда халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳар доим такрорланувчи бир турдаги ўхшаш хатти-ҳаракатларининг махсули сифатида намоён бўлиб ҳуқуқий норма сифатида тан олинади.

Такрорланувчи бир турдаги ўхшаш хатти-ҳаракатлар уларни такомиллашувини билдиради.

Юриш-туриш қоидаларининг вужудга келиши билан одатларнинг ташкил топиш жараёни ниҳоясига етмайди. Фақатгина давлатларнинг ҳуқуқий норма сифатида уларни тан олиши давлатларнинг у ёки бу ҳаракатлари одат тусига айланиб қолади.

Юриш-туриш қоидаларини одат сифатида баҳолаш мураккаб масала ҳисобланади. Шартномалардан фарқли ўлароқ одатлар қандайдир бир ягона актларда ёзма шаклда расмийлаштирилмайди. Шунинг учун одатлар мавжудлигини белгилаш учун **ёрдамчи воситалар, яъни суд қарорлари, доктриналар, халқаро ташкилотлар**

31 Xalqaro ommaviy huquq. Darslik / A.X.Saidov va boshqalar. –T.:TDYU nashriyoti. 2023, 86-89-b.

32 Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. –Тошкент: “Адолат”, 2006. 55-б.

қарорлари, бир томонлама актлар ва давлатларнинг хатти-ҳаракатлари асосида ўрнатилади.

Ёрдамчи восита ҳисобланган **суд қарорларига** БМТ Халқаро суди, бошқа халқаро арбитраж ва суд органларининг қарорлари киради. БМТ Халқаро суди ва бошқа халқаро суд органларига низоли ишлар билан мурожаат қилинганда давлатлар кўпинча низолашаётган тарафлар учун мажбурий бўлган одат нормаларининг мавжудлигини белгиб беришни сўрашади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқнинг манбаси нафақат БМТ Халқаро судининг қарорлари балки, минтақавий ва бошқа халқаро судларнинг қарорлари ҳам бўлиши мумкин (масалан, БМТнинг Халқаро жиноий суди, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ва б.).

БМТ Халқаро суди ўзининг амалиёти давомида одатларнинг мавжудлигини тасдиқлаш билан чекланмай балки уларга маълум даражада аниқ ифода (таъриф) берган. Мисол тариқасида БМТ Халқаро судининг 1951 йилдаги балиқчилик тўғрисидаги инглиз-норвегия низоси ҳақидаги қарорини келтириш мумкин. Жумладан, одат нормаларини аниқлашда қирғоқбўйи давлатлар ўзларининг ҳудудий сув хавзасининг охириги чегараси сифатида уларни аниқлаш учун тўғри чизиқни ҳам қўллаш мумкинлиги баён этилган³³.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида одат нормаларининг иккита тури мавжуд.

Биринчиси, анъанавий, амалда ёзма ҳолда бўлмаган, бироқ юридик кучи тан олинган одатдаги қоидалардан иборат.

33 Xalqaro ommaviy huquq. Darslik / A.X.Saidov va boshqalar. –T.:TDYU nashriyoti. 2023, 86-89-b.

Иккинчиси, халқаро одатнинг янги тури бўлиб, унинг таркибига узоқ муддатли амалиёт давомида яратиладиган эмас, балки бир нечта, ҳатто битта ҳужжатда мавжуд бўлган ва қоида сифатида тан олинган нормалар киради.

Иккинчи турга мансуб нормалар аввал шартномаларда ёхуд халқаро кенгашлар ва ташкилотлар қарорлари каби ноҳуқуқий ҳужжатларда шаклланади. Кейинчалик эса, уларнинг умумий халқаро ҳуқуқ нормалари деган мақоми эътироф этилади. Юридик жиҳатдан бу нормалар одат сифатида мавжуд бўлса-да, тегишли ҳужжатлар улар моҳиятининг далили бўлиб хизмат қилади.

Одатнинг шаклланиш жараёнини англаш учун иккита асосий тушунчани аниқлаштириб олиш керак:

Биринчидан, амалиётни;

Иккинчидан, юридик куч (*opini juris*) сифатида эътироф этилишини.

Амалиёт субъектлар, улар органларининг ҳаракатини ёхуд ҳаракатдан тийилишини англатади. Амалиёт етарлича аниқ, бир хил бўлиши керакки, токи ундан умумий қоида чиқариш мумкин бўлсин. Одатни белгилашда субъектлар позицияси, нуқтаи назари етарлича аниқ-равшан ифода этилган амалиёт шакллари(баёнот, нота, халқаро ташкилотлар резолюциялари) тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Амалиётнинг давомийлиги одатни тан олишда ҳеч қачон ҳал этувчи аҳамият касб этмайди. Кўп нарса аниқ шартшароитга боғлиқ бўлади. Кескин ўзгаришлар юз берган ва пайсалга солмай ҳал этишни тақозо қилувчи янги муаммолар пайдо бўлган пайтларда одат нормаси ягона прецедент, ҳодиса натижасида ҳам шаклланиши мумкин.

Илк ер сунъий йўлдошининг учирилиши ва бунга нисбатан давлатларнинг сукут сақлаши чет давлатлар ҳудудлари устидан фазода (космосда) безарар парвоз

этиш ҳуқуқи тўғрисида одат нормасининг пайдо бўлишига олиб келди. Натижада амалиёт ва *opinion juris* муносабатларида ўзгариш юз берди. Агар илгари улардан биринчиси муҳим мавқе эгаллаб турган бўлса, эндиликда бу мавқега иккинчиси эгалик қила бошлади. Халқаро ҳуқуқнинг умумий нормаларини шакллантиришда протест(норозилик) алоҳида аҳамият касб этади. Протест билдирилмадими, демак давлат янги одат нормасига рози.

Халқаро-ҳуқуқий одатни халқаро-ҳуқуқий одатийликдан фарқлаш лозим. Халқаро ҳуқуқ назариясида одатийлик деганда, давлатларнинг юридик мажбурий кучга эга бўлмаган умумий амалиёти тушунилади. Одатийлик асосан айни шу жиҳати билан халқаро-ҳуқуқий одатдан фарқланади. Халқаро такаллуф кўрсатиш нормалари ҳам одатийликка киради. Элчилик ва денгиз тантанали маросимлари (хусусан, давлат раҳбари ёки ҳукумат бошлиғини кутиб олиш тантанали маросими; очиқ денгизда кемаларнинг ўзаро мушакбозлиги) одатийликка яна бир мисолдир. Одатийлик халқаро ҳуқуқ нормаси сифатида намоён бўлиши мумкин. Яъни, барча халқаро муомала иштирокчилари учун юридик мажбурийлик кучига эга хулқ қондаси сифатида намоён бўлиши мумкин. бунинг учун одатийлик халқаро-ҳуқуқий одатга ёки ҳуқуқнинг шартномавий нормасига айланиши керак бўлади.

Одат нормалари ўзларининг халқаро шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилиши орқали шартнома ҳуқуқи нормаларига айланади. Бунда улар кўпинча шартномавий йўл билан бекор қилинади, ўзгартирилади ёки ривожлантирилади(масалан, халқаро ҳуқуқни кодификациялаш ва илғор ривожлантиришга доир халқаро шартномаларда). Бундан ташқари, шартнома нормаси агар у ҳамма томонидан эътироф этилиб, одат ҳуқуқининг умум тан олинган нормасига айланса, тегишли шартномада иштирок этмаётган давлатлар учун ҳам одат

сифатида намоён бўлиши мумкин. Масалан, 1968 йилдаги Ядровий қурооларни тарқатмаслик тўғрисидаги шартномада ҳозирча дунёнинг барча давлатлари иштирок этмаяпти. Аммо, унинг айнан барча давлатлар учун мажбурий нормалар сифатидаги қоидаларини тан олиш тобора кенгроқ тасдиғини топмоқда. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи ва халқаро муносабатлар амалиёти таҳлилидан хулоса қилиш мумкин-ки, айтиб бериш масала юзасидан шартнома нормалари билан бирга одат нормалари ҳам амал қилиши мумкин³⁴.

Назорат саволлари:

1. *Халқаро ҳуқуқ нормаси тушунчаси. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг мазмуни.*
2. *Универсал, минтақавий ва партикуляр ёки маҳаллий халқаро ҳуқуқий нормалар фарқли жиҳатлари.*
3. *Халқаро ҳуқуқ нормаларининг фаолият доираси бўйича бўлиниши.*
4. *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари, Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси, Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари.*
5. *Халқаро ҳуқуқ манбаларининг иккита асосий гуруҳи.*
6. *Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари.*
7. *Халқаро ҳуқуқнинг ёрдамчи манбалари.*
8. *Халқаро шартнома ва одатлар.*
9. *Умумий халқаро конвенциялар.*
10. *Халқаро одатнинг уч асосий хусусияти.*
11. *Одатнинг шаклланиш жараёнини англаш учун аниқлаштириб олиш лозим бўлган асосий тушунчалар.*

34 Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. –Тошкент: “Адолат”, 2006. 55-59-б.

2-БОБ

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

БМТ Конвенцияларига қўшилиш аъзо давлатларга конвенцияларда белгилаган қоидаларни бажариш мажбуриятини юклайди.

Халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг давлатлар томонидан қўлланилиши ёки қўллаш учун миллий ҳуқуқнинг такомиллашуви, ижро механизмларининг мавжуд бўлиши судлар томонидан халқаро-ҳуқуқий нормаларни тобора кўпроқ қўллашга олиб келади. Айти пайтда судларда халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши халқаро-ҳуқуқий норма таъсирида миллий ҳуқуқнинг такомиллашувига ва ривожланишига сабаб бўлади.

Дастлабки таҳрир(1992 йил)даги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида “Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади” деган қоида мавжуд эди. Ушбу халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олиниши тўғрисидаги қоида юзасидан олимлар йиллар давомида турли баҳслар юритди.

Қуйида дастлабки таҳрир(1992 йил)даги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида белгиланган қоида борасида ўз танқидий қарашларини билдирган олимлар фикрларига эътибор қаратамиз.

Ҳ.М. Турсунов: Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф

этилган принциплари ва нормалари Конституцияда умумий тарзда тан олинган, шунинг учун уларнинг миллий ҳуқуқий тизимда ўрни белгиланмаган деб бўлмайди. Сабаби, биринчидан, гарчи, аксарият давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларининг устуворлиги умумий тарзда тан олинган бўлса-да, бугун халқаро ҳуқуқ нормалари, унинг асосий принциплари миллий қонунчилик тизимини янгилаш ва такомиллаштиришнинг реал устунига айланди, иккинчидан, Конституция халқаро ҳуқуқда умум эътироф этилган принциплар ва нормаларнинг шунчаки устуворлигини эмас, балки уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ҳаракатини ҳам бирдек қафолатлаган, учинчидан, Ўзбекистон Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва тамойиллари устуворлиги тан олинган экан, ушбу қоида унинг Муқаддимаси ёки моддасида белгиланганлигидан қатъий назар, олий юридик кучга эга ҳисобланади, чунки Конституция ўз ҳуқуқий табиатига кўра, мамлакат ҳудудида тўғридан-тўғри ҳаракатда бўлувчи асосий қонундир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган “халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларининг устуворлиги” принципи ҳар қайси давлат органи, жумладан, судлар зиммасига ҳар бир масалага (низого) миллий ва халқаро-ҳуқуқий, умум тан олинган принциплар нуқтаи-назаридан ҳам баҳо беришни талаб этади, чунки халқаро ҳуқуқ нормалари билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиққан муайян низони нотўғри ҳал этиш халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойилларининг ҳам бузилишига сабаб бўлиши мумкин³⁵.

35 Турсунов Ҳ.М. Халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллаш муаммолари. Автореф. дисс. ... ю.ф.н. – Тошкент.: ТДЮИ. 2011.

А.С.Турсунов: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари устуворлиги тан олинганлиги ўзининг хусусияти ва шаклига кўра олий юридик кучга эга принцип ҳисобланади³⁶.

Т.Э.Арипов: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари устуворлиги тушунчаси илмий жиҳатдан тадқиқ этишни талаб этади. Ушбу тоифадаги нормаларни қўллашнинг амалий жиҳатларини назарий томондан ёритиб бермасак, уларни нотўғри талқин қилишимиз ва ҳуқуқни қўллаш жараёнида муайян қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин³⁷.

Г.А.Маткаримова: Барча қонунчилик ҳужжатлари Конституция мазмунидан келиб чиқиши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддимасида “халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олган ҳолда” дейилгани халқаро шартномалар миллий ҳуқуқда тўғридан-тўғри қўлланилади, деган гап эмас, чунки халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва бошқа норматив ҳужжатлар орасида катта фарқ бор. Бундан ташқари, юқоридаги ибора Конституциянинг алоҳида моддасида эмас, Муқаддимасида берилган³⁸.

В.Хошимов: Халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги тамойили Конституциянинг “Муқаддима”сида белгиланган бўлса-да, асосий қисмида халқаро шартноманинг ҳуқуқий кучи ўз аксини топмаган. Шунинг учун ҳам баъзи олимлар

36 Турсунов А.С. Конституционные основы внешней политики Республики Узбекистан. – Ташкент.: Фан ва технология. 2008. – С.67.

37 Арипов Т.Э. О некоторых аспектах имплементации норм международного права в законодательство Республики Узбекистан // Халқаро муносабатлар. 2002. №2. – Б.61.

38 Маткаримова Г.А. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. – Тошкент.: ТДЮИ. 2002. – Б.35.

ва мутахассислар томонидан “Муқаддима”даги халқаро ҳуқуқ устуворлигининг юридик кучи шубҳа остига олинмоқда³⁹.

Б.И.Исмаилов: Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар муаммоси ҳали-ҳануз ўз ечимини топгани йўқ. Қонунчилик амалиётида халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидалари устуворлигидан ташқари халқаро-ҳуқуқий нормаларни татбиқ этишни кўзда тутувчи алоҳида норма мавжуд эмас⁴⁰.

Н.Нугманов: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунлардан устуворлигини тан олувчи махсус модданинг йўқлиги, шубҳасиз, муаммодир ва уни Конституцияга тегишли қўшимча киритиш билан ҳал этиш лозим⁴¹.

Маълумки, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида “Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда, ушбу Конституцияни қабул қиламиз ва эълон қиламиз” деб, белгилаб қўйилган. Шунингдек, муқаддимада белгилаб қўйилган ушбу қонданинг кафолати сифатида Конституциянинг асосий қисмига, яъни 15-моддага “Ўзбекистон Республикасининг халқаро

39 Хошимов В. Халқаро ҳуқуқ меъёрларини миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг айрим масалалари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2006. №3. – Б.55.

40 Исмаилов Б.И. Реализация рекомендаций тематических комитетов ООН в законодательстве Республики Узбекистан // Ҳуқуқ. Право. Law. январь-март. 2005. – С. 70-72.

41 Нугманов Н. Применение международно-правовых норм по правам человека в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент.: УМЭД. 2005. – С. 13.

шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади” деб, қатъий норма киритилди. Судларда мазкур норманинг тўғридан-тўғри амал қилиши юзасидан унинг ижросини таъминлаш мақсадида 23.06.2023 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сон қарорида⁴² судлар Конституция нормасини тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги важи билан қўллашни рад этишга йўл қуйилмаслигига эътибор қаратишлари кераклиги қатъий белгилаб қўйилди. Шунингдек, Қарорда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилишига эътибор қаратиш кераклиги ва бунда судлар қонун ҳужжатларига асосан халқаро шартнома Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинганлиги ёхуд кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари ўтказилганлигига, шунингдек, қўшимча

42 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида. 23.06.2023 йил 16-сон. <https://lex.uz>

шартлар қўйилганлигига эътибор қаратиши лозимлиги, шу билан бирга, ишларнинг кўриб чиқилишида халқаро шартнома нормалари қўлланилган ҳолларда қарорнинг асослантирувчи қисмида ушбу халқаро шартнома нормаларига ҳавола қилиниши лозимлиги кўрсатилди.

Масалан, араб мамлакатлари конституциявий қонунчилигида ҳам ўз ташқи сиёсатининг асосларини аниқлашда муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилишга интилиш ёки бирон-бир халқаро муаммони ҳал қилишда халқаро принципларга мурожаат қилиш ҳоллари кузатилади. Конституцияларда БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси каби халқаро ҳужжатларнинг мақсадлари ва принципларини далил қилиб кўрсатиш, баъзи Конституцияларда эса ирқий камситишга қарши кураш олиб бориш зарурлигини кўрсатиш ҳоллари учрайди. Конституциялар матнида акс эттирилган араб мамлакатлари ташқи сиёсатининг асосий принциплари, асосан халқаро ҳуқуқ умумий принципларига мувофиқ келади⁴³.

Ҳуқуқшунос олим, таниқли давлат ва жамоат арбоби, академик А.Х.Саидов “Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий позицияси, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини **миллий ҳуқуқий тизимда устуворлигини амалда таъминлаш, Ўзбекистонга тегишли халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш**, халқаро ҳуқуқ нормаларини судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалда қўллаш механизминини ишлаб чиқиш, халқаро ҳуқуқ соҳаларини ўрганиш каби мавзулар амалий ва назарий аҳамиятга эга”⁴⁴ дея таъкидлаган эди.

43 Юнусов А.Л. Халқаро ҳуқуқнинг араб доктринаси: Автореф. дисс. ... ю.ф.н. – Тошкент.: ЖИДУ. 2010. – Б.19.

44 Саидов А.Х. Мустақиллик ва халқаро ҳуқуқ фанининг ривожланиши // Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси. 2006. №4. – Б.142.

Шу жиҳатдан янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасига Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳуқуқий мақоми ва унинг қўлланилишига оид норма киритилиши орқали унинг конституциявий даражада мустаҳкамланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.06.2023 йилдаги 16-сон Қарорининг қабул қилиниши олимлар томонидан юқорида қайд этилган муаммоларнинг фундаментал ечими ҳамда халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришнинг ҳуқуқий асослари кафолати бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси деганда, битта ҳужжатдан, иккита ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат бўлишидан, шунингдек ўзининг муайян номидан ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усуллари) қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш деганда эса, халқаро шартноманинг мазмунини шакллантириш, унинг матнини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдиришга доир тартиб-таомиллар кетма-кетлиги тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини имзолаш — халқаро шартномани тузиш босқичи ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи

учун мажбурий эканлигига бўлган розилигини, агар халқаро шартномада имзолаш шундай кучга эга эканлиги назарда тутилган бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг ва музокараларда иштирок этаётган бошқа томонларнинг имзолаш шундай кучга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги келишуви бошқача тарзда белгиланган бўлса ёки имзолашга шундай куч бериш мақсади музокараларда иштирок этаётган томон вакилининг ваколатларидан келиб чиқса ёхуд музокаралар вақтида билдирилган бўлса, билдириш шаклини англатади⁴⁵.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди⁴⁶;

Шубҳасиз, давлат ичидаги ҳар қандай норматив ҳужжат конституция тамойилларига мос бўлиши шарт. Борди-ю бирор бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциявий суднинг суд муҳокамаси натижасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топилса, бу ҳақда тегишли қарор чиқарилади ва ўша ҳужжат ёки унинг тегишли қисми бекор қилинади. Бундай ҳужжатни қабул қилган давлат органи Конституциявий суднинг қарори асосида ўз ҳужжатини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштириши шарт.

45 Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида Қонуни, 06.02.2019 йил. УРҚ-518-сон. <https://lex.uz>

46 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 133-модда. <https://lex.uz/docs/6445145>

Ушбу конституцион қоидалар суднинг жамият ва давлат ҳаётида тутган ролини анчагина оширади, унга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ўта муҳим вазифани юклайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистоннинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига сўзсиз риоя қилиш мамлакатимиз судларининг бош вазифаларидан биридир⁴⁷.

Ҳ.Олимжонов “суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда Конституциявий суд Конституциядаги энг устувор йўналишларни тавсия бериши керак” дейди ва қуйидаги тавсияларни беради. Жумладан: 1) демократик ҳуқуқ ижодкорлиги; 2) амалда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган тизимни яратишга бошчилик қилиш; 3) халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонун ҳужжатлари билан бир хилда ижро этилиши таъминланишини кузатиб бориш⁴⁸.

Қолаверса, 1969 йил 23 майда қабул қилинган “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенциясининг 27-моддасига кўра, иштирокчи давлат халқаро шартнома шартларига риоя қилмаслик сабаби сифатида ўз ички қонунчилигида белгиланган қоидаларни ҳавола қилаолмайди. Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 11 августдан кучга кирган⁴⁹.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари ўз-ўзидан унинг миллий ҳуқуқий тизимининг бир қисмига айланади ва тегишлича турли давлат органлари ва судлар томонидан қўлланилиши

47 Юлдашева Г. Халқаро ҳуқуқий нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси суд тизими томонидан қўлланилиши. – Тошкент.: ТДҲОИ. 2004. – Б. 15.

48 Олимжонов Ҳ. Суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан матбуот ўртасидаги муносабат // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси. №9. 2004. – Б.65.

49 <https://lex.uz>

мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳол манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар ўзаро низоларни, шунингдек давлат органлари, муассасалар ва ташкилотлар билан юзага келган низоларни ҳал этиш чоғида бевосита инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларига таянишлари мумкин⁵⁰.

Айнан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида белгиланганлиги судлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини миллий ҳуқуқ нормалари билан бирга қўлланилишини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари судлар томонидан қўлланилишига оид қарашлар:

Г.А.Маткаримова халқаро ҳуқуқ нормалари қанчалик тўлиқ ва аниқ бўлишидан қатъий назар, миллий ҳуқуқ санкцияси бўлмаса, миллий ҳуқуқда қўлланилиши амри маҳол. Ҳар қандай халқаро ҳуқуқ нормаси миллий ҳуқуқда қўлланилиш жараёнида миллий ҳуқуқнинг ёрдамига таянади, чунки миллий ҳуқуқ нуқтаи-назаридан қаралганда, ҳар бир халқаро норма ижроси давлатнинг аниқ органига юклатилган бўлади. Миллий ҳуқуқда қўлланилиши учун

50 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Тошкент.: Konsauditinform – Nashr. 2006. – Б.93-94.

халқаро ҳуқуқ нормаси аниқ ифода этилган бўлиши лозимлигини уқтиради⁵¹.

И.И.Лукашук эса, халқаро ҳуқуқнинг давлатлар миллий ҳуқуқий тизимига бўлган таъсири консерватив руҳда кучайиб бораётганлиги ҳамда деярли барча конституцияларда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги ва улар асосида қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тан олинганлигини таъкидлаб⁵², халқаро шартнома халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида бир томондан келишувни англатса, бошқа томондан, қонуннинг аналогиясидир. Судлар халқаро шартномаларни миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида қўллаши лозим. Шу боис, қонунлар қандай талқин этилса, халқаро шартномалар ҳам ана шундай тартибда ва халқаро ҳуқуқ талаблари асосида талқин этилиши керак⁵³, деб ҳисоблайди.

А.Ниёзов ҳам “халқаро-ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликда амалга ошириш суд фаолиятининг асосий вазифаларидан, чунки инсон ҳуқуқларига тааллуқли халқаро-ҳуқуқий меъёрларни қўллаш устидан назоратни суд таъминлайди. Алоҳида ҳолатларда суд халқаро-ҳуқуқий меъёрларни шарҳлаб беради, аниқлайди”⁵⁴.

Ушбу ўринда Америкалик юрист, ташқи сиёсат бўйича аналитик, сиёсатшунос Анн-Мари Слотер қуйидаги фикрларни илгари суради – “Давлат судлари халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва талқин қилиш билан

51 Маткаримова Г.А. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. – Тошкент.: ТДЮИ. 2002. – Б.17.

52 Лукашук И.И. Взаимодействие международного и внутригосударственного права в условиях глобализации // Журнал российского права. 2002. №3. – С. 120.

53 Лукашук И.И. Международное право. Общая часть. 2-е изд. – Москва.: Бек. 2001. – С.210-211.

54 Ниёзов А. Халқаро ҳуқуқий меъёрлар: улар судлар томонидан қандай қўлланилмоқда? // Ҳаёт ва қонун. 2004. №2. – Б.48.

шуғулланмас экан, шубҳасиз, уларнинг таъсири кам бўлади”⁵⁵ деган фикрни илгари суради.

Суднинг қарори Ўзбекистон Республикасида имзоланган халқаро шартнома ва конвенцияларга зид келмаслиги лозим, чунки суд давлат номи билан иш олиб борувчи органдир. Суд қарорини (ҳукмини) давлатнинг ёндашуви натижаси деб қараш мумкин. Халқаро-ҳуқуқий меъёрларга риоя қилинмаган ҳолда қабул қилинган суд қарорлари давлатнинг ўзга давлатлар билан муносабати бузилишига, ўзаро низолар келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Айти пайтда судларда халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиши халқаро-ҳуқуқий норма таъсирида миллий ҳуқуқ ривожланишига ҳам сабаб бўлади. Давлат судлари халқаро ҳуқуқ нормасини қўллаш чоғида уларни талқин қилиши ва шу билан бир вақтда ўз давлатида мавжуд бўлган қоидаларни ҳам ҳисобга олиши зарур бўлади. Суд ишга тааллуқли бўлган миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганиб, таққослаб, уларни амал қилиш ҳолатларини аниқлаши имплементация жараёнини енгиллаштиради. Қўлланаётган халқаро ҳуқуқ нормасига миллий ҳуқуқда ўз ўрнини эгаллашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”сида жиноят-процессуал қонунчиликни халқаро стандартларга унификация қилинганлиги ва мувофиқлаштирилганлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш, халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи жиноят-процессуал

55 Slaughter, Anne-Marie. A Typology of Transjudicial Communication, in International law decisions in national courts. Ed. By Thomas M. Frank. Gregory H.Fox. Irvington-on-Hudson, New York, Transnational Publishers, Inc. 1996. – P.60.

нормаларни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқлаштириш белгиланганлиги ҳам жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида имплементация жараёни билан боғлиқ камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, халқаро-ҳуқуқий нормаларининг давлатлар томонидан қўлланилиши ёки қўллаш учун миллий ҳуқуқнинг такомиллашуви, ижро механизмларининг мавжуд бўлиши судлар томонидан халқаро-ҳуқуқий нормаларни тобора кўпроқ қўллашга олиб келади. Аини пайтда судларда халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши халқаро-ҳуқуқий норма таъсирида миллий ҳуқуқнинг такомиллашувига ва ривожланишига сабаб бўлади⁵⁶.

Суд амалиёти учун халқаро ҳуқуқнинг моҳияти ва аҳамияти муҳимлигини шундан ҳам билса бўладики, тараққий этган давлатларнинг фуқаролик ёки жиноят ишлари бўйича судлари нафақат халқаро хусусий ёки жиноят ҳуқуқига оид, балки аксарият ҳолларда халқаро оммавий ҳуқуқга тегишли масалаларни ҳам ҳал этишга дуч келади⁵⁷. Масалан, Профессор Леа Брилмайер ўз илмий қарашларида Америка судлари кўп ҳолларда давлатлар ўртасидаги горизонтал низоларга нисбатан давлат ва индивид муносабатидан келиб чиқадиган вертикал низолар бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаётганлигини таъкидлайди⁵⁸.

Дарҳақиқат, ҳар қандай миллий ҳуқуқий тизим ҳозирги замон талабларидан келиб чиқувчи илғор, мукамал

56 Маткаримова Г.А. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. – Тошкент.: ТДЮИ. 2002. – Б.17.

57 Қаранг.: Мартенс Ф.Ф. Современное международное право цивилизованных народов. Т.1. – Москва.: Юридический колледж МГУ. 1996. – С. 150-151.

58 Brilmayer L. International Law in American Courts: A Modest Proposal / Yale Law Journal. Vol. 100.

нормаларни яратишга интилади. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка сингдирилиши халқаро ҳуқуқ ва ички қонунчилик тизимида ўзаро уйғунликни таъминлаш вазифасидан келиб чиқади. Бугунги кунда катта тизимга эга бўлган, халқаро муносабатларнинг барча жабҳаларини акс эттирувчи халқаро ҳуқуқ нормаларини ички қонунчиликка қўллаш, энг аввало, уни мукаммаллаштиришга хизмат қилади⁵⁹.

Шунингдек, “Агар миллий судлар қарор қабул қилишда халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланса, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқий тизимдаги ҳаракати ҳам кескин суръатда самарали кечади”⁶⁰.

Бундан ташқари, халқаро-ҳуқуқий меъёрларни судларда қўллаш миллий ҳуқуқий тизимга катта таъсир ўтказди. Судларнинг қарори маълум даражада ҳуқуқий онгининг шаклланишига, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга таъсир қилади, чунки судлар амалдаги меъёрларни жамлаб, аниқлаштириб, миллий ҳуқуқда қўллаш бўйича андозаларни ишлаб чиқади. Бу эса ўз навбатида халқаро ҳуқуқнинг ривожланишига олиб келади”⁶¹.

Бироқ, халқаро-ҳуқуқий меъёрларнинг Ўзбекистонда қўлланиши учун умум эътироф этилган халқаро шартномаларнинг меъёрлари мамлакатимиз қонунчилигига, жумладан кодексига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар шаклида киритилиши лозим. Бу шундан келиб чиқадики, биринчидан, кўпгина халқаро шартномалар

59 Саидова Л. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига халқаро нормаларни имплементация қилишнинг баъзи бир жиҳатлари. Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари. Илмий-амалий семинар материаллари // Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Тошкент. 2006. – Б. 105.

60 Қаранг.: Мингазов Л.Х. Эффективность норм международного права. Теоретические проблемы. Казан. 1999. – С. 232-233.

61 Маткаримова Г.А. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. – Тошкент.: ТДЮИ. 2002. – Б.65.

(конвенциялар) фақат иштирокчи давлатларнинг у ёки бу турдаги жиноятлар билан курашиш ниятинигина билдиради; иккинчидан, агар халқаро шартнома у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишнинг белгиларини аниқлаган ҳолда ҳам, у одатда, тегишли жазони белгилаб бермайди; учинчидан, мабодо, жазони кўрсатган ҳолда ҳам шартнома унинг қўлланиш чегаралари ва шартларини кўрсатмайди. Ҳатто, Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган халқаро шартномалар қоидалари ҳам амалдаги жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритмасдан туриб қўлланилмайди⁶².

Бундан ташқари, шуни унутмаслик керакки, миллий ҳуқуқий тизимга халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилишга оид қоидаларнинг киритилиши уларнинг давлат ҳудудида тўла амал қилишини англамайди. Ушбу қоидалар халқаро мажбуриятлар асосида тўғри квалификация қилинишини тақозо этади. Шунинг учун халқаро ҳуқуқни ижро этувчи ва қўлловчилар, айниқса, судлар халқаро ҳуқуқни қандай тушуниш ва талқин этишдан хабардор бўлиши зарур⁶³.

АМАЛИЁТ

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, республиканинг аксарият инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалари кўп ҳолларда ҳаракатсиз қолмоқда. Халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиши муҳимлиги ва зарурлигига қарамасдан судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар буни

62 Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент.: Yuridik adabiyotlar publish. 2021. – Б. 11.

63 Strategy for an Era Application of International law – Action Plan adopted by the UN Senior Management Group and Approved by the UN Secretary-General, June 2000.

эсдан чиқаришади. Бунинг энг катта сабабларидан бири эса, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг халқаро ҳуқуқ нормаларини билмаслиги ва қўллаш механизмларининг мавжуд эмаслигидир⁶⁴. Ваҳоланки, халқаро ҳуқуқ нормасининг давлат ички ҳуқуқида ҳаракатини таъминлашда суднинг алоҳида ўрни бор⁶⁵.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармонида 1-илова билан тасдиқланган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”да ҳам судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш юзасидан қарорларни бажаришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш лозимлиги кўрсатилган ҳолда шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги устувор йўналишлардан бири сифатида халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кенг қўлланилиши, халқаро ҳуқуқ устуворлиги принципини амалга оширишнинг самарали механизмини яратиш эканлиги қайд этилди⁶⁶.

Шу жиҳатдан, Янги Ўзбекистон стратегиясига назар ташлайдиган бўлсак, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев яқин ўн йилликда суд тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, адолатли судловдан фойдаланиш

64 Нурматов Т.А. Международные договоры в правовой системе Кыргызской Республики (теоретико-правовой анализ): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Бишкек: 2009. – С. 18.

65 Алексеева Л.Б. Жуйков В.М. Лукашук И.И. Международные нормы о правах человека и применение их судами Российской Федерации. – Москва.: Права человека. 1996. – С. 17.

66 Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида фармон. 2020 йил 22 июнь.

имкониятини оширишга қаратилган бажарилиши зарур бўлган биринчи вазифа сифатида “судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидаги тамойиллар ва нормаларнинг кенгроқ қўлланилишига эришиш”ни назарда тутган. Шунингдек, халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кенг қўлланилиши лозимлиги таъкидланган⁶⁷.

Юқоридаги таҳлилларимиз ва Янги Ўзбекистон стратегиясида яқин ўн йилликда амалга оширилиши юзасидан белгиланган вазифалар моҳиятидан хулоса қилинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида тан олинишига қарамасдан, судлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини миллий ҳуқуқ нормалари билан бирга қўллаш амалиёти яхши йўлга қўйилмаган. Бу эса, судьялар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари бўйича етарлича малака ва тажрибага эга эмаслигини англатади.

Асосий муаммо – дейди Н.Насырова – конвенциялар ёки турли халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва келишувларини ратификация қилишдангина иборат бўлмай, балки уларнинг ижроси, миллий қонунчиликни мувофиқлаштириш, фуқароларнинг хабардорлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан қарор

67 Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Мустақил ва одил судлов тизими. – Тошкент: 2021. 107-б.

чиқаришда халқаро ҳужжатларнинг қўлланилиши билан боғлиқдир⁶⁸.

Демак, конвенциялар, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари ёки турли халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва келишувларининг ратификация қилиниши мамлакатда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасида муаммонинг тўлиқ ечими эмас экан. Муаммонинг ечими биринчидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатларнинг миллий қонунчиликка сингдирилиши бўлса, иккинчидан уларнинг судлар томонидан амалда қўлланилишидир.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий “қонунларни ҳаётга жорий этиш уларни қабул қилишдан кўра ўта мураккаб жараёндир” дейди⁶⁹. Ўз даврида буюк файласуф, давлат ва жамоат арбоби Ш.Монтескьенинг ҳам “Қачонки мен бирор давлатга борадиган бўлсам, у ерда қонунларнинг яхши ёки ёмонлигини эмас, балки уларнинг амалга оширилишини, ижро этилаётганлигини текшираман, чунки, яхши қонунлар ҳамма жойда ҳам бўлиши мумкин”⁷⁰ – деб қонунлар ижросининг долзарблигига урғу берган.

Одатда халқаро шартномалар нормалари билан миллий ҳуқуқ нормалари ўртасида зиддият бўлиб қолса, халқаро шартномалар нормалари қоидалари қўлланилиши ҳақида сўз юритилади. Бироқ, ушбу ўринда халқаро шартномаларнинг бевосита(тўғридан-тўғри) амал қилмайдиган нормалари ҳақидаги савол кўпчилик ҳолларда назардан

68 Насырова Н. Правовые нормы международных организаций и национального законодательства в сфере международных трудовых отношений // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2006. №1. – С.74.

69 Тожихонов У. Ҳуқуқий маданиятнинг илмий-назарий муаммолари. –Т.: 1995. Юрид.фан.док.ил.дар.ол.ун. ёзил. Диссертация. –Б.194.

70 Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. О законах, об их отношениях к различным существам. –М.: 1955. – С.164-165

четда қолади. Шу жиҳатдан, халқаро шартномалар нормаларини икки тоифага ажаратиш мумкин.

Биринчи тоифа – халқаро шартномаларнинг бевосита(тўғридан-тўғри) амал қиладиган нормалари;

Иккинчи тоифа – халқаро шартномаларнинг бевосита(тўғридан-тўғри) амал қилмайдиган нормалари.

Халқаро шартномалар нормалари қоидаларининг қўлланилишига оид мазмундаги бугунги кунда мавжуд бўлган аксарият манбаларда халқаро шартномаларнинг бевосита(тўғридан-тўғри) амал қилмайдиган нормаларининг тўғридан тўғри қўлланилиши ҳақида сўз юритилади. Ваҳоланки, бунинг иложи йўқ. Бунинг учун аввало халқаро шартномаларнинг бевосита(тўғридан-тўғри) амал қилмайдиган нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш лозим бўлади.

Илмий манбаларда **“халқаро шартномаларни тўғридан-тўғри қўллаш”** тушунчасига нисбатан универсал, ягона аниқ таъриф мавжуд эмас. “Тўғридан-тўғри қўллаш” (англ. direct application) атамаси билан бир қаторда “тўғридан-тўғри кучга кириш” ёки “тўғридан-тўғри таъсир” (ҳар икки атама англ. direct effect)⁷¹ иборалари, шунингдек “тўғридан-тўғри қўллаш” (англ. direct application) ва “тўғридан-тўғри қўлланилиш” (англ. direct applicability)⁷² иборалари ишлатилади.

Бундан ташқари, “бевосита(тўғридан-тўғри) қўлланиладиган шартномалар” ёки “бевосита(тўғридан-тўғри) қўлланиладиган халқаро ҳуқуқ нормалари” (англ. self-executing treaties/ provisions of international law) тушунчалари мавжуд.

71 Craig, P. EU Law: Text, Cases and Materials / P. Craig, G. Burca. 2nd ed. Oxford: Oxford University Press, 1998. p. 199–213.

72 Winter, J. Direct applicability and direct effect: Two distinct and different concepts in Community law // Common Market Law Review. 1972. Vol. 9. p. 425.

Яъни, давлат ички ҳуқуқий тизимида қўлланилиши учун қўшимча қонун ҳужжати қабул қилишни талаб қилмайдиган халқаро ҳуқуқ нормалари ва шартномалари⁷³.

В.Ю.Калугин ҳақли таъкидлаганидек, “бевосита(тўғридан-тўғри) амал қиладиган халқаро шартномалар” эмас, балки “бевосита(тўғридан-тўғри) амал қиладиган халқаро шартномалар **нормалари**” деб гапириш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, бевосита(тўғридан-тўғри) амал қилмайдиган шартномада бевосита(тўғридан-тўғри) амал қиладиган шартнома **нормалари** бўлиши мумкин ва аксинча⁷⁴.

“Бевосита тадбиқ этиладиган халқаро шартномалар нормалари” ва “тўғридан-тўғри амал қиладиган халқаро шартномалар нормалари” тушунчаларини синоним тушунчалар сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ кўринади. **Бевосита тадбиқ этиладиган халқаро шартномалар деганда** миллий ҳуқуқий тизим доирасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун давлатнинг ички ҳуқуқ субъектлари томонидан халқаро шартномалар нормаларини қўллаш тушунилади. **Халқаро шартномаларнинг бевосита қўлланилиши** улар нормаларининг диспозициясини давлат ички механизмлари томонидан мажбурий тартибда **автоматик таъминлашни назарда тутлади. Халқаро шартномалар нормаларининг бевосита (тўғридан-тўғри)** қўлланилиши давлат ички ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш учун тўлиқ мослигини англатади. Тўғридан-тўғри амал қиладиган нормалар давлат ички ҳуқуқ субъектларининг хулқ-атвори модели сифатида фойдаланилиши мумкин. Ва давлат ички ҳуқуқий

73 Leary, V. A. International labour conventions and national law: the effectiveness of the automatic incorporation of treaties in national legal systems. The Hague; London: Nijhoff, 1982. p. 55.

74 Калугин, В. Ю. Механизм имплементации международного гуманитарного права. Минск: Светоч, 2003 с. 140.

тизимига киритилишида давлатнинг ички ҳуқуқий база-си умумий ҳолатига таъсир қилмайди(яхлитлигини буз-майди). Ўз навбатида, тўғридан-тўғри амал қилмайдиган нормалар ҳуқуқий тизимга автоматик равишда қўшилиб кетаолмайди. Уларнинг тўлиқ имплементация қилиниши учун қўшимча равишда давлатнинг ички қонун ҳужжатини қабул қилиш талаб этилади⁷⁵.

Халқаро шартноманинг маълум бир қонунда тўғридан-тўғри қўлланиладиган турли давлатларда турлича мақомга эга бўлиши мумкин. Масалан, 1961 йил 18 октябрдаги Европа ижтимоий хартиясининг 6-моддаси 4-қисмида белгилаб берилган низолар юзага келганда ишчилар ва тадбиркорларнинг жамоавий ҳаракатларга бўлган ҳуқуқи (иш ташлаш ҳуқуқи) Нидерландиянинг ҳуқуқий тизимида бевосита таъсирга эга. Аммо Германия ҳуқуқий тизимида бевосита таъсирга эга эмас⁷⁶.

Шундай қилиб, тўғридан-тўғри таъсир қилиш имконияти нафақат норманинг мазмунига, балки у қўлланиладиган ҳолатларга ҳам боғлиқ. Қонундан самарали амалга ошириш учун қўшимча қонунчиликни қабул қилиш зарурати ушбу норманинг тўғридан-тўғри таъсир қила олмаслиги билан белгиланмаслиги керак. Битта ҳуқуқ нормасининг диспозицияси икки хил тарзда ишлатилиши мумкин: а) хулқ-атвор модели сифатида; б) жавобгарликни белгилаш мезони сифатида.

Баъзи ҳолларда халқаро ҳуқуқнинг тўғридан тўғри қўлланилмайдиган қонунларини бевосита қўллаш мумкин. Ушбу нормаларнинг диспозицияларида назарда тутилган

75 Барбук Алексей Владимирович. Непосредственное применение международных договоров в национальной правовой системе // Понятие самоисполнимых норм международных договоров. С. 4

76 Schermers, H. Netherlands // The Effect of Treaties in Domestic Law / Eds.: F. Jacobs, S. Roberts. London: Sweet&Maxwell, 1987. p. 115-116

ички ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатларини самарали тартибга солиш учун қўшимча тафсилотларни талаб қиладиган халқаро ҳуқуқ нормалари ушбу халқаро мажбуриятларни бажармаганлик ва санкцияларни мамлакатнинг ўз ички даражасида қўллаганлиги сабабли давлатнинг жавобгарлигини аниқлаш учун етарли бўлиши мумкин. Масалан, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 8-моддаси 1-параграф д-бандига мувофиқ, унинг иштирокчи давлатлари миллий қонунчиликка мувофиқ иш ташлаш ҳуқуқини таъминлаш мажбуриятини оладилар. Ушбу қоида тўғридан тўғри амалга оширилмайди, чунки уни амалга ошириш учун ички қонунчиликни қабул қилишни назарда тутати. Агар бундай бўлмаса, ишчилар иш ташлаш ҳуқуқини мустақил равишда амалга ошира олмайдилар, чунки бундай ҳаракат учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва ишчиларнинг ҳуқуқлари номувофиқлиги сабабли учинчи шахсларга зарар етказиши мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, халқаро шартномалар нормаларини бевосита қўллаш имконияти учун қуйидаги мезонларни аниқлаш мумкин. Халқаро шартнома нормаларини тўғридан-тўғри ва бевосита қўлланилишини истисно қиладиган умумий шарт сифатида ажратиш мумкин 1) шартнома тарафларининг халқаро шартномани миллий ҳуқуқий тизимларда тўғридан-тўғри қўллашни истисно қилиш нияти сифатида халқаро шартноманинг нормаси, қуйидаги муайян вазиятда тўғридан-тўғри қўлланилиши мумкин эмас: 2) миллий қонунчиликдан ҳам, давлатнинг бошқа халқаро мажбуриятларидан ҳам келиб чиқадиган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келса; 3) миллий қонунчиликда ноқонуний деб белгиланмаган хатти-ҳаракатлар учун фуқароларнинг жавобгар бўлишига олиб келса; 4) миллий

хавфсизлик ёки давлатнинг жамоат тартиби нуқтаи назаридан қабул қилиниши мумкин бўлмаса⁷⁷.

Мамлакат ички ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишда халқаро шартномалар нормаларининг тадбиқ этилиши борасида баҳс юритилганда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддаси 1-қисмида белгиланган “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан эътироф этилади ва кафолатланади” деган нормага чуқур эътибор қаратилмайди. Ваҳоланки, ушбу конституциявий норма ҳам ўз ўрнида муҳим аҳамиятга эга. У Конституциянинг 15-моддаси 4-қисми сингари, автоматик равишда халқаро шартнома қоидаларини тўғридан-тўғри қўллаш ҳуқуқини яратмайди, балки давлатнинг халқаро шартномалар қоидаларида назарда тутилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мажбуриятини миллий даражада белгилайди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини таъминлаш нуқтаи назаридан давлат томонидан халқаро шартномалар шартларининг бажарилмаслиги халқаро ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлиши билан бирга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддаси бузилишига ҳам олиб келади.

“Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги конвенциянинг 25-моддасида “мажбурий меҳнатга ноқонуний жалб қилиш жиноий жавобгарликка олиб келади ва мазкур Конвенцияни Ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳар бир аъзоси қонунда белгиланган санкцияларга қатъий амал қилиши ва унинг ҳақиқий

77 Барбук Алексей Владимирович. Непосредственное применение международных договоров в национальной правовой системе // Понятие самоисполнимых норм международных договоров. С. 5-6

самарадорлигини таъминлашга мажбур” деб кўрсатилган. Ушбу нормани ҳам бевосита (тўғридан-тўғри) амал қиладиган норма сифатида қараш бироз мушкул бўлади. Негаки, агар давлатнинг ички қонунчилигида мажбурий меҳнатга ноқонуний жалб қилиш учун жиноий жавобгарлик эмас, балки маъмурий ёки интизомий жавобгарлик назарда тутилган бўлса, аввало Конвенция нормасида белгиланган қонидани миллий ҳуқуқ нормасига имплементация қилиш лозим бўлади⁷⁸.

Юқорида А.В.Барбукнинг “тўғридан-тўғри амал қиладиган нормалар давлат ички ҳуқуқий тизимига киритилишида давлатнинг ички ҳуқуқий базаси умумий ҳолатига таъсир қилмайди(яхлитлигини бузмайди)” деган фикрлари қайд этилган эди. Бироқ, баъзи ҳолларда халқаро шартномаларнинг айрим нормалари тўғридан-тўғри амал қилганда давлат ички ҳуқуқий тизимида белгиланган баъзи талабларни бекор қилиши мумкин.

“Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пактнинг 14-модда 3 қисмида ҳар бир киши ўзига нисбатан қўйилган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиляётганда агар у судда фойдаланиляётган тилни тушунмаса ёки ўша тилда гапираолмаса бепул таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги айтилган. Масалан, миллий ҳуқуқ нормасида Пактнинг ушбу қонидасига зид равишда таржимон хизмати учун ҳақ тўланиши лозимлигини назарда тутувчи норма мавжуд бўлган тақдирда⁷⁹ Ўзбекистон

78 Изох: ушбу ўринда Ўзбекистон Республикаси қонуни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қонидаларига зид эмас. Ушбу фараз шунчаки ўқувчига тушуниш осон бўлиши учун мисол сифатида келтирилмоқда.

79 Изох: ушбу ўринда Ўзбекистон Республикаси қонуни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қонидаларига зид эмас. Ушбу фараз шунчаки ўқувчига тушуниш осон бўлиши учун мисол сифатида келтирилмоқда.

Республикаси Конституциясининг 15-моддасидаги “Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади” деб белгиланган қоида асосида Пакт нормасига тўғридан-тўғри асосланиб шахс таржимон хизмати учун ҳақ тўлашдан озод қилинади. Ва ушбу вазиятда Пактнинг мазкур нормасини бевосита (тўғридан-тўғри) амал қиладиган норма сифатида қараш мумкин бўлади.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сон қарори. 23.06.2023 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси.

3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш.

4. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини имзолаш.

5. Иштирокчи давлат халқаро шартнома шартларига риоя қилмаслик сабаби сифатида ўз ички қонунчилигида белгиланган қоидаларни ҳавола қилиши.

6. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари судлар томонидан қўлланилишига оид қарашлар.

7. Халқаро шартномаларнинг бевосита(тўғридан-тўғри) амал қиладиган ва амал қилмайдиган нормалари.

8. Халқаро шартномаларнинг бевосита(тўғридан-тўғри)

амал қилмайдиган нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш.

9. 1969 йил 23 майда қабул қилинган “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенцияси қоидалари.

10. Қонунларни ҳаётга жорий этиш борасида Абу Наср Форобий ва буюк файласуф, давлат ва жамоат арбоби Ш.Монтескьенинг қарашлари.

11. “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги конвенция қоидалари.

12. “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт қоидалари.

13. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт қоидалари.

3-БОБ**СУДЛАР АМАЛИЁТИДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҲАМДА ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ
УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ПРИНЦИПЛАРИ ВА
НОРМАЛАРИГА ҲАВОЛАЛАР****ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУД ҲУЖЖАТЛАРИДАН НАМУНАЛАР**

000-сонли маъмурий иши

Қ А Р О Р

2024 йил ноябрь ойининг 18 куни, жиноят ишлари бўйича Ромитан туман суди ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья З.Низомов, судья ёрдамчиси У.Шарипованинг котиблигида, ҳуқуқбузар И.Ахмедовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 135-моддаси 1-қисми билан И.Ахмедовга нисбатан юритилган 000-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқди.

Ахмедов Илхом Усмонович, 1993 йил 20 майда Шофиркон туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, дехқончилик билан шуғулланади, Шофиркон тумани, Ф.Хўжаев маҳалласи, Нурли кўчасида яшайди.

Суд, иш бўйича ҳуқуқбузарнинг кўрсатувини эшитиб, ишга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд жараёнида тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб, уларга ҳолисона баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Ҳуқуқбузар И.Ахмедов 2024 йил 20 октябрь куни соат 15:00 ларда бошқарувидаги “Скутер” ни Бухоро шаҳар М.Таробий кўчаси 13-уй олдидан ўтган йўлда скутерни бошқариш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатларсиз бошқариб юрганлиги аниқланиб, Бухоро вилоят ИИБ ЙҲХБ катта инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган.

И.Ахмедов судда айбига иқроп бўлмасдан, ўзига тегишли ва бошқарувида бўлган “Скутер”да Бухоро шаҳар М.Таробий кўчаси 13-уй олдида бошқариб келаётганида Бухоро вилоят ИИБ ЙҲХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, скутерни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқарганлиги важи билан унга маъмурий баённома расмийлаштиргани, амалдаги қонунчилик бўйича “Скутер” учун ҳайдовчилик гувоҳномаси талаб қилинмаслиги боис, унинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмаслиги сабабли унга оид маъмурий ишни тугатишни сўради.

Бухоро вилоят ИИБ ЙҲХБ ходими сафдор А.Пулатов, судда 2024 йил 20 октябрь куни соат 15:00 ларда ҳуқуқбузар И.Ахмедов Бухоро шаҳар М.Таробий кўчаси 13-уй олдидан ўтган йўлда скутерни бошқариш ҳуқуқини берувчи яъни ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқарганлиги сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирганлигини, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли қарорига 1-илова билан

тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 8-банди “А” кичик бандига кўра скутер бошқарувчилари учун ҳайдовчилик гувоҳномаси талаб қилинишини билдириб кўрсатув берди.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси И.Ахмедовни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 135-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топиш ҳақида барвақт хулосага келганлиги кўринади.

Хусусан, 1968 йил 8 ноябрдаги “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Вена конвенциясининг 3-моддаси 5-бандида, “аҳдлашувчи томонлар ушбу Конвенциянинг 5-бобида назарда тутилган техник шартларга жавоб берадиган ва ҳайдовчилари одатда бошқа аҳдлашувчи томон ҳудудида истиқомат қиладиган велосипедлар ва мопедларни ўз ҳудудларида халқаро қатновга киритиш мажбуриятини оладилар.

Ҳеч бир аҳдлашувчи томон халқаро ҳаракатда бўлган велосипед ёки мопед ҳайдовчиларидан ҳайдовчилик гувоҳномасини талаб қилиш мумкин эмас, шу билан бирга, ушбу Конвенциянинг 54-моддаси 2-бандига мувофиқ мопедларни мотоцикл сифатида кўришини эълон қилган Аҳдлашувчи Томонлар халқаро ҳаракатдаги мопедлар ҳайдовчиларидан ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишини талаб қилишлари мумкин” деб кўрсатилган.

Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниб, 1995 йил 17 январдан кучга кирган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли қарорига 1-илова билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 8-банди “А” кичик бандига кўра скутер бошқарувчилари учун ҳайдовчилик гувоҳномаси

талаб қилинишини кўрсатилган.

Шунингдек, 2024 йил 18 октябрда қонуний кучга кирган Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 8 июлдаги “Фойдаланишда бўлган мопед ва скутерларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 393-сонли қарорининг 1-банди 2-хатбошига кўра, скутер бошқарувчилари учун 2025 йил 1 мартдан бошлаб тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиш талаб этилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 5-қисмига кўра, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги 682-сонли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”-ги қонуннинг 18-моддасида “Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг [Конституциясига](#), норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатларига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади” деб, кўрсатилган.

Қайд этилганларга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг айна соҳадаги муносабатларни тартибга солиш юзасидан икки хил мазмундаги қарорларидаги номувофиқликлар ҳуқуқбузарнинг фойдасига ҳал қилиниши яъни, 2025 йил 1 мартдан бошлаб, скутер бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси талаб этилишидан келиб чиқиб, И.Ахмедовнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмас деб эътироф этади ва унга нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни

МЖтКнинг 271-моддаси 1-қисмига асосан тугатишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддаси, “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Вена конвенциясининг 3-моддаси, МЖтКнинг 309-311-моддаларига амал қилиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Ахмедов Илхом Усмонович Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 135-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбсиз деб топилсин. Унга нисбатан юритилган маъмурий иш Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик аломати йўқлиги сабабли тугатилсин.

Қарордан норози томонлар шу суд орқали қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан ўн сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс қарорнинг кўчирма нусхасини олган кунидан эътиборан шу муддатда Бухоро вилоят судига апелляция шикояти ёки протести, апелляция шикояти ёки протести берилмаган тақдирда қарор эълон қилинган кундан бошлаб, олти ой муддат ичида кассация тартибида шикоят ёки протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

З.Низомов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2024 йил октябрь ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Хонобод шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья У.Мирзаабдуллаев, судья ёрдамчиси Т.Солиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хонобод шаҳар прокурори ўринбосари М.Худойбердиев, судланувчи О.Алимов ва унинг ҳимоячиси адвокат С.Солижонов, жабрланувчининг қонуний вакили Л.Умарова, унинг вакили адвокат З.Тўраевларнинг иштирокида, Алимов Олим Мурод ўғлига оид 000-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Алимов Олим Мурод ўғли (Alimov Olim Murod o'g'li), 1991 йил 15 январда Каттакўрғон туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, вақтинча ишсиз, оилали, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани, Марказ МФЙ, Янгиҳаёт кўчаси, 37-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида шахсий кафиллик қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 25 сентябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни;

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи О.Алимов 2024 йил 14 август куни соат 18.50ларда отаси Б.Бозорбоевга тегишли 30 О 300 VA давлат рақамли “Cobalt” автомашинасини, бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз, Самарқанд-Тошкент транспорт қатнов йўлининг Каттақўрғон тумани Мустақилликнинг 25 йиллиги маҳалласи ҳудудидан ўтган қисмида, Тошкент йўналиши бўйича бошқариб кетаётиб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 7, 11, 77, 109, 110-бандларида кўрсатилган талабларини бузиб, йўлни кесиб ўтаётган Россия Федерацияси фуқароси А.Апальковани уриб юбориб, унга оғир тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлган.

Судланувчи О.Алимов суд мажлсида, айбига қисман иқrorлик билдириб, Германиянинг Берлин университетида таҳсил олиб, 2023 йилда ўқишни тамомлаб, олий маълумотга эга бўлган ҳолда Ўзбекистонга қайтиб келганини, Германияга борган вақтда Берлин шаҳрида яшаб ҳайдовчиликка тайёрлаш курсида ўқиб, Германиянинг миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олганини ва Ўзбекистонга қайтиб келгунига қадар Европа давлатларида ушбу ҳайдовчилик гувоҳномасига асосан автомашина бошқариб келганини, Ўзбекистонга қайтиб келганидан кейин ҳам шу гувоҳномадан фойдаланиб келаётганини, 2024 йил 14 август куни соат 18.50 ларда отаси Б.Бозорбоевга тегишли 30 О 300 VA давлат рақамли “Cobalt” автомашинасини Самарқанд-Тошкент транспорт қатнов йўлининг Каттақўрғон тумани Мустақилликнинг 25 йиллиги маҳалласи ҳудудидан ўтган қисмида, Тошкент йўналиши бўйича соатига 60-70 км. тезликда бошқариб кетаётиб, шу ҳудудда жойлашган “Бек барака” ошхонаси ёнида ўзи билан бир йўналишда олдинда ҳаракатланиб

кетаётган “Матиз” автомашина ҳайдовчиси тўсатдан автомашинасини тўхтатганида, мазкур автомашинани олди томонидан(кейинчалик таниган) А.Апалькова қатнов қисмини кесиб ўтиш учун югуриб ўтганини кўриб, дарҳол уни уриб юбормаслик мақсадида автомашинасини ўнг томонга буриш билан бирга тормоз ҳам босганини, шундай бўлсада, автомашинаси бурилиб ва тўхтаб улгурмасдан, автомашинасини олди чап қисми билан пиёда А.Апальковани уриб юборганини, шундан сўнг, дарҳол автомашинадан тушиб, ерда тан жароҳати олиб ётган А.Апальковани йўловчи автомашинада Самарқанд вилоят тиббиёт бирлашмасига олиб бориб, жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳаражатларни ва дори воситаларини олиб берганини, бундан ташқари, кейинчалик ҳам оилавий имкониятидан келиб чиқиб, А.Апальковани даволаниши билан боғлиқ ҳаражатларини қоплаб, уни ҳолидан хабар олиб турганини, мазкур ҳолатларни тасдиқловчи тўлов квитанцияларини судга тақдим қилишини, шунингдек, А.Апалькова бир жойда ётиб қолгани сабабли, унга тиббий билимга эга бўлган энага ёллаб, уни хизматига кунлик тўловларни амалга ошириб турганини, айнан шу кунга қадар А.Апальковани даволанишига 30.000.000 сўм атрофида пул сарфлаб, у билан ярашиб олиш чораларини кўриб, унга етказилган зарарларни қоплашга ҳаракат қилганини, лекин А.Апальковани бошқа яқинлари ундан даволанишга кетган ҳаражатларидан ташқари, кўпроқ пул талаб қилишаётганини, ҳозирда А.Апальковага яна пул беришга имкони йўқлигини, эҳтиётсизлиги оқибатида йўл-транспорт ҳодисаси содир этганини тан олишини, содир этган қилмишидан пушаймонлигини инобатга олган ҳолда енгилроқ жазо тайинлашни илтимос қилишини, лекин

унга қўйилган тегишли ҳужжатларсиз транспорт воситаси бошқарганлиги ҳақидаги айбловни тан олмаслигини, чунки 1968 йил 8 ноябрдаги “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Вена конвенцияси 41-моддаси 2-бандининг “а” кичик бандида аҳдлашувчи томонлар конвенциянинг 6-илоvasи талабларига жавоб берадиган ҳар қандай миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини тан олиши лозимлиги кўрсатилганини, унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси эса конвенция талабига мос келишини кўрсатиб, бу борада адолатли қарор қабул қилишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили Л.Умарова судда, жабрланувчи А.Апальковани қайнонаси ҳисобланиши, мазкур жиноят иши бўйича ўзининг ва жабрланувчи А.Апалькованинг онаси Л.Апальковани аризаларига мувофиқ жабрланувчининг қонуний вакили тариқасида иштирок этаётгани, 2024 йил 14 август куни соат 18:50 ларда келини А.Апалькова Россия Федерациясидан Тожикистон Республикаси орқали Ўзбекистон ҳудудига ўтиб, унга қўнғироқ қилиб, Самарқанд шаҳрига қатновчи йўловчи автомашинада йўлга чиққанини айтганида, уни Каттакўрғон туманидаги Мустақилликнинг 25 йиллиги маҳалласи ҳудудида жойлашган ўйингоҳ ёнида кутиб олишини тушунтиргани, келини А.Апалькова ўз вақтида белгиланган манзилга етиб келмаганлиги сабабли, унга бир неча марта қўнғироқ қилган бўлсада, у қўнғироқларига жавоб бермагани, шу куни соат 19:10 ларда Самарқанд вилоят тиббиёт бирлашмасидан (кейинчалик таниган) О.Алимов қўнғироқ қилиб, келини А.Апалькова автоҳалокатга учраганлигини айтганида, дарҳол шифохонага бориб, келини А.Апальковани оғир тан жароҳати олиб, ҳушсиз ётганлигини кўриб, шифокорлардан унда ўнг елка суяги ўрта қисмидан силжиб очиқ синиши, ўнг елка суяги дунглар

аро силжиб синиши, ўнг елка суягини чиқиши, ўнг тирсак суягини силжиб ёпиқ синиши, чап қов ўтирғич суяклари силжиб ёпиқ синиши, чаноқ сон бўғими чуқурчасини ёпиқ синиши, ўнг сон суяги бошчасининг ёпиқ марказий чиқиши каби бир қатор жароҳатлари борлигини, у Каттақўрғон тумани, Мустақилликнинг 25 йиллиги маҳалласи ҳудудидаги ўйингоҳ ёнида автомашинадан тушиб, пиёдалар ўтиш йўлаги орқали йўлни кесиб ўтаётганида, Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи О.Алимов 30 О 300 VA давлат рақамли “Cobalt” автомашинасини тегишли ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган ҳолда бошқариб, келинини уриб юбориб, унга шу турдаги жароҳатларни етказганлигини билгани, ҳайдовчи О.Алимов дастлаб шифохонада ётган А.Апальковани даволанишига ёрдам бериб, қўлидаги жарроҳлик амалиётини қилинишида қисман ёрдам бергани, шифохонада эса, аввалги берган моддий ёрдамларини рўқач қилиб, унга тазйиқ ўтказиб, йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан даъвоси йўқлиги тўғрисида ариза ёзиб беришини талаб қилиб, уни кўп марта асабийлашишига сабабчи бўлгани, шу тарзда ўзи ҳам тез-тез оғриб қолиб, бир жойда ётиб қолган ногирон келини А.Апальковага тиббий билимга эга бўлган талаба М.Султоновани энага сифатида ёллашга мажбур бўлгани, кейинчалик А.Апальковани шифохонадан уйига олиб чиққанидан кейин О.Алимов уларга моддий томондан умуман ёрдам бермай қўйгани, ҳатто яшаш уйида даволаш қандай тартибда давом этишини шифокорлардан сўрамагани ва қизиқмагани, шу кунга қадар А.Апальковани озиқ-овқат ва бошқа санитария гигиения ҳаражатлари учун 11.308.125 сўм маблағлар сарфлагани, мазкур ҳаражатларнинг тўлов квитанцияларини ва тузилган рўйхатини тақдим қилиши, ҳозирги кунда А.Апалькова Самарқанд шаҳридаги

8-оилавий поликлиника ҳисобига олиниб, шифокорларнинг назоратида тургани, шунингдек, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази жароҳат оқибатлари ва ортопедия бўлими мудирини травматолог-ортопед А.Усмоновнинг 2024 йил 25 августдаги тиббий хулосасига кўра, А.Апальковага камида бир йилдан сўнг, кетма-кет уч ой фарқи билан уч марта 37.861.000 сўмлик, яъни қўлига қўйилган икки дона имплантларни олиб ташлаш, синган умуртқасини ҳамда ўнг оёғи тоз-куймич эндопротези қўйиш жарроҳлик амалиётлари ўтказилиши белгилангани, келини А.Апальковани даволаниши учун 48.566.921 сўм моддий ва 400.000.000 сўм маънавий зарар кўришгани, шу зарарларни О.Алимовдан ундиришни, бундан ташқари О.Алимов тегишли ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган ҳолда автомашина бошқариб, шундай салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлгани учун унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ М.Султонова судда, судланувчи О.Алимовни шу иш юзасидан таниши, жабрланувчининг қонуний вакили Л.Умарова билан ўзи ижарада яшаётган Каттақўрғон тумани, Мустақилликнинг 25 йиллиги маҳалласида қўшни бўлиб яшаб келишлари, Самарқанд тиббиёт институти талабаси бўлганлиги сабабли, муқаддам қўшниси Л.Умарова бетоб бўлиб қолганида, унга бир неча марта тиббий ёрдам кўрсатиб тургани, 2024 йил 4 сентябрь куни қўшниси Л.Умарова қўнғироқ қилиб, 2024 йил 14 август куни Россия Федерациясидан келган келини А.Апальковани Каттақўрғон тумани ҳудудидан ўтган Самарқанд-Тошкент транспорт қатнов йўлида автомашина уриб юборганлигини, ҳозирда А.Апалькова олган тан жароҳати натижасида шифохонада ётиб, мустақил ҳаракатланиш имкониятини йўқотганлиги, бўлиб ўтган

ҳолатлардан қаттиқ изтироб чекиб, ўзининг ҳам қон босими ортиб, касал бўлиб оғриб қолганини айтиб, пул эвазига шифохонада келини А.Апальковага қараб туришини илтимос қилганида, уни таклифига рози бўлгани, шифохонага келиб, касаллик тарихини кўриб, А.Апальковада ўнг елка суяги ўрта қисмидан силжиб очиқ синиши, ўнг елка суяги дунглар аро силжиб синиши, ўнг елка суягини чиқиши, ўнг тирсак суягини силжиб ёпиқ синиши, чап қов ўтирғиш суяклари силжиб ёпиқ синиши, чаноқ сон бўғими чуқурчасини ёпиқ синиши, ўнг сон суяги бошчасининг ёпиқ марказий чиқиши каби жароҳатлари борлигини кўргани, шу тариқа 2024 йил 4 сентябрдан 2024 йил 3 октябрга қадар шифохонада оғир аҳволда ётган А.Апальковага дори-дармонларини беришда, овқатлантиришда ва бошқа шахсий гигиена ҳолатларига қараб, у билан бир хонада бирга ётгани, йўл-транспорт ҳодисасига сабабчи бўлган ҳайдовчи О.Алимов унга кўрсатган хизматлари эвазига ҳар бир куни учун 70.000 сўмдан, жами 2.800.000 сўм бериб, уни рози қилгани, бундан ташқари, О.Алимов пластик картасига А.Апалькованинг дори-дармон ва шахсий гигиена ҳаражатиغا 1.000.000 сўм атрофида пул тушириб бергани ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи О.Алимовнинг айби булардан ташқари, ҳодиса жойини кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, уларга илова қилинган схема ва фотожадваллари, суд-тиббий, баҳолаш экспертиза хулосалари, суд муҳокамасида кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган жабрланувчи А.Апалькова, гувоҳ С.Абдуллажонов, О.Мирзаев, Б.Ахлиддиновларнинг сўроқ баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа ишончли ва мақбул далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланиши, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 3-моддасида жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 17 январда қўшилган, 1968 йил 8 ноябрдаги “Йўл ҳаракати тўғрисида” Вена конвенцияси 41-моддаси 2-бандининг “а” кичик бандида аҳдлашувчи томонлар конвенциянинг 6-иловаси талабларига жавоб берадиган ҳар қандай миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини тан олиши лозимлиги кўрсатилган.

Бироқ, ушбу Конвенция 41-моддаси 2-бандининг “б” кичик бандида, бир Аҳдлашувчи томон томонидан берилган ҳайдовчилик гувоҳномалари бошқа Аҳдлашувчи томон ҳудудида ушбу ҳудуд гувоҳнома эгасининг одатий яшаш жойига айлангунга қадар тан олиниши кераклиги назарда тутилган.

Бундан ташқари, ушбу Конвенция 41-моддаси 6-бандида ушбу модданинг қоидалари Аҳдлашувчи томонларга

қуйидаги мажбуриятларни юклагаслиги назарда тутилган. а) бошқа Аҳдлашувчи томон ҳудудида ушбу ҳайдовчилик гувоҳномаси берилган вақтда ўз ҳудудида одатдаги яшаш жойига эга бўлган ёки ушбу гувоҳнома берилгандан кейин ўзининг одатдаги яшаш жойини ўз ҳудудига кўчирган шахсларга берилган миллий гувоҳномаларни ҳақиқий деб топиш; б) одатдаги яшаш жойи гувоҳнома берилган вақтда гувоҳнома берилган ҳудудда бўлмаган ёки гувоҳнома берилганидан кейин яшаш жойини бошқа ҳудудга кўчирган ҳайдовчиларга берилган миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларининг ҳақиқийлигини эътироф этиш.

Суд, судланувчи О.Алимов ҳайдовчилик гувоҳномасини Германия Федератив Республикаси, Берлин шаҳрининг Адольф Гитлер кўчасидаги яшаш манзили кўрсатилган ҳолда олганидан сўнг Ўзбекистон Республикасига қайтиб, ҳозирда доимий яшаш жойи ҳисобланган Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани Марказ маҳалласининг Янгиҳаёт кўчасидаги 37-уйда доимий яшаб келаётганини, ушбу ҳолат Вена конвенциясининг 6-иловасида кўрсатилган талабларга, 41-модда 6-банди талабларига мос келмаслигини этиборга олиб, унинг тегишли ҳайдовчилик гувоҳномасига эга эканлиги ҳақидаги важларини асоссиз деб ҳисоблаб, унинг шу мазмундаги кўрсатувларини рад қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи О.Алимовни транспорт воситасини бошқаришда, транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини эҳтиётсизлик оқибатида бузиб, пиёда А.Апальковага оғир шикаст етказилишига сабабчи бўлганликда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган деган тўхтамга келади.

Суд, О.Алимовнинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жиноят оқибаотида етказилган зарарларни қисман қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, унга жазо тайинлашда, жиноятни ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, айб шаклини инobatга олиб, қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, у ҳозирда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаса-да, у томонидан келгусида яна бошқа транспорт воситалари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, жиноят содир этишини олдини олиш мақсадида ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо чорасини қўллашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 10-бандида, ЖПКнинг 471-моддаси 1-бандига асосан айблов ҳукми чиқаришда, судлар иш бўйича келтирилган фуқаровий даъво масаласини ҳал қилишлари лозимлиги, фақатгина суд фуқаровий даъво билан боғлиқ қўшимча ҳисоб-китоб талаб қилиб, уни суд мажлисида бартараф этишнинг имконияти бўлмаса ва бу суд қароридаги жиноят квалификацияси, жазо меъёри ва ҳукм чиқаришда юзага келадиган бошқа масалаларига таъсир қилмаганда, фуқаровий даъвонинг ундириладиган миқдори масаласи фуқаролик иш юритуви тартибида ҳал қилиниши;

Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид

қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида, ЖПКнинг 82-моддасига мувофиқ суриштирув, дастлабки тергов олиб бориш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлардан бири жиноят натижасида етказилган зарар хусусияти ва миқдори ҳисобланиши, чунки етказилган зарар тури ва миқдорини аниқлаш уни қопланиши учун аҳамиятли эканлиги;

9-бандида, фуқаровий даъвони ҳал этишда суд ЖПК 467-моддасига мувофиқ айблов ҳукмининг тавсиф қисмида даъвони тўла ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад этиш асосларини, жиноят натижасида етказилган мулкий зиён хусусияти ва миқдорини кўрсатиши, шунингдек, мулкий зиён миқдорига тегишли ҳисоблаш яқунларини келтириши ҳамда фуқаровий даъвони ҳал қилиш учун асос қилиб олинган қонун нормасини қайд этиши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, юқорида кўрсатилган Олий суд Пленуми қарори талабларига амал қилган ҳолда жиноят оқибатида етказилган мулкий зарарлар масаласини муҳокама қилиб, мазкур жиноят оқибатида етказилган мулкий зарарларнинг миқдори, зиённи ундириш асослари ва ҳажми реал аниқланмаганини, яъни жабрланувчининг қонуний вакили Л.Умарова келини А.Апалькованинг соғлиғини тиклаш учун кетган сарф-харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилган бўлсада, келгусида сарфланиши мумкин бўлган харажатларнинг миқдори тахминий бўлиб, ўзгариш эҳтимоли борлигини, жабрланувчи А.Апалькова ҳозирги кунга қадар даволаниб келиб, бундан кейин ҳам даволанишни давом эттиришини ҳамда унга нисбатан 3 та мураккаб жарроҳлик амалиёти (операция) ўтказилиши лозимлигини, бундан ташқари, судланувчи О.Алимов томонидан жиноят оқибатида етказилган зарарларни

қоплаш учун сарфлаган ҳаражатларни жами етказилган зарарлардан чегириш, тарафлар томонидан тақдим қилинган ва амалга оширилган тўлов қвитанцияларини текшириш ва бир қатор қўшимча ҳисоб-китоб ишлари талаб қилинишини эътиборга олиб, бундай вазиятда мулкӣ даъвони қаноатлантириш ёки рад қилишнинг имкони йўқ деб ҳисоблаб, жабрланувчининг қонуний вакили Л.Умаровага келгусида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда жиноят оқибатида етказилган моддий зарарларни ундириш юзасидан, умумий асосларда фуқаролик иши юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида, маънавий зарар деганда жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилиши, маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкинлиги;

8-бандида, суд маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвони мулкӣ зарарни ундириш тўғрисидаги даъво билан бирга ҳам, шунингдек алоҳида ҳам кўриши мумкин-

лиги, чунки амалдаги қонунга кўра етказилган маънавий зарар учун жавобгарлик мулкӣ зарарнинг мавжудлиги билан боғлиқ эмаслиги,

13-бандида, маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берган субъектив баҳосини, шунингдек даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларни, тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиги, кадр-қиммати, шахсий эркинлиги, уй-жойнинг дахлсизлиги, катта қимматликка эга бўлган мулклари ва бошқалар), ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишдан ёки турар жойдан ва бошқалардан маҳрум қилиш), уялтирадиган нотўғри маълумотларнинг характери ва уларни қанчалик даражада (доирада) тарқатилганлиги, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий хусусиятлари (хизмати, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлигининг ҳолати, ёши ва бошқалар), зарар етказувчининг ва жабрланувчининг айб даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олишлари лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, юқорида кўрсатилган Олий суд Пленуми қарори талабларига амал қилган ҳолда жиноят оқибатида етказилган маънавий зарарлар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи О.Алимов томонидан содир этилган жиноят натижасида жабрланувчи А.Апалькова оғир тан жароҳат олиб, бир жойда ётиб, юриш ва ҳаракатланиш имкониятидан маҳрум бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини йўқотганлигини, мустақил ҳаракат қилолмаганлиги сабабли,

бошқа шахсларнинг қаровига муҳтожлигини транспортировка қилишни имконияти йўқлиги сабабли ўзини яшаш уйига кетаолмай қолганлигини, узоқ вақт давомида ётиб даволанганлигини ва ҳозирга қадар даволанишни давом эттираётганлигини, ўзи ва яқин қариндошлари соғлиги учун қайғуриб, маънавий азоб чекканлигини ҳамда унинг қонуний вакилининг маънавий зарарларни ундиришни сўраб киритган даъво аризасини инobatга олиб, жабрланувчи А.Апальковага етказилган маънавий зарар миқдорини 35.000.000 сўм деб баҳолаб, судланувчи О.Алимовдан шу миқдордаги маънавий зарарларни жабрланувчининг қонуний вакили Л.Умарова фойдасига ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси, “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Вена конвенциясининг 41-моддаси, ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб,

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Алимов Олим Мурод ўғли (Alimov Olim Murod o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазо ижросини таъминлаш Жалақудуқ тумани ИИБ

пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилган ва Жиноят-ижроия кодексида белгиланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазолар алоҳида-алоҳида ижро этилсин.

О.Алимовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи О.Алимовдан жабрланувчининг қонуний вакили Л.Умарова фойдасига 35.000.000 сўм маънавий зарар тариқасида ундирилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили Л.Умаровага тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда жиноят оқибатида етказилган моддий зарарларни ундириш юзасидан, умумий асосларда фуқаролик иши юритиш тартибида судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида, апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга, ҳукм апелляция тартибида кўрилмай қонуний кучга кирган тақдирда кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо) **У.Мирзаабдуллаев**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил март ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман суди, суд биносида очик суд мажлисида, судья С.Холбатировнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Зулунованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шаҳрихон туман прокурорининг ёрдамчиси А.Отажонов, судланувчи Ф.Юлчиев ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Рустамов, жабрланувчи И.Солиевнинг иштирокида,

Юлчиев Фуломжон Дилшодбекович, 1995 йил 10 октябрь куни Шаҳрихон туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, “Тўраҳон ота” ошхонасида ишчи, муқаддам Россия Федерацияси Новосибирск вилоятининг 2018 йил 13 декабрдаги ҳукмига кўра, Россия Федерацияси ЖКнинг 111-моддаси 2-қисми “з” банди (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “л” бандига тўғри келади) билан 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони тўлиқ ўтаган, судланганлик ҳолати тугалланмаган, Шаҳрихон тумани, “Наврўз” маҳалла, Хуррият кўчаси 124-уйда яшовчи, иш бўйича 2023 йил 21 декабрь куни гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 28 декабрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланишга оид 000-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини эшитиб, дастлабки тергов ва суд жараёнида тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб, уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг фикрларини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Ғ.Юлчиев хавфли рецидивист бўлгани ҳолда 2023 йил 17 октябрь куни соат 17:00 ларда, Шаҳрихон туман Номозгоҳ маҳалласида жойлашган “Тўраҳон ота” номли ошхонанинг олд қисмида, ошхона раҳбари Ш.Хусанов ва И.Солиевларининг жанжаллашиб турганини кўриб, у ерда И.Солиев билан гап тортишиб, жанжаллашиб, натижада И.Солиевнинг юз, кўз ва тана аъзоларининг турли қисмларига қўли билан бир неча маротаба зарба бериб, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст етказган.

Судланувчи Ғ.Юлчиев суд мажлисида айбига иқроп бўлиб, Шаҳрихон туман марказида жойлашган автовокзал ичидаги “Тўраҳон ота» ошхонасида шашлик пишириб сотиши, Ш.Хусанов унинг раҳбари бўлиши, 2023 йил 17 октябрь куни соат 17:00 ларда автовокзалга унга таниш бўлмаган икки нафар шахслар иккита «Damas» русумли автомашинада тезлик билан кириб келишгани, шу вақтда Ш.Хусанов ташқарида ўтириб, уларга бақириб секинроқ юришни айтгани, сўнг улар машинадан тушганидан кейин Ш.Хусанов автомашина ҳайдовчиларини ёнига чақиргани, “Damas” автомашина ҳайдовчилари Ш.Хусановни олдига боришгани, у ерда Ш.Хусанов билан И.Солиев ўзаро тортишиб кетгани, ўша ерда турган О.Казаков келиб уларни ажратиб Ш.Хусановни тортиб кетгани, у ҳам дастлаб уларни ажратиш учун олдига

боргани, И.Солиевни кўлидан ушлаб чеккага тортганида И.Солиев унга мушт отиб юборгани, шунда уни ҳам жаҳли чиқиб И.Солиевни уриб юборгани, ҳозирда етказилган зарарни қоплагани, жабрланувчини даъвоси йўқлигини, етказилган зарар қопланганлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ф.Юлчиевнинг юқорида баён қилинган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди, жумладан:

- жабрланувчи И.Солиевнинг суддаги, 2017 йилдан буён Шаҳрихон тумани Тез-тиббий ёрдам бўлимида фелдшер лавозимида ишлаб келиши, 2023 йил 17 октябрь куни соат 17:00 ларда Шаҳрихон туманига келгани, бозор ҳудудига уйга маҳсулотлар олиш мақсадида автовокзалга киргани, у автовокзалга кириб автомашинани четга қўйгани, шу вақт ўша ерда турган унга нотаниш бўлган кейинчалик танигани Ш.Хусанов ўзини олдига чақиргани, уни олдига борганида автовокзалга тез юриб келишгани, ҳамма жойни чангитиб юборганини айтгани, шунда у билан бирга автовокзалга кирган нотаниш шахс билан Ш.Хусановдан узр сўраб кетишганида, Ш.Хусанов қўпол овозда бу ерда туришини айтгани, шу тариқа ўзаро жанжаллашиб кетишгани, шу пайт Ф.Юлчиев келиб ўзаро жанжаллашиб кетгани, Ж.Мухаммедов уриб кетишни бошлагани, уни усти боши қон бўлиб кетганлиги учун, футболкаси билан бурнини тўсиб, машинанинг олдига боргани, ҳозирда судланувчи билан ўзаро ярашиб олгани, жабрланувчига етказилган зарар қоплангани, қилган ишидан пушаймонлигини инобатга олиб судланувчига нисбатан енгиллик беришни сўраб берган кўрсатуви билан;

- гувоҳлар О.Казаков ва Ш.Хусановлар судланувчи Ф.Юлчиевнинг кўрсатувини тасдиқлаб, унинг кўрсатувиغا ўхшаш мазмундаги кўрсатуви билан;

- шунингдек, Ф.Юлчиевнинг қилмишайблари жинояти шининг 25-29-варақларидаги И.Солиевни олган тан жароҳати оғирлик даражасига кўра ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳат ҳисобланиши кўрсатилган РСТЭИАМ Андижон филиали Шаҳрихон туманлараро пунктнинг 2023 йил 2 ноябрдаги 1268-сонли хулоса ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

“Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги 1993 йил 22 январдаги Минск конвенциясининг 76¹-моддасига кўра, аҳдлашувчи томонларнинг адлия муассасалари шахсни ўта хавfli рецидивист деб топиш, такроран жиноят содир этиш ва шартли ҳукм қилиш билан боғлиқ мажбуриятларни бузиш фактларини аниқлаш, ҳукми ижро этишни бекор қилиш ёки шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилишда ва собиқ СССР ва унинг таркибига кирган иттифоқ Республикалари судлари, шунингдек, аҳдлашувчи томонлар судлари томонидан чиқарилган ҳукмларни ҳисобга олиши лозимлиги ҳақида кўрсатилган.

Суд, юқорида қайд этилган Конвенция талабига кўра дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.Юлчиевнинг хавfli рецидивист бўлгани ҳолда И.Солиевни қасддан уриб дўппослаб, ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказганликда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликига оид Жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбулликига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги Ф.Юлчиевни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбулликига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд Ф.Юлчиевга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандидаги судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга амал қилиб, қуйидаги тўхтамга келди.

Судланувчи Ф.Юлчиевнинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жазони оғирлаштирувчи ҳолат

мавжуд эмас деб топиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, яъни оғир жиноятлар таснифига кирсада, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, етказилган зарар қопланганлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, содир этилган жиноятнинг жиддий камайтирувчи ҳолати деб топиб, уни муқаддам айнан шу турдаги жиноятни содир этгани учун судланиб озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанидан сўнг ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармаганлигини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялашга эришиш мумкин эмас деб баҳолаб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташни белгилашни, эҳтиёт чорасини ўзгартириб суд залидан қамокқа олишни, жабрланувчи И. Солиевнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, етказилган зарар қоплангани ҳақидаги аризасини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Юлчиев Фуломжон Дилшодбекович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо қаттиқ тартибли колонияларида ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 11 мартдан бошлаб ҳисоблансин.

Ғ.Юлчиевга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залида қамоққа олинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач гаровга қўйилган 6.000.000 сўм пул Ғ.Юлчиевнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида, апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга, ҳукм апелляция тартибида кўрилмай қонуний кучга кирган тақдирда кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи, судья

С.Холбатиров

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД ҲУЖЖАТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

*Болани ўз тарбиясига олиш
ҳақида ҳал қилув қарори намунаси*

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил 28 июль куни Фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро суди биносида очиқ суд мажлисида:

раислик этувчи судья Акбаров Азизбек Авазбекович, суд мажлиси котиби А.Сардаровдан иборат таркибда, даъвогар Дилдора Тошева, жавобгар Мурод Бўриев ва уларнинг вакиллари, адвокатлар С.Санаев ва М.Шаховаларнинг иштирокида,

даъвогар Дилдора Тошева Акбаровнинг жавобгарлар Мурод Бўриев Акмалович, Акмал Бўриев Тоғаевич ва Хилола Бўриева Насриддиновналарга нисбатан боланинг яшаш жойини белгилаш ва олиб бериш тўғрисидаги 000-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Дилдора Тошева судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2018 йил 6 июлда туғилган Акмалов Миржаҳон Муродович исмли боласини яшаш жойини белгилаш ва жавобгарларнинг тарбиясидан ўзининг тарбиясига олиб беришни, ҳамда ўзи томонидан судга даъво аризаси топширишда тўланган 660.000 сўм давлат божи ва 33.000 сўм почта харажатлари тўловини ҳамда

адвокатнинг юридик ёрдами учун тўланган 990.000 сўмни жавобгарлардан ундиришни сўраган.

Даъвогар Дилдора Тошева суд мажлисида даъво аризасини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар Мурод Бўриев даъвони тан олмасдан уни рад қилишни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган жавобгарлар Акмал Бўриев ва Хилола Бўриевалар суд мажлисига келмаган ва келмаслик сабабини ҳам судга маълум қилмаган, шунингдек ишни ўзларининг иштирокисиз кўриш ҳақидаги илтимоснома билан ҳам мурожаат қилишмаган.

Шунга кўра, суд уларнинг судга келмаганлигини узрсиз деб топиб, Фуқаролик процессуал кодекси 220-моддасининг учинчи қисмига асосан ишни уларнинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида сўралган Ромитан туман васийлик ва ҳомийлик органи вакили Хаким Хошимов тушунтиришида, тарафларнинг оилавий муносабатлари ўрганилганлиги, тарафлар 2022 йил 11 февралдан буён бирга яшамасликлари, уларнинг вояга етмаган Миржаҳон исми фарзандлари отасининг тарбиясида эканлиги, болага бевосита бувиси Х.Буриева қараб тарбиялаб келаётганлигини, жавобгарларнинг уйда бола тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар мавжудлиги, улар маҳалладан ижобий тавсифланганлиги, лекин васийлик ва ҳомийлик органи вояга етмаган Миржаҳоннинг ёшени инobatга олиб, уни онаси Д.Тошеванинг тарбиясига олиб бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келганлигини билдирди.

Суд мажлисида сўралган Шофиркон туман васийлик ва ҳомийлик органи вакили Умид Қамбаров ўзининг тушунтиришида, даъвогарнинг бола тарбиялаш борасида

уй шароитларини ўрганиб чиққанлигини, вояга етмаган Миржаҳоннинг ҳали жуда ёшлигини ҳисобга олган ҳолда уни онаси Д.Тошеванинг тарбиясига олиб бериш мақсадга мувофиқлигини билдирди.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини, мутахассисларнинг хулосасини ҳамда адвокат М.Шахованинг даъво ни қаноатлантириш ҳақидаги ва адвокат С.Санаеванинг даъво ни қаноатлантиришдан рад қилиш ҳақидаги музокара нутқларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво ни қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига кўра, Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар 2017 йил 25 октябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган. Уларнинг биргаликдаги турмушидан 2018 йил 6 июлда Акмалов Миржаҳон Муродович исмли фарзандлари туғилган.

Тарафлар ўртасидаги қонуний никоҳ бекор бўлмаган. Оиладаги ўзаро келишмовчиликлар сабабли тарафлар 2022 йил 11 февралдан буён алоҳида яшаб келмоқдалар.

Айни пайтда, вояга етмаган Миржаҳон жавобгарларнинг тарбиясида тарбияланиб келмоқда.

Болалар тарбияси борасида низо келиб чиққанлиги сабабли даъвогар Д.Тоҳирова судга ушбу мазмундаги даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Суд томонидан вояга етмаганнинг онаси билан яшаш жойини белгилаш унинг соғлиги, жисмоний, руҳий ва маънавий камолотига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатлар, далиллар аниқланмади.

Шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1979 йил 18 декабрдаги 34/180сонли қарори билан қабул қилинган “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциянинг 16моддаси, d-бандида, болаларга тааллуқли бўлган масалаларда оилавий шароитдан қатъий назар барча вазиятда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда, эркак ва аёллар отаона сифатида бир хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши белгиланган (*Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 августдан кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995йил 6 майдаги 87-И-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга қўшилган*).

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасига асосан ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари).

Мазкур кодекснинг 73-моддасига кўра ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.

Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Мазкур Кодекснинг 75-моддасига биноан, ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда

ҳал этилади. Бунда суд, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йилдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 3-бандига кўра, суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини назарга олган ҳолда, боланинг ота-онадан, ака-ука опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшини ва ота-онадан қайси бирига кўнгил қўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни эътиборга олиши кўрсатилган.

Суд аниқланган ҳолатлар, қонун талаблари ҳамда бола манфаатларидан келиб чиқиб, боласини тарбиялашда даъвогарнинг моддий, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан муносиблиги, вояга етмаган 2018 йил 6 июлда туғилган Миржаҳоннинг ёшини, бу ёшда болага она меҳри ва тарбиясига кўпроқ зарурлигини, боланинг соғлом, тоза-озода юришида онасининг ўрни алоҳида аҳамият касб этишини ҳамда бу борада Ромитан ва Шофиркон туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органла-

рининг болани яшаш жойини онаси билан белгилаб, унга олиб бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларини, боланинг руҳий камолотини эътиборга олган ҳолда, шунингдек боланинг онаси тарбиясига олиб берилиши болани отаси билан кўришиб туриши ва унинг тарбиясида отасининг иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслигини инobatга олиб, даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Шу билан бирга суд, тарафлар вояга етмаганларнинг психоземotional соғлигига салбий таъсир этувчи ҳолатларга йўл қўймасликлари, фарзандларига вазиятни тўғри англаши ва баҳолашига ёрдам беришлари зарурлигини таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддасига биноан ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Суд тарафлардан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилаётганлиги, яъни ҳал қилув қарори даъвогарнинг фойдасига чиқарилаётганлигини инobatга олиб, жавобгарлардан солидар тартибда даъвогарнинг фойдасига у томонидан судга даъво ариза топширишда давлат божи учун тўланган 660.000 сўм ва 33.000 сўм сарфланган почта харажатларини ундиришни лозим деб топди.

ФПКнинг 136-моддасига кўра ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан вакилнинг ёрдами учун тўлашга доир харажатларни оқилона миқдорларда ундириб беради.

Агар ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга адвокат белгиланган тартибга мувофиқ бепул ёрдам кўрсатган бўлса, бу сумма бошқа тарафдан адвокатлар бюроси (ҳайъати, фирмаси) фойдасига ундирилади.

2020 йил 17 мартдаги тўлов топшириқномасига мувофиқ, даъвогар томонидан адвокат М.Шаховага 990.000 сўм миқдорда тўлов амалга оширилган, шунга кўра даъвогар фойдасига жавобгарлардан солидар тартибида 990.000 сўм ундиришни лозим топди.

Бинобарин, суд иш материалларига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220, 249-253-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Дилдора Тошева Акбаровнанинг жавобгарлар Мурод Бўриев Акмалович, Акмал Бўриев Тоғаевич ва Хилола Бўриева Насриддиновналарга нисбатан болани яшаш жойини белгилаш ва олиб бериш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Вояга етмаган 2018 йил 6 июлда туғилган Акмалов Миржаҳон Муродовичнинг яшаш жойини даъвогар Дилдора Тошева Акбаровна билан белгилансин.

Вояга етмаган 2018 йил 6 июлда туғилган Акмалов Миржаҳон Муродович жавобгарлар Мурод Бўриев Акмалович, Акмал Бўриев Тоғаевич ва Хилола Бўриева Насриддиновналардан даъвогар Дилдора Тошева Акбаровна тарбиясига олиб берилсин.

Жавобгарлар Мурод Бўриев Акмалович, Акмал Бўриев Тоғаевич ва Хилола Бўриева Насриддиновналардан солидар тартибда даъвогар Дилдора Тошева Акбаровнанинг фойдасига даъво аризаси топширишда давлат божи учун олдиндан тўланган 660.000 сўм, 33.000 сўм почта харажат

ва адвокатнинг юридик ёрдами учун сарфланган 990.000 сўм, жами 1.683.000 сўм ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали 1 (бир) ой ичида Бухоро вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти (протести), ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан 6 (олти) ой ичида кассация шикояти (протести) берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ф.И.Ш.

*Иш ҳақини ундириш ҳақида
ҳал қилув қарори намунаси*

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил 28 июль куни Фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро суди биносида очиқ суд мажлисида, раислик этувчи судья Акбаров Азизбек Авазбекович, суд мажлиси котиби И.Сафаровдан иборат таркибда, даъвогар вакили А.Обидов, жавобгарлар вакили А.Амонов ва С.Саатов, учинчи шахс вакили Қ.Холов иштирокида,

Ғиждувон туман адлия бўлимининг даъвогар Халиков Қобилжон Косимович манфаатида жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасига нисбатан ходимга тўланмай қолган тўловларни ундириш тўғрисидаги 000-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Ғиждувон туман адлия бўлими даъвогар Қ.Халиковнинг манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасидан даъвогар Қ.Халиковнинг фойдасига 2022 йил август ойининг 20 иш куни учун 1.420.198 сўм компенсация, учинчи ой учун 1.775.248 сўм миқдорда ўртача ойлик иш ҳақи ва 1.775.248 сўм ишдан бўшатиш нафақаси жами 4.970.694 сўмлик тўловларни ундиришни ва сарф қилинган почта харажатларини ундиришни сўраган.

Суд мажлисида Ғиждувон туман адлия бўлими ваки-

ли А.Олимов даъвони қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида даъвогар Қ.Халиков даъвони қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси вакили С.Саатов даъвони тан олмасдан уни рад қилишни сўради.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, адвокатларнинг нутқларини тинглаб, иш ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасига кўра, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Аниқланган ҳолатларга қараганда, Қ.Халиков Фиждувон маиший хизмат касб-ҳунар мактабида жисмоний тарбия фани ўқитувчиси лавозимида ишлаб келган.

Ҳукумат қарори билан Фиждувон маиший хизмат касб-ҳунар коллежи юридик шахс сифатида тугатилиши белгиланган.

Қ.Халиковга мазкур коллеж томонидан 2022 йил 01 июлда № 151-сонли огоҳлантириш хати юборилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми 2-бандига биноан у билан тузилган меҳнат шартномаси 2022 йил июлдан бошлаб бекор қилиниши, унинг 2022 йил июль-август ойларидаги иш ҳақи компенсация тарзида тўланиши, шу сабабли унинг 2022 йил 1 июлдан

бошлаб иш қидириши учун имконият яратилиши ҳақида огоҳлантирилган.

Ғиждувон маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг 2022 йил 1 июлдаги К-221/4-сонли буйруғига кўра, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари 2022 йил 1 июлдан бекор қилиниши, ходимларга 2022 йил июль-август ойларида пуллик компенсациялари ҳамда бир ойлик ишдан бўшатиш ҳисоб-китоб пуллари ўз вақтида тўлаб бериш вазифалари белгиланган.

Шундан сўнг, коллежнинг 2022 йил 10 августдаги К-26 сонли буйруғига асосан, Қ.Халиков билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 161-моддаси 2-қисми 2-бандига мувофиқ 2022 йил 10 августда бекор қилинган. Ғиждувон маиший хизмат касб-ҳунар мактаби томонидан Қ.Халиковга икки ойлик компенсация тариқасида 2022 йил июль ойи учун 1.194.762 сўм ва август ойи учун 1.242.453 сўм миқдорда ойлик иш ҳақи тўлаб берилган.

Ғиждувон тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2022 йил 11 декабрдаги № 01/324-сонли маълумотномасида фуқаро Қ.Халиковнинг мазкур марказда иш қидирувчи фуқаро сифатида рўйхатда туриши қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 ноябрдаги 14/1-2878-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим Вазирининг 2019 йил 2 декабрдаги № 1101-сонли буйруғи ва унинг ижроси бўйича Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 28 декабрдаги А-125-сонли буйруғига биноан тегишли тартибда тузилган комиссия томонидан Ғиждувон маиший хизмат касб-ҳунар коллежи юридик шахс сифатида тугатилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 2 декабрдаги № 1101-сонли буйруғининг 6-бандида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари бошлиқлари зиммасига бошқа вазифалар билан бир қаторда барча педагог ва ишчи ходимлар билан ойлик машоғуларини тўлови, коллежнинг коммунал тўловлари, бино, иншоотларни сақлаш, моддий қийматликлар ва хизматлар хариди юзасидан тузилган шартномаларнинг якуний тўловлари, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича юзага келган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни тугатиш вазифаси ҳам юклатилган.

Қ.Халиковга 2022 йил август ойининг қолган 20 кунлик иш ҳақи 1.420.198 сўм ва ўртача ойлик иш ҳақи яъни 1.775.248 сўм миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси ҳамда ишсизлиги туфайли учинчи ой учун 1.775.248 сўм миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи тўлаб берилмасдан қолганлиги боис, Фиждувон туман адлия бўлими унинг манфаатида судга мурожаат қилган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 95-сонли Конвенциясининг (Женева, 1949 йил 1 июль, Ўзбекистон Республикасининг 12.03.2024 йилдаги ЎРҚ-918-сон Қонуни билан ратификация қилинган) 5-моддасига кўра иш ҳақи бевосита меҳнаткашга тўланади, агар миллий қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси ёки арбитраж органининг қарори бунинг аксини кўзда тутмаса, ёки мазкур меҳнаткаш бунинг аксига розилик билдирмаган бўлса.

Мазкур Конвенциянинг 12-моддасига биноан, иш ҳақи мунтазам вақт оралиғида тўланади. Иш ҳақини мунтазам вақт оралиғида тўлашни таъминлайдиган тегишли механизм мавжуд

бўлган ҳоллардан ташқари, иш ҳақи тўланишининг мунтазам вақт оралиғи миллий қонун ҳужжатлар ёки жамоа шартномаси ёки арбитраж органининг қарорида белгиланади.

Меҳнат шартномаси тугаганда меҳнаткашга берилиши лозим бўлган иш ҳақининг якуний ҳисоб-китоби миллий қонун ҳужжатларига, жамоа шартномасига ёки арбитраж органининг қарорига биноан амалга оширилади, шундай қонун ҳужжатлари, шартнома ёки қарор бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси шартларини ҳисобга олган ҳолда мақбул вақт ичида амалга оширилади.

Коллежнинг 2022 йил 10 августдаги К-26 сонли буйруғига асосан, Қ.Халиков билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 161-моддаси 2-қисми 2-бандига мувофиқ 2022 йил 10 августда бекор қилинган.

Меҳнат кодексининг 173-моддасига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган қуйидаги ҳолларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади:

иш берувчининг ташаббусига кўра, бундан шартнома ходимнинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ асослар бўйича бекор қилинганлиги мустасно;

ушбу Кодекс 168-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 6 (ташкilotни тугатиш қисмида) ва 9-бандларида назарда тутилган тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, бундан жисмоний шахс бўлган иш берувчи муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган ҳоллар мустасно. Меҳнат шартномаси ушбу Кодекс 168-моддаси биринчи қисмининг 4 ва 5-бандларига мувофиқ бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади, бундан ишга қабул қилишнинг белгиланган қоидалари ходимнинг айби билан бузилган (суднинг муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукмини яшириш,

сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва бошқалар) ёхуд ходимнинг ҳаракатлари қонунчиликка мувофиқ яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни давом эттиришга тўқинлик қиладиган ҳолатларнинг юзага келишига олиб келган ҳоллар мустасно;

ходим янги меҳнат шартларида ишни давом эттиришни рад этганлиги муносабати билан;

ходим тиббий хулосага мувофиқ соғлигининг ҳолатига кўра ўзига қарши кўрсатма бўлмаган бошқа ишга ўтказишни рад этганлиги ёхуд иш берувчида тегишли иш бўлмаганлиги муносабати билан;

ходим иш берувчи билан бирга бошқа жойдаги ишга кўчишни рад этганлиги муносабати билан;

ходим ташкилотнинг мулкдори алмашганлиги, унинг қайта ташкил этилганлиги, идоровий тааллуқлилиги (бўйсунуви) ўзгарганлиги муносабати билан ишни давом эттиришни рад этганлиги муносабати билан.

Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори мазкур иш берувчидаги иш стажига боғлиқ бўлади ва у:

уч йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан;

уч йилдан беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан;

беш йилдан ўн йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг юз фоизидан;

ўн йилдан ўн беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг бир юз эллик фоизидан;

ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг икки юз фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Суд даъво талабини муҳокама қилиб, қайд этилган қонун талаблари қўлланган ҳолда, даъвогарнинг талаби ишдаги далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топди деган хулосага келади.

Гарчанд, Ғиждувон маиший хизмат касб-ҳунар маткабининг манфаатдор шахс Қ.Халиков олдида унинг ойлик маошлари тўлови бўйича қарздорлиги мавжуд бўлса-да, бироқ коллежнинг юридик шахс сифатида айна пайтда тугатилганлиги сабабли унинг бу борадаги мажбуриятлари юқоридаги буйруқда қайд қилинган раҳбарий кўрсатма талабига мувофиқ жавобгар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси зиммасида бўлади.

Юқорида баён қилинган асосларга кўра, суд даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни, жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасидан манфаатдор шахс Қ.Халиковнинг фойдасига 2022 йил август ойининг қолган 20 кунлик иш ҳақи 1.420.198 сўм ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидаги 1.775.248 сўм ишдан бўшатиш нафақаси ҳамда ишсизлиги туфайли учинчи ой учун тўланиши лозим бўлган 1.775.248 сўм билан жами 4.970.694 сўм ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддасига биноан ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Суд иш бўйича давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, жавобгар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасидан давлат фойдасига 330.000 сўм миқдорда давлат божи ҳамда Ғиждувон туман адлия бўлими фойдасига 33.000 сўм миқдорда сарф қилинган почта харажатларини ундиришни лозим топди.

Бинобарин, суд иш материалларига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-253-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Гиждувон туман адлия бўлимининг даъвогар Халиков Қобилжон Косимович манфаатида жавобгар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасига нисбатан ходимга тўланмай қолган тўловларни ундириш тўғрисидаги даъво талаблари қаноатлантирилсин.

Жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасидан мустақил талаблар билан даъвогар Халиков Қобилжон Косимович фойдасига жами 4.970.694 сўм миқдордаги тўлов ундирилсин.

Жавобгар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасидан давлат фойдасига 330.000 сўм миқдорда давлат божи ундирилсин.

Жавобгар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасидан Вобкент туман адлия бўлими фойдасига 33.000 сўм миқдордаги сарф қилинган почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали 1 (бир) ой ичида Бухоро вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоят (протести), ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан 6 (олти) ой ичида кассация шикоят (протести) берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

*Моддий ва маънавий зарарни ундириш
ҳақида ҳал қилув қарорининг намунаси*

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил сентябрь ойининг 22 куни Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи судья Бахтиёр Исломович Собиров,
суд мажлиси котиби А.Салиховдан иборат таркибда,
даъвогар Рахимова Хилола Эгамовна, вакили адвокат
А.Абдураззаковлар иштирокида

даъвогар Рахимова Хилола Эгамовнанинг жавобгар
Хашимов Мансур Фуломовичга нисбатан жиноят оқибатида
етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш
тўғрисидаги 000-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб,
қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Х.Рахимова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар М.Хашимовдан жиноят оқибатида соғлигига етказилган моддий зарар учун 66.800 сўм, адвокатларнинг юридик ёрдами учун сарфланган 1.000.000 сўм, етказилган маънавий зарар учун 15.000.000 сўм, судга даъво аризаси топширишда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаби юзасидан давлат божи учун тўланган 368.600 сўм миқдордаги пулларни ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Х.Рахимова ўзининг даъво аризасини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар М.Хашимов суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлса-да, бироқ суд мажлисига келмади ва келмаслик сабабларини судга маълум қилмади ҳамда ишни ўзининг иштирокисиз кўриш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилмади.

Шу сабабли суд ишни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддаси 3-қисмига асосан жавобгарнинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд даъвогарнинг тушунтиришларини ва адвокат А.Абдураззаковнинг даъвони қаноатлантириш ҳақидаги музокара нутқини тинглаб, иш юзасидан тўпланган ҳужжатларни тўла ўрганиб чиқиб, куйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Аниқланишича, жавобгар М.Хашимов 2021 йил 19 май куни тахминан соат 18:00 ларда Наманган тумани “Қавола” қишлоғидаги уйда собиқ келини Х.Раҳимова билан ўзаро оилавий келишмовчилик сабабли жанжаллашиб, уни ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб, қасддан урган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 23.05.2021 йилдаги 53-сонли хулосасига кўра, Х.Раҳимовага соғлиғининг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган ва соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига олиб келиб енгил тан жароҳати етказилган.

Ушбу ҳаракати учун М.Хашимов жиноят ишлари бўйича

Наманган шаҳар судининг 2021 йил 20 августдаги ҳукмига асосан айбли деб топилган.

Даъвогар томонидан етказилган моддий зарар суммасини тасдиқловчи далил сифатида олган тан жароҳати юзасидан Кўп тармоқли тиббиёт маркази томонидан ўтгазилган тананинг қўл қисми рентгенографияси учун 2018 йил 21 май санасида 38.200 сўм миқдорда тўлов амалга оширилган. Мазкур ҳолат 3149-сонли қвитанция билан тасдиқланади.

Бундан ташқари, даъвогар Х.Раҳимова жавобгар М.Ҳашимовнинг айбли хатти-ҳаракати натижасида ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилиш мақсадида жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларда адвокат А.Ҳақимов ва И.Нишоновларнинг юридик ёрдамидан фойдаланган ҳолда уларга (600.000+400.000=) жами 1.000.000 сўм миқдорда тўловларни амалга оширган. Мазкур ҳолатлар 2021 йил 7 августдаги ва 2021 йил 02 октябрдаги банкнинг тўлов қвитанциялари билан тасдиқланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1979 йил 18 декабрдаги 34/180-сонли қарори билан қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 августдан кучга кирган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 87-И-сонли қарорига асосан ушбу Конвенцияга қўшилган*) “Хотинқизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциянинг 2-моддаси с–бандида, иштирокчи давлатларнинг аёллар ҳуқуқларини эркаклар билан тенг равишда қонуний ҳимоя қилишни ўрнатиш ва ваколатли миллий судлар ҳамда бошқа давлат институтлари орқали аёлларни ҳар қандай камситиш ҳаракатларидан самарали ҳимоя қилишни таъминлашни мақсад қилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига биноан гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 75-моддасига асосан, суд ҳаммага маълум деб топган ҳолатлар исботлашга муҳтож эмас. Жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми суд томонидан ҳукм этилган шахс ҳаракатларининг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу ҳаракатлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги ва улар мазкур шахс томонидан содир этилганлиги ёки этилмаганлиги масалалари юзасидан мажбурийдир.

Мазкур Кодекснинг 72-моддасига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Гарчанд, даъвогар Х.Раҳимова ўзининг даъво аризида ва суд мажлисида шифокорнинг тавсиясига кўра, “Кальцевит ДЗ” сиропи, “Аксен форте” каби дорилар, “Бакстимс” суртмаси, “Наъматак” сиропи, “Бинт” ва бошқа дори воситаларини 67.500 сўмга сотиб олганлигини ва ушбу харажатларни жавобгардан ундиришни талаб қилган бўлса-да, бироқ суд мажлисида мазкур тавсиялар унинг жароҳати билан боғлиқлиги ва тавсия қайси тиббиёт муассасасидан берилганлиги, касаллик тарихидан кўчирма каби далилларни судга тақдим қила олмади. Қолаверса, судга тақдим этилган шифокор тавсияси тегишли тиббиёт муассасаси ёхуд шифокор томонидан тегишли штамп ёки муҳр билан тасдиқланмаган. Шу боис,

суд мазкур тавсия ва унга илова қилинган чекларни ишга алоқадор бўлмаган номақбул далил сифатида баҳолайди.

Бундай ҳолатда суд, даъвонинг моддий зарар қисмига оид 38.200 сўм тўлов ва 1.000.000 сўм адвокатларга қилинган харажатлар қисмини асосли деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 2-бандига асосан, маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан махрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин.

Бундан келиб чиқиб, маънавий зарарни қоплаш миқдорини етказилган мулкӣ ва бошқа моддий зарарни ундириш даъво талабининг қопланиш ҳажмига қараб белгилаш мумкин эмас. Зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолатлилик ва оқилоналик талаблари инobatга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига кўра маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Шунингдек, агар зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса

маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қати назар қопланади.

Ушбу кодекснинг 1022-моддасига асосан, маънавий зарар пул билан қопланади.

Суд, жавобгар М.Хашимов ўзининг жиноий ҳаракати туфайли даъвогарга қариндош-уруғлари, маҳалласи ва бошқа яқинлари орасида тан жароҳати етказиб, унинг шаъни, кадр-қиммати ва ор-номусини камситганлиги, Х.Рахимова олган тан жароҳати ҳамда руҳан сиқилиш натижасида азобланганини ҳисобга олган ҳолда, оқилоналик ва адолатлилик талабларидан келиб чиқиб, етказилган маънавий зарар миқдорини 12.500.000 сўмга баҳолашни лозим топди.

Суд қайд этилган ҳолатлар ҳамда юқоридаги қонун ва раҳбарий кўрсатма талабларидан келиб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантиришни, жавобгар М.Хашимовдан даъвогар Х.Рахимованинг фойдасига 38.200 сўм моддий зарар, 1.000.000 сўм адвокатларга сарфланган харажатлар ва 12.500.000 сўм миқдорда маънавий зарарларни ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддасига биноан ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Суд тарафлардан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилаётганлиги, яъни ҳал қилув қарори даъвогарнинг фойдасига чиқарилаётганлигини инобатга олиб, жавобгардан даъвогарнинг фойдасига у томонидан судга

даъво ариза топширишда давлат божи учун тўланган 368.600 сўмни ҳамда давлат фойдасига 184.300 сўм давлат божи ундиришни лозим деб топди.

Бинобарин, суд иш материалларига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220, 249-253-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Рахимова Хилола Эгамовнанинг жавобгар Хашимов Мансур Фуломовичга нисбатан жиноят оқиба-тида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво талаблари қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар Хашимов Мансур Фуломовичдан даъвогар Рахимова Хилола Эгамовнанинг фойдасига етказилган 38.200 сўм моддий зарар, 1.000.000 сўм адвокатларга сарфланган харажатлар, давлат божи учун тўланган 368.600 сўм ва етказилган 12.500.000 сўм миқдордаги маънавий зарар билан жами 13.906.800 сўм ундирилсин.

Жавобгар Хашимов Мансур Фуломовичдан давлат фойдасига 184.300 сўм миқдорда давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали 1 (бир) ой ичида Наманган вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти (протести), ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан 6 (олти) ой ичида кассация шикояти (протести) берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ф.И.Ш.

Бола билан кўришиб туриш тартибини белгилаш ҳақида ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил сентябрь ойининг 24 куни Фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи судья Акмал Алиевич Муродов,
суд мажлиси котиби А.Маликовдан иборат таркибда,
даъвогар Т.Пулатовнинг иштирокида,

даъвогар Тохир Акбарович Пулатовнинг жавобгар Севара Алижоновна Пулатовага нисбатан бола билан кўришиб туриш тартибини белгилаш тўғрисидаги 000-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Т.Пулатов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўз даъво аризасида вояга етмаган 2017 йил 8 июнда туғилган Пулатова Дилроз Тохир қизи билан ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари ўз уйига олиб бориб кўришиб туриш вақтини белгилаб беришни ва бунга жавобгар С.А.Пулатованинг зиммасига тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклашни ҳамда суд харажатларини жавобгардан унинг фойдасига ундиришни сўраган.

Даъвогар Т.Пулатов суд мажлисида даъво аризасини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган жавобгар С.Пулатова суд мажлисига келмаган ва келмаслик сабабини ҳам судга маълум қилмаган.

Шунингдек ишни ўзининг иштирокисиз кўриш ҳақидаги илтимоснома билан ҳам мурожаат қилмаган.

Шунга кўра, суд унинг судга келмаганлигини узрсиз деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддаси 3-қисмига асосан ишни унинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида сўралган Ромитан туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” органи вакили Ў.Ниёзов ўзининг тушунтиришида, даъвогар боласи Дилроз билан учрашишга жавобгар қаршилик кўрсатганлиги туфайли даъвогар ушбу мазмундаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга мажбур бўлганлиги, даъвогар боласи Дилроз билан учрашиш, унинг таълим тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги, жавобгар қаршилик кўрсатганлиги туфайли даъвогарнинг боласини ўз уйига олиб кетиш шарти билан кўришиб туриш тартибини белгилаш тавсия этилиши ҳақида хулоса берди.

Суд даъвогарнинг тушунтириши, мутахассиснинг хулосасини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, тарафлар 2016 йил 20 июлда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган.

Турмушларидан 2017 йил 8 июнда Дилроз исмли бир нафар фарзанди туғилган.

Оиладаги носоғлом муҳит туфайли тарафлар 2019 йил 28 майдан буён бирга яшамайди ва вояга етмаган Дилроз эса онаси С.Пулатованинг тарбиясида бўлиб, улар Ромитан туман “Тошрабат” МФЙ, “Элобод” қишлоғида жавобгарнинг ота-онасининг уйида яшаб келмоқда.

Тарафлар ўртасида бола тарбиясида иштирок этиш борасида низо келиб чиққанлиги боис, даъвогар дастлаб

тумандаги васийлик ва ҳомийлик органига боласи билан кўришиб туриш тартибини белгилаб бериш борасида муурожаат қилган.

Ромитан туман васийлик ва ҳомийлик органининг 2020 йил 1 июндаги қарори билан даъвогарга боласи билан ҳар ҳафтанинг шанба куни соат 10-00дан 17-00гача ўз уйига олиб боришга ҳамда байрам кунлари соат 10-00дан 15-00гача кўнгил очар масканларга С.Пулатованинг ҳамроҳлигида олиб боришга рухсат берилган. Бироқ, мазкур қарорнинг амалга оширилишига жавобгарнинг қаршилиги туфайли даъвогар судга ушбу мазмундаги даъво аризаси билан муурожаат қилишга мажбур бўлган.

Ромитан туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” органининг 2023 йил 16 августдаги судга тақдим этган хулосасида, даъвогар Т.Пулатовнинг вояга етмаган боласи Дилроз билан учрашиб, унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида хулоса қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 66-моддасига кўра, бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Ушбу кодекснинг 71-моддасига асосан ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарори 7-бандининг еттинчи қисмига асосан, суд алоҳида турадиган ота ёки онанинг боласини тарбиялашда иштирок этиш тартибини белгилайди ва бола билан бирга турадиган ота ёки онага бунга қаршилик кўрсатмаслик мажбуриятини юклайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сессиясида қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-XII-сонли қарори билан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 7-моддасига мувофиқ, бола иложи борича, ўз ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини олишга ҳақли ҳисобланади.

Ушбу Конвенциянинг 9-моддасида, иштирокчи давлатлар ота-онасининг биттаси ёки ҳар икковидан ҳам айрилган боланинг улар билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқини ҳурмат қилишлари белгиланган.

Бинобарин, суд юқоридаги қонун талаблари ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, даъвогар кўришиб туриш тартибини белгилаб беришни сўраётган бола онасига боғланиб қолиб, узоқ вақтдан буён онаси ва онасининг яқин қариндошлари билан бирга яшаб келаётганлиги, унинг ёшлиги ва ўз ҳаракатларини тўлиқ мустақил амалга ошира олмаслиги, бу ёшда бола тез-тез онасининг эътибори ва кўмагига муҳтож бўлиб туриши, бу ёшда болани онасидан узоқлаштириш, яъни даъвогар ўз уйига олиб кетиши бола манфаатларига зид бўлиб ҳисобланиши, бола даъвогарни кўриб, унга

кўпроқ ўрганиши ва меҳр қўйиши лозимлиги, шунингдек унинг ухлаш, ўйнаш ва дам олиш кун тартибини инобатга олиб ҳамда бола манфаатларидан келиб чиқиб, даъвогарга вояга етмаган 2017 йил 8 июнда туғилган Дилроз исмли боласи билан кўришиб, унинг тарбиясида иштирок этиш тартибини ҳар ойнинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи якшанба кунлари соат 10:00 дан 17:00 га қадар белгилашни ва бунга жавобгарнинг зиммасига қаршилиқ кўрсатмаслик мажбуриятини юклаш тўғрисида тўхтамга келади.

Шу билан бирга, суд тарафларга боланинг улғайиб бориши, қариндошлар ўртасидаги муносабатлар ёки яшаш, иш, уй шароитлари ўзгариши мумкинлигидан келиб чиқиб, бола билан кўришиш тартибини ўзгартириш бўйича кейинчалик яна судга умумий тартибда янги асослар бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддасига биноан ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Суд тарафлардан суд харажатларини ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилганлигини инобатга олиб, жавобгардан даъвогарнинг фойдасига у томонидан судга даъво ариза топширишда давлат божи учун тўланган 660.000 сўм ва почта харажатлари учун тўланган 33.000 сўмни ундиришни лозим деб топди.

Бинобарин, суд иш материалларига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220, 249-253-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Тохир Акбарович Пулатовнинг жавобгар Севара Алижонова Пулатовага нисбатан бола билан кўришиб туриш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъвоси қисман қаноатлантирилсин.

Вояга етмаган 2017 йил 8 июнда туғилган Дилроз Тохир қизи Пулатова билан даъвогар Тохир Акбарович Пулатовнинг кўришиб, унинг тарбиясида иштирок қилиш вақти ҳар ойнинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи якшанба кунлари соат 10:00дан 17:00га қадар белгилансин ва бунга жавобгар Пулатова Севара Алижоновнанинг зиммасига қаршилик кўрсатмаслик мажбурияти юклатилсин.

Жавобгар Севара Алижонова Пулатовадан даъвогар Тохир Акбарович Пулатовнинг фойдасига у томонидан судга даъво ариза топширишда давлат божи учун тўланган 660.000 сўм ва почта харажатлари учун тўланган 33.000 сўм ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали 1 (бир) ой ичида Бухоро вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти (протести), ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан 6 (олти) ой ичида кассация шикояти (протести) берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ф.И.Ш.

Болани ўз тарбиясига олиш ҳақида ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил июнь ойининг 28 куни Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи судья Улуғбек Собирович Нишонов, суд мажлиси котиби У.В.Ўктамовдан иборат таркибда, даъвогар С.Собирова, жавобгар С.Собировнинг иштирокида, даъвогар Севара Солижоновна Собированинг жавобгар Сардор Анварович Собировга нисбатан болани ўз тарбиясига олиш тўғрисидаги 000-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар С.Собирова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво аризасида 2022 йил 16 сентябрда қайнукаси боласини уч кунда қайтаришга ваъда бериб ва бунга ишонтирган ҳолда қилган илтимосига биноан ўғли Русланни унга бериб юборишга мажбур бўлганлиги, бироқ жавобгар Россиядан келгач, боласини унга қайтармасдан ҳанузга қадар уни овора қилиб келаётганлигини кўрсатиб, вояга етмаган 2014 йил 30 сентябрда туғилган Собиров Руслан Сардор ўғли исми боласини жавобгар С.Собировдан унинг тарбиясига олиб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар С.Собирова даъво аризасини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар С.Собиров, даъвони тан олмасдан уни рад қилишни сўради.

Суд мажлисида сўралган Жарқўрғон туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик кенгаши вакили М.Худойқулова ўзининг баёнотида, тарафларнинг оилавий муносабатлари ўрганилганлиги, тарафларнинг сўзига кўра, улар 2013 йил 22 декабрда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурганлиги, уларнинг биргалликдаги турмушларидан 2014 йил 30 сентябрда Руслан исми фарзанди туғилганлиги, ўзаро келишмовчиликлар сабабли тарафлар ҳозирда алоҳида яшаши, тарафларнинг уйида бола тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар мавжудлиги, бу ҳақда хулоса тузилганлиги, лекин даъвогар С.Собирова яшаб келаётган уй-жой марҳум бобоси Т.Ёдгоровнинг номида бўлиб, унинг муқобил яшаш жойи йўқлиги, у вақтинча ҳеч қаерда ишламаслиги, ота-онасининг қарамоғида эканлиги, болани таъминлашга қийналишини инобатга олиб, даъвогарнинг яшаш ва иш жойи бўлгунга қадар болани отаси С.Собировнинг тарбиясига вақтинча қолдириш, даъвогар С.Собированинг боласи билан кўришиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса берди.

Суд тарафларнинг тушунтиришлари, мутахассиснинг хулосасини тинглаб, иш ҳужжатларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига кўра, Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, тарафлар 2013 йил 22 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган.

Турмушидан бир нафар, яъни 2014 йил 30 сентябрда Руслан исмли фарзанди туғилган.

Оиладаги ўзаро келишмовчиликлар сабабли тарафлар ҳозирда алоҳида яшаб келмоқдалар, тарафлар никоҳдан ажратилмаган.

Жавобгар С.Собиров 2022 йил апрелда Россия Федерациясига кетиб, 2022 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга қайтиб келган. Укаси орқали боласи Русланни 2022 йил 16 сентябрда даъвогарнинг тарбиясидан вақтинча олиб, уни онасига қайтармасдан келганлиги боис даъвогар С.Собирова судга ушбу мазмундаги даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 73-моддасига кўра, ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Мазкур Кодекснинг 75-моддасига биноан, ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг

камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулоти тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йилдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” ги 23-сонли қарорининг 3-бандига кўра, суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини инобатга олган ҳолда, боланинг ота-онадан, ака-ука опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшини ва ота-онадан қайси бирига кўнгил қўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни эътиборга олиши кўрсатилган.

Гарчанд, Жарқўрғон туман ҳокимлиги халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” Кенгашининг судга тақдим этган 2023 йил 22 майдаги хулосасида, болани отаси С.Собировнинг тарбиясида қолдирилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса қилинган бўлса-да, бироқ суд мазкур хулоса билан келишмайди.

Чунки, хулосада даъвогар С.Собированинг моддий-маиший аҳволи етарли даражада эмаслигига эътибор қаратилган холос. Ҳолбуки, бу борада жавобгарнинг устунлиги болани унинг тарбиясида қолдиришнинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланмайди.

Қолаверса, даъвогар С.Собирова боласига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ва унинг оналик

ҳуқуқлари чекланмаган. Аслида, вояга етмаган бола 2022 йил 16 сентябрга қадар ўз онаси С.Собированинг тарбиясида бўлган.

Аксинча, жавобгар С.Собиров ушбу даврга қадар боласининг тарбиясидан йироқда Россия Федерациясида бўлиб, Ўзбекистонга келгач, боласини укаси орқали олишга эришган ҳолда уни ихтиёрий онасига қайтаришдан бўйин товлаб келган.

Шунингдек, даъвогарнинг вақтинчалик ишсизлиги боласининг таъминоти учун жавобгардан алимент олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Мазкур ҳолатлар васийлик ва ҳомийлик органининг эътиборидан четда қолиб, асоссиз равишда шошма-шошарлик билан бола манфаатига тескари хулоса қилинган.

Шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25сессиясида қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757XIIсонли қарори билан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 18моддасига мувофиқ, иштирокчидавлатлар бола тарбияланиши ва ривожланиши учун отаонанинг умумий ва бир хил жавобгарлиги тамойили эътироф этилишини таъминлашга қаратилган барча мумкин бўлган кучғайратларни сафарбар этадилар. Отаона ёки тегишли ҳолатларда қонуний васийлар боланинг тарбияланиши ва ривожланиши учун асосий жавобгар бўладилар. Боланинг энг яхши манфаатлари улар кўрсатадиган асосий ғамхўрликнинг предмети ҳисобланади.

Ушбу Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқларнинг амалга оширилишини кафолатлаш ва кўмаклашиш мақсадида иштирокчидавлатлар отаона ва қонуний васийларга бола тарбияси бўйича мажбуриятларини бажаришларига

тегишли ёрдам кўрсатадилар ҳамда болалар муассасалари тармоғининг ривожланишини таъминлайдилар.

Иштирокчидавлатлар отаонаси ишлайдиган болалар учун мўлжалланган хизматлар ҳамда болалар парвариш қилинадиган муассасалардан болаларнинг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

Суд аниқланган ҳолатлар, халқаро Конвенция, қонун ва раҳбарий тушунтириш талаблари ҳамда бола манфаатларидан келиб чиқиб, ўз боласини тарбиялашда даъвогарнинг ҳуқуқлари чекланмаганлиги, боланинг соғлом, тоза озода юришида онасининг ўрни алоҳида аҳамият касб этиши, даъвогарда болалар тарбиясига салбий таъсир қилувчи омиллар мавжуд эмаслиги, ҳамда боланинг руҳий камолотини эътиборга олган ҳолда уни онасининг тарбиясига олиб берилиши боланинг манфаати ва ижтимоий адолат тамойилига тўла мос келиши, боланинг онаси тарбиясида қолиши фарзандни отаси ва бошқа яқинлари билан кўришиб туриши ҳамда унинг тарбиясида отасининг иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслигини инобатга олиб, жавобгарга боланинг тарбиясида иштирок этиб, у билан кўришиб туриш тартибини белгилаш борасида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтирган ҳолда даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддасига биноан, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Суд тарафлардан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогарнинг даъво талаби қаноатланти-

рилганлигини инобатга олиб, жавобгардан даъвогарнинг фойдасига у томонидан судга даъво ариза топширишда давлат божи учун тўланган 680.000 сўмни ундиришни лозим деб топди.

Бинобарин, суд иш материалларига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-253-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Севара Солижонова Собированинг жавобгар Сардор Анварович Собировга нисбатан болани ўз тарбиясига олиш тўғрисидаги даъвоси қаноатлангилсин.

Вояга етмаган 2014 йил 30 сентябрда туғилган Собиров Руслан Сардор ўгли жавобгар Сардор Анварович Собировдан даъвогар Севара Солижонова Собированинг тарбиясига олиб берилсин.

Жавобгар Сардор Анварович Собировдан даъвогар Севара Солижонова Собированинг фойдасига даъво аризаси топширишда давлат божи учун олдиндан тўланган 680.000 сўм ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали 1 (бир) ой ичида Сурхондарё вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоят (протести), ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан 6 (олти) ой ичида кассация шикоят (протести) берилиши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

Ф.И.Ш.

*Уйга киритиш ва турар жойдан
фойдаланиш тартибини белгилаш
ҳақида ҳал қилув қарорининг намунаси*

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил сентябрь ойининг 26 куни Фуқаролик ишлари бўйича Яккабоғ туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи судья Илхом Мухторович Бахромов,

суд мажлиси котиби Б.Ботировдан иборат таркибда, даъвогар Н.Мухтарова, даъвогар вакили, адвокат Г.Файзиева, жавобгар А.Жумаев, учинчи шахс Эшниязова Дилаферуз Сафаровналар иштирокида,

даъвогар Мухтарова Нафосат Болтаевнанинг жавобгарлар Жумаев Нормурод Абдувалиевич ва Жумаев Абдували Садиковичга нисбатан уйга киритиш ва турар жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги 000-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Н.Мухтарова судга даъво ариза билан муурожаат қилиб, уни вояга етмаган икки нафар Азизжон ва Азиза исмли болалари билан Қамаш туманидаги “Охших” МФЙнинг Гулистон олдинги Кўлиболо қишлоғида жойлашган низоли уйнинг келин бўлиб тушган ва яшаб келган кадастр ҳужжатларидаги №1, 2, 4 ва 5-рақамли хоналарига киритишни ҳамда уларни мазкур турар жойдан фойдаланиш тартибини белгилаб беришни, у томонидан сарфланган суд харажатлари ва адвокатнинг юридик ёр-

дами учун тўланган харажатларни жавобгарлардан унинг фойдасига ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвони қувватлаб уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар А.Жумаев ўзининг тушунтиришида даъвони тан олмасдан, даъвогар Н.Мухтарова унинг келини бўлишини, ҳақиқатдан ҳам келини икки нафар невараси ва ўғли Н.Жумаев билан унга тегишли бўлган Қамаш туманидаги “Охших” МФЙнинг Гулистон олдинги Кўлиболо қишлоғида жойлашган уйнинг кадастр ҳужжатларида қайд қилинган № 1, 2, 4 ва 5-рақамли хоналарида яшаб ва фойдаланиб келганлигини, унинг оилга хиёрати учун кириб яшаши ва фойдаланишига қарши эканлигини, юқоридагиларни инobatга олиб, даъвони қаноатлантиришдан рад қилишни сўради.

Суд мажлисида сўралган ишга учинчи шахс сифатида жалб қилинган Д.Эшниязова даъвони тан олмасдан, жавобгар А.Жумаевнинг баёотларини тасдиқлаб, тушунтириш берди.

Жавобгар Н.Жумаев суд мажлисига чақирилган бўлсада, Қамаш туман “Охших” МФЙнинг 2023 йил 5 сентябрдаги 1852-сонли маълумотига кўра унинг 2023 йил 17 август кунда ишлаш учун Россия давлатига кетганлиги аниқланди.

Қайд қилинган қонун талабидан келиб чиқиб, жавобгарнинг айна пайтда амалдаги яшаш жойи номаълум бўлганлиги, унинг қаерда эканлигини аниқлашни имконияти бўлмаганлигини ҳамда унинг иштирок этмаслиги ишни кўриб чиқиш учун судга тўсқинлик қилмаслигини инobatга олиб, суд ишни унинг иштирокисиз мазмунан кўриб чиқишни лозим топди.

Суд тарафлар ва учинчи шахснинг тушунтиришларини ҳамда адвокат Г.Файзиёвнинг даъвони қаноатлантириш ҳақидаги музокара нутқини тинглаб, иш ҳолатлари ва иш ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидаги

асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддаси 1-қисмига асосан уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиланинг бошқа аъзоларини эса, уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг, мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Иш ҳолатларидан кўринишича даъвогар Н.Мухтарова жавобгар Н.Жумаев билан 2008 йил 25 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган.

Уларнинг биргаликдаги турмушларидан икки нафар 2008 йил 12 декабрда Абдувалиев Азизжон Нормуродевич ва 2013 йил 8 январда Абдувалиева Азиза Нормурод қизи исмли фарзандлари туғилган. Даъвогар Н.Мухтарова жавобгар, яъни қайнотаси А.Жумаевнинг номидаги уй-жойга келин бўлиб тушган. У 2008 йилда мазкур уй рўйхатига киритилган.

Даъвогар Н.Мухтарова икки нафар вояга етмаган фарзандлари ва турмуш ўртоғи Н.Жумаев билан мазкур уй-жойнинг кадастр ҳужжатларидаги № 1, 2, 4 ва 5-рақамли хоналарида яшаб келганлар. Уй-жойнинг кадастр ҳужжатларидаги № 3, 6 ва 7-рақамли хоналаридан эса жавобгар А.Жумаев ва унинг турмуш ўртоғи Д.Эшниязова ҳамда уларнинг 2015 йил 16 майда туғилган Абдурасул исмли вояга етмаган боласи фойдаланиб келишган. Турар жойнинг бошқа ёрдамчи хона-

лари тарафларнинг умумий фойдаланишида бўлган. Ушбу ҳолат низоли уйнинг сайёр тартибда жойида кўздан кечириш натижалари ва тарафларнинг буни тасдиқлаб берган тушунтиришлари билан ўз тасдиғини топди.

Шунингдек, Қамашуи туман “Охших” МФЙнинг 2023 йил 5 сентябрдаги 1853-сонли маълумотномасига кўра, низоли уйда яшовчилар сифатида А.Жумаев ва унинг турмуш ўртоғи Д.Эшниязова, вояга етмаган боласи Садиқов Абдурасул, ўғли Жумаев Нормурод, келини (даъвогар) Мухтарова Нилуфар ва невараси вояга етмаган Азизжон ва Азизалар қайд қилинган.

Оиладаги ўзаро келишмовчиликлар туфайли даъвогар Н.Мухтарова 2023 йил 26 июнда низоли турар жойдан икки нафар вояга етмаган фарзандлари билан биргаликда мажбурий тарзда чиқариб юборилган. Даъвогар низоли уйга кириш чораларини кўрган, бироқ жавобгарларнинг тўсқинлиги туфайли судга ушбу мазмундаги даъво аризаси билан муурожаат қилишга мажбур бўлган.

Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонунининг 10-моддасига биноан давлат боланинг шахси, турар жойи дахлсизлигини таъминлайди.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 13-моддасига кўра, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мазкур қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Турар жой мулкдорининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади.

Шу сабабли суд даъвогарни икки нафар вояга етмаган фарзандлари билан низоли турар жойга киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 23-моддасига биноан, хусусий мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар улардан ўзлари ва оила аъзолари яшаши учун фойдаланадилар. Улар уйига, квартирасига бошқа фуқароларни кўчириб киритишга, шунингдек турар жойларни ушбу Кодексда ҳамда ўзга қонун ҳужжатларида белгиланган шартларда ва тартибда ижарага бериш шартномаси асосида бошқа фуқароларга яшаш учун беришга ҳақлидирлар.

Суд тарафларнинг низоли турар жойдан илгари фойдаланиб келганлик ҳолатларини ва ушбу тартиб тарафлар манфаатига жуда мослигини инобатга олиб, низоли турар жойдан фойдаланиш тартибини белгилашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 14-моддасига биноан, суд Ўзбекистон Республикасининг қонунига ёки халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатнинг ҳуқуқ нормаларини ҳам қўллайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сессиясида қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-XII-сонли қарори билан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 27-моддасига мувофиқ, иштирокчи-давлатлар миллий шарт-шароитларга мувофиқ ва ўз имкониятлари доирасида ана шу ҳуқуқнинг амалга ошишида ота-она ва болани тарбиялаётган бошқа шахсларга ёрдам кўрсатиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар, зарурат туғилган ҳолларда моддий ёрдам берадилар, айниқса, озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаш борасидаги дастурни қўллаб-қувватлайдилар.

Суд юқоридаги ҳолатлар, қонун талаблари ҳамда даъво талаби доирасидан келиб чиқиб, даъвогарнинг муқаддам

низоли турар-жойдан фойдаланиб, яшаб келганлигини, даъвогар низоли уй-жойга киритиш чораларини қонунда белгиланган муддатда кўрганлигини, даъвогар Н.Мухтарова ва унинг вояга етмаган фарзандлари низоли уй рўйхатига киритилганлигини ҳамда вояга етмаган болалар манфаатларини инobatга олиб, даъвогар Н.Мухтаровани вояга етмаган икки нафар болалари билан биргаликда низоли уйнинг кадастр ҳужжатларидаги 1, 2, 4 ва 5-рақамли хоналарига киритишни ҳамда уларни ва жавобгар Н.Жумаевни турар жойнинг мазкур хоналаридан фойдаланиш тартибини белгилаб беришни, уй-жойнинг кадастр ҳужжатларидаги 3, 6 ва 7-рақамли хоналаридан эса жавобгар А.Жумаев ва унинг турмуш ўртоғи Д.Эшниязова ҳамда уларнинг 2015 йил 16 майда туғилган Абдурасул исми вояга етмаган боласининг фойдаланиш тартибини белгилашни, уй-жойнинг бошқа ёрдамчи хоналарини тарафларнинг умумий фойдаланишида қолдиришни лозим топди.

ФПКнинг 138-моддасига биноан ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Суд тарафлардан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилаётганлиги, яъни ҳал қилув қарори даъвогарнинг фойдасига чиқарилаётганлигини инobatга олиб, жавобгарлардан даъвогарнинг фойдасига у томонидан судга даъво ариза топширишда давлат божи учун тўланган 737.200 сўмни ундиришни лозим деб топди.

ФПКнинг 136-моддасига кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга

иккинчи тарафдан вакилнинг ёрдами учун тўлашга доир харажатларни оқилона миқдорларда ундириб беради.

Даъвогар ўзининг ҳуқуқларини амалга оширишда жавобгарларнинг тўсқинлиги туфайли адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга мажбур бўлган ва 2018 йил 29 августдаги 17-сонли мемориал ордерга кўра, унга 550.000 сўм тўловларни амалга оширган.

Шу боис, суд мазкур харажатларни ҳам жавобгарлардан даъвогарнинг фойдасига ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220, 249-253-моддаларига асосан суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Даъвогар Мухтарова Нафосат Болтаевнанинг жавобгарлар Жумаев Нормурод Абдувалиевич ва Жумаев Абдували Садиковичга нисбатан уйга киритиш ва турар жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъво талаблари қаноатлантирилсин.

Даъвогар Мухтарова Нафосат Болтаевна вояга етмаган икки нафар 2008 йил 12 декабрда туғилган Абдувалиев Азизжон Нормуродевич ва 2013 йил 8 январда туғилган Абдувалиева Азиза Нормурод қизи исми фарзандлари билан биргаликда жавобгар Жумаев Абдували Садиковичнинг номида бўлган Жондор туманидаги “Охших” МФЙнинг Гулистон қишлоғида жойлашган уй-жойнинг кадастр ҳужжатларида қайд қилинган 1-рақамли яшаш хонаси (5,8x3,7=21,5), 2-рақамли (1,8x3,7=6,7) дахлиз, 4-рақамли (1,8x3,7=6,7) мадон ва 5-рақамли (5,8x3,7=21,5) яшаш хоналарига киритилсин.

Жавобгар Жумаев Абдували Садиковичнинг номида бўлган Жондор туманидаги “Охших” МФЙнинг Гулистон қишлоғида жойлашган уй-жойнинг кадастр

ҳужжатларида қайд қилинган 1-рақамли яшаш хонаси (5,8x3,7=21,5), 2-рақамли (1,8x3,7=6,7) дахлиз, 4-рақамли (1,8x3,7=6,7) мадон ва 5-рақамли (5,8x3,7=21,5) яшаш хоналари даъвогар Мухтарова Нафосат Болтаевна, жавобгар Жумаев Нормурод Абдувалиевич ва уларнинг вояга етмаган икки нафар 2008 йил 12 декабрда туғилган Абдувалиев Азизжон Нормуродевич ва 2013 йил 8 январда туғилган Абдувалиева Азиза Нормурод қизи исми фарзандларининг фойдаланишига, уй-жойнинг 3-рақамли (5,8x3,7=21,5) яшаш хонаси, 6-рақамли (5,8x3,7=21,5) яшаш хонаси, 7-рақамли (8,3x3,7=30,7) яшаш хонаси жавобгар Жумаев Абдували Садикович, унинг турмуш ўртоғи Эшниязова Дилаферуз Сафаровна ва уларнинг вояга етмаган 2015 йил 16 майда туғилган боласи Садиков Абдурасул Абдувалиевичларнинг фойдаланишига, мазкур уй-жойнинг қолган барча ёрдамчи хоналари тарафларнинг умумий фойдаланишига қолдирилсин.

Жавобгарлар Жумаев Нормурод Абдувалиевич ва Жумаев Абдували Садиковичдан даъвогар Мухтарова Нафосат Болтаевнанинг фойдасига даъво аризаси топширишда давлат божи учун олдиндан тўланган 737.200 сўм ва адвокатга тўланган 550.000 сўм билан жами 1.287.200 сўм ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали 1 (бир) ой ичида Қашқадарё вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоят (протести), ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан 6 (олти) ой ичида кассация шикояти (протести) берилиши мумкин.

ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ҲУЖЖАТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

000-сонли иқтисодий иш

Биринчи инстанция суди-
да ишни кўрган судья
Б.Кеунимжаева
Апелляция инстанцияси
судида маърузачи судья
З.Рустамов
Тафтиш инстанцияси
судида маърузачи судья
Р.Сағатов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING Қ А Р О Р И

Тошкент шаҳри

2024 йил 18 апрель

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Р.Сағатовнинг раислигида, ҳайъат аъзолари Н.Хаджиматов ва Ш.Болиевдан иборат таркибда, Б.Муродқосимовнинг котиблигида, даъвогар вакили адвокат З.Джураев (2023 йил 28 декабрдаги 1-сонли ишончнома ва 2024 йил 10 январдаги 1-сонли ордер асосида), жавобгар вакиллари А.Абдулҳакимов (2024 йил 4 январдаги 09-сонли ишончнома асосида), адвокат М.Хайитов (2024 йил 14 мартдаги 8-сонли ордер ва 2024 йил 13 мартдаги 24-сонли

ишончнома асосида)лар иштирокида даъвогар “Торговый дом Элит Фиш” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар “VIVA Logistics” масъулияти чекланган жамиятидан 95 246,68 АҚШ доллари миқдорида зарар ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 14 декабрдаги қарори устидан “Торговый дом Элит Фиш” масъулияти чекланган жамияти томонидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятни бўйича ишни Олий суд биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

“Торговый дом Элит Фиш” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилди) (Қозоғистон Республикаси резиденти) ва “Empresas AquaChili S.A” компанияси (Чили Республикаси резиденти) ўртасида 2019 йил 21 июнда ACSL01/2019-сонли контракт тузилган.

Ушбу контрактга асосан “Empresas AquaChili S.A” компанияси (сотувчи) даъвогар (харидор)га шартнома ни амал қилиш муддати давомида CFR/CIF шартларида Литва Республикасининг Клайпеда портига музлатилган балиқ маҳсулотини етказиб бериш мажбуриятини олган.

Мазкур товарларни етказиб бериш учун даъвогар томонидан сотувчининг ҳисоб рақамига 2019 йил 21 июндаги ACSL01/2019-сонли контрактга асосан 2021 йил 17 февралда ҳамда 2021 йил 7 июлда 60 000 АҚШ доллари ва 80 246,68 АҚШ доллари миқдорида пул маблағи ўтказиб берилган.

Ўз навбатида сотувчи томонидан даъвогарга юборилган навбатдаги партидаги 21 000 кг умумий

қиймати 95 246,68 АҚШ долларидан иборат балиқ маҳсулоти 2021 йил 13 июлда Клайпеда портига етиб келган ва божхона омборида сақланган. Сотувчи тарафлар ўртасида тузилган маҳсулотни етказиб бериш ҳақидаги контракт бўйича ўзига юклатилган мажбуриятларни бажарган.

Шундан сўнг, мазкур товарларни Литва Республикасининг Клайпеда портидан даъвогарнинг манзилига етказиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида 2021 йил 24 февралда 8815438-сонли реестр рақами билан берилган юкларни автомобиль транспортида халқаро ташиш лицензиясига эга бўлган “VIVA Logistics” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) номига 2021 йил 13 июлда VIVA LG 00004828-сонли халқаро товар-транспорт юк ҳужжати (CMR) расмийлаштирилган.

Мазкур юк ҳужжати (накладной)га асосан даъвогарга тегишли бўлган балиқ маҳсулоти жавобгар томонидан 2021 йил 13 июлдан 2021 йил 25 июлга қадар Литва Республикаси (Клайпеда) - Беларусь Республикаси - Россия Федерацияси (Рудня) - Қозоғистон Республикаси (Олмаота) йўналишида ташиб берилиши лозим бўлган.

Халқаро юк ташишда транспорт воситасидан фойдаланиш мақсадида жавобгар (ижарага олувчи) ва фуқаро Джураев Абдугапар Каримович (ижарага берувчи) ўртасида 2020 йил 30 июнда транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш ҳақида шартнома тузилган бўлган. Ушбу шартномага асосан жавобгар фуқаро А.Джураевдан давлат рақами 10 D 327 SA/305639 AA бўлган транспорт воситасини ижарага олган.

Шунга кўра, жавобгар томонидан музлатилган балиқ маҳсулотини ташиш билан боғлиқ ҳаракатлар ҳайдовчи А.Джураев бошқарувидаги давлат рақами 10 D 327 SA/305639 AA

бўлган транспорт воситасида амалга оширилган. Бироқ, жавобгар томонидан юк ҳужжати (накладной)да кўрсатилган балиқ маҳсулоти даъвогар манзилига етиб келмаган.

Даъвогар жавобгарга 2021 йил 9 сентябрда талабнома билан мурожаат қилиб, йўқотилган юк қийматини тўлаб беришни сўраган.

Мазкур талабнома юзасидан жавобгар 2021 йил 25 сентябрда 53-сонли хат билан даъвогарга муносабат билдириб, унда юкни етказиб бериш юзасидан даъвогар билан шартнома тузмаганлиги сабабли транспорт воситасини бошқарган А.Джураевга ёки жавобгар билан шартнома тузган компанияга мурожаат қилиши мумкинлигини маълум қилган.

Жавобгар томонидан балиқ маҳсулоти белгиланган манзилга етказиб берилмасдан йўқотилганлиги асоси билан даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 95 246,68 АҚШ доллари миқдоридан зарар ундиришни сўраган.

Суднинг 2022 йил 18 февралдаги ажрими билан “Empresas Aqua Chili S.A” компанияси ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб этилган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 2 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг

2022 йил 14 декабрдаги қарорига асосан ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг 2022 йил 2 августдаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати такрорий кассация инстанциясининг 2023 йил 5 июндаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Суднинг 2023 йил 21 июлдаги ажрими билан ишга низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ИП Канимкулова Кадиша Иватаевна ва “Плико Арт” масъулият чекланган жамияти жалб қилинган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 22 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 14 декабрдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Иш юзасидан қабул қилинган апелляция инстанцияси судининг қароридан норози бўлиб, даъвогар Олий судға тафтиш тартибидаги шикоят билан мурожаат қилган ва унда апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни сўраган.

Бунга асос қилиб шикоятда даъвогарга тегишли юкни етказиб бериш бўйича CMR VIVA LG 00004828-сонли накладной (бундан буён матнда СМР деб юритилади) расмийлаштирилганлиги, автомобилда юк ташиш Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ҳайдовчи А.Джураев-

га тегишли бўлган 10 D327SA/305639AA давлат рақамли автомобиль-рефрежератордан фойдаланган ҳолда амалга оширилганлиги, мазкур 2021 йил 13 июлдаги накладнойга мувофиқ жавобгар юкни қабул қилганлиги вана накладнойнинг 16, 23-графаларида тегишли белги қўйилганлиги, “Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида”ги (ЮЙТК) Женева конвенцияси 17-моддасининг биринчи бандига асосан ташувчи юкнинг тўлиқ ёки қисман йўқолиши ёки юкни қабул қилишгача бўлган вақт оралиғида унинг шикастланиши, шунингдек етказиб беришни кечиктирганлиги учун жавобгар эканлиги, мазкур Конвенциянинг 20-моддасига мувофиқ даъвогарга тегишли бўлган юк белгиланган муддатда ва ҳозиргача етказиб берилмаганлиги, шунинг учун юкни йўқолган деб ҳисоблаш мумкинлиги, Конвенциянинг 23-моддасига кўра, ташувчи юкнинг тўлиқ ёки қисман йўқолиши муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шартлиги, қопланиши лозим бўлган миқдор юкнинг ўша жойдаги ва ташишга қабул қилинган пайтдаги қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланишини, 82143-сонли ҳисоб фактурага асосан йўқолган юкнинг қиймати 95 246,68 АҚШ долларини ташкил қилишини кўрсатган.

Суд мажлисида даъвогар вакили тафтиш тартибидаги шикоятни қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантириб беришни, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар вакиллари жавобгарнинг тафтиш тартибидаги шикоятига эътироз билдириб, низодаги юк даъвогарга тегишли бўлган Руслан исмли шахснинг топшириғи асосида ҳайдовчи А.Джураев томонидан амалга оширилганлиги, ҳайдовчи жавобгарнинг

жамиятида ишламаслигини, ўша ерда Руслан исмли шахс божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун автомобилдаги юкларни туширишни сўраганлигини, шундан сўнг юклар Русланнинг топшириғи асосида ҳайдовчи томонидан туширилганлигини, жавобгар фақат давлат чегарасидан юкларни олиб чиқиш учун тўлдирилмаган накладнойни ҳайдовчига берганлигини, аслида юкларни ташиш унга юклатилмаганлигини маълум қилиб, шикоятни қаноатлантиришни рад этишни сўрашди.

“Empresas Aqua Chili S.A” компанияси, ИП Канимкулова Кадиша Иватаевна ва “Плико Арт” масъулият чекланган жамияти суд мажлисига келмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 324-моддасининг биринчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни тафтиш тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Шусабабли судлов ҳайъати ишни уларнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб ва шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра тафтиш тартибида берилган шикоятни қаноатлантиришни, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 709-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ташишнинг умумий шартлари ушбу Кодекс,

транспорт уставлари ва кодекслари, бошқа қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган қоидалар билан белгиланади.

Транспортнинг айрим турларида йўловчи, багаж ва юк ташиш шартлари, шунингдек тарафларнинг уларни ташиш бўйича жавобгарлиги, агар ушбу Кодексда, транспорт уставлари ва кодексларида, бошқа қонунларда ва уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

ФК 711-моддасининг биринчи қисмига асосан юк ташиш шартномаси бўйича юк ташувчи юк жўнатувчи томонидан ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни олишга ваколат берилган шахсга (олувчига) топшириш, юк жўнатувчи эса юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 7-моддасида агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилиши кўрсатилган.

“Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида (ЮЙТК)”ги Конвенция 1956 йил 19 майда Женевада қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 132-І-сонли “1956 йилдаги юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги Қарорига мувофиқ қўшилган.

Мазкур Конвенциянинг 4-моддасига кўра, ташиш шартномаси накладной (юк хати) тузилиши билан тасдиқланади.

ФК 711-моддасининг иккинчи қисмида юк ташиш шартномаси тузилганлиги тегишли транспорт устави ёки кодексда назарда тутилган ҳужжат (транспорт юк хати,

коносамент ёки юкка доир бошқа ҳужжат)ни тузиш ва уни юк жўнатувчига топшириш йўли билан тасдиқланиши белгиланган.

Конвенциянинг 9-моддасига мувофиқ, транспорт юкхати ташиш шартномаси тузилганлиги, мазкур шартноманинг шарти ва ташувчи томонидан юк қабул қилинганлигининг далили ҳисобланиши қайд этилган.

Мазкур ҳолатда даъвогарга тегишли бўлган балиқ маҳсулотини юк ҳужжат (накладной)га асосан ташувчи бўлиб жавобгар ҳисобланади.

Жавобгар ташиш ҳужжати (СМР)да назарда тутилган мажбурият бўйича 2021 йил 13 июлдан 2021 йил 25 июлга қадар Литва Республикаси (Клайпеда) - Беларусь Республикаси - Россия Федерацияси (Рудня) - Қозоғистон Республикаси (Олмаота) йўналишида ташиб бериши шарт бўлган.

Конвенциянинг 20-моддасига кўра, келишилган муддат ўтгандан кейин ўттиз кун ичида юк етказиб берилмаган ва ташувчи юкни қабул қилиб олган кундан бошлаб олтмиш кун ичида келишилмаган бўлса, юкни йўқолишининг далили низосиз ҳисобланади ва талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс юкни йўқолган деб ҳисоблаши мумкин.

ФК 721-моддасининг биринчи қисмида агар ташувчи юк ёки багажнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланишида (бузилишида) ўзининг айби йўқлигини исботлаб бера олмаса, ташиш учун қабул қилиб олган юк ва багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки уларга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) учун жавобгар бўлиши кўрсатилган.

Демак, жавобгар томонидан СМРда назарда тутилган мажбурият бўйича етказиб берилиши лозим бўлган балиқ маҳсулоти даъвогарга топширилмаган ва ташиш

ҳужжатида белгиланган мажбурият бажарилмаган.

Мазкур ҳолатда биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантириш ҳақида асосли тўхтамга келган.

Апелляция инстанцияси суди СМР ИПКнинг 75-моддасига асосан далил сифатида инобатга олинмаслиги асоси билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Ваҳоланки, СМР тузилганлиги жавобгар вакилининг ва ҳайдовчи А.Джураевнинг кўргазмаси билан ўз исботини топган.

Жавобгарнинг тарафлар ўртасида юк ташишга оид шартнома ҳамда буюртманинг мавжуд бўлмаганлиги учун даъво талаби асоссиз эканлиги ҳақидаги важи билан келишиб бўлмайди. Чунки, ушбу ҳужжатлар халқаро юк ҳужжати тузишга қадар бўлган ҳужжат бўлса, СМР (накладной) юк хати эса халқаро юк ташишда юридик ҳужжат сифатида ташиш шартномасининг далили ҳисобланади.

Иш ҳужжатларида ИП Канимкулова Кадиша Иватаевна ва “Плико Арт” масъулият чекланган жамияти ўртасида тузилган 2021 йил 12 июлдаги 1207/21-сонли шартнома ва шу кундаги буюртманом (заявка) мавжуд бўлса-да, даъвогарга тегишли бўлган балиқ маҳсулотини ортганлиги ва ташиш учун белгиланган маршрутда ҳаракат қилганлиги ҳақида бирор-бир далил мавжуд эмас. Даъвогарга тегишли бўлган балиқ маҳсулотини ортганлиги ва ташиш учун белгиланган маршрутда ҳаракат қилганлиги даъвогарнинг ҳайдовчиси А.Джураевнинг гувоҳ сифатида берган кўрсатмаси ва халқаро юкҳужжати (накладной)нинг 16 ва 23-графалари билан тасдиқланган.

Жавобгарнинг даъвогарда ишловчи Руслан исми шахсининг топшириғи билан ҳайдовчи ташиш бўйича маршрут ўзгартирилганлиги ҳақидаги важи асоссиздир.

Чунки, ташиш бўйича маршрутнинг ўзгариши Конвенция 12-моддасининг 5-бандида назарда тутилган тартибда СМРга тегишли ўзгартириш киритиш шартларида амалга оширилади.

Демак, даъвогар томонидан юкнинг манзили (етказиб бериш маршрути)ни ўзгартириш ҳақидаги кўрсатма (йўриқнома, топширик) бўлганлигини тасдиқловчи далиллар судга тақдим этилмаган. Балки, даъвогар ҳайдовчисининг судда берган шахси аниқ бўлмаган Руслан исмли шахс томонидан телефон орқали айтилганлиги ҳақидаги кўргазмаси мавжуд. Бу эса даъвогар томонидан маршрут ўзгарганлиги ҳақидаги кўрсатма, яъни накладной (халқаро юк хати) билан тасдиқланганлигини англатмайди.

ИПК 324⁸-моддасига мувофиқ суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асосsizлиги ҳал қилув қарорини, қарорни ёки ажримни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПК 324⁷-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига кўра ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд тафтиш тартибидаги шикоятни кўриш натижалари бўйича айрим суд ҳужжатларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати даъвогарнинг тафтиш тартибидаги шикоятни қаноатлантиришни, иш юзасидан қабул қилинган апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топади.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари жавобгар зиммасига юклатилади.

Даъвогар томонидан тафтиш тартибидаги шикоятни

кўриш билан боғлиқ тўланган суд харажатлари учун жавобгардан даъвогар фойдасига 10 345 000 сўм давлат божи ва 34 000 сўм почта харажатлари ундирилади.

ИПК 343-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъвони тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёки даъво кўрмасдан қолдирилса, суд бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ундиришни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилиш ҳақида суд ҳужжатини қабул қилишлиги белгиланган.

Шу боис, Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 14 декабрдаги қарори бўйича ундирув бекор қилиниши лозим.

Юқоридагиларга кўра, “Юокларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида (ЮЙТК)”ги Конвенциянинг 4, 9, 20-моддаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 324⁷ - 324⁹-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л а д и:

“Торговый дом Элит Фиш” масъулияти чекланган жамиятининг тафтиш тартибидаги шикоятни қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 14 декабрдаги қарори бекор қилинсин.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 22 сентябрдаги ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилсин.

“VIVA Logistics” масъулияти чекланган жамиятидан “Торговый дом Элит Фиш” масъулияти чекланган жамияти

фойдасига 10 345 000 сўм давлат божи, 34 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 14 декабрдаги қарори бўйича ундирув бекор қилинсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Мазкур қарордан норози тараф Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва Бош прокурорига ишни Олий суд Раёсатига тафтиш тартибида протест келтириш учун шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

Судьялар

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

Пул маблағини ундириш ҳақида ҳал қилув қарори намунаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

000-сонли иқтисодий иш

2023 йил 10 июль

Сирдарё вилоят судининг суд биносида очик суд мажлисида

раислик этувчи Л.Бобобеков,

суд мажлиси котиби Ш.Турдиевдан иборат таркибда, даъвогар вакили Д.Ли (2023 йил 2 июндаги 2/1-сонли ишончнома асосида),

жавобгар вакили адвокат А.Османов (2023 йил 8 июндаги 021-сонли ордер асосида)лар иштирокида

даъвогар “Шаффоф” хусусий корхонаси (Ўзбекистон, Тошкент шаҳри)нинг жавобгарлар “Gold star Inc.Co” компанияси (Қозоғистон, Астана шаҳри) ва ушбу Компаниянинг Ўзбекистон Республикаси Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида жойлашган ваколатхонасига нисбатан 21 603 АҚШ доллари миқдорида пул маблағини ундириш тўғрисидаги 000-сонли иш бўйича даъво аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар “Шаффоф” хусусий корхонаси ҳамда жавобгар “Gold star Inc.Co” компанияси ўртасида 2022 йил 1 октябрда 8-юр-сонли экспорт шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра даъвогар жавобгарга ўзи жалб қилган транспорт воситаси орқали 264 216 АҚШ доллари миқдоридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш, жавобгар

томонидан эса маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг қийматини дарҳол тўлаш мажбуриятлари олинган.

Даъвогар ўз шартномавий мажбуриятларини бажариб, 2022 йилнинг 1 октябридан 24 ноябрига қадар қисмларга бўлинган ҳолда 264 216 АҚШ доллар миқдорида 5 турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берган.

Жавобгар томонидан ушбу маҳсулотлар тўлиқ қабул қилиниб, 2022 йил 24 ноябрдаги 55-сонли тўлов топшириқномаси орқали маҳсулотлар қийматининг 242 613 АҚШ доллари миқдорида тенг қисми бўйича тўлов амалга оширилган.

Натижада 21 603,1 АҚШ доллари миқдорида қарздорлик вужудга келган ва даъвогар ушбу суммани ундириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларни эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган.

Украинанинг Киев шаҳрида 1992 йил 20 мартда

имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 майдаги 826XII сонли қарори билан ратификация қилинган “Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Битим 4 моддасининг “б” кичик банди мазмунига кўра агар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчиси бўлган ушбу давлатнинг ҳудудида жавобгар корхона (филиал) савдо, саноат ёки бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, давлатнинг ваколатли суди – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчиси мазкур Битимнинг 1 моддасида қайд этилган низоларни кўришга ҳақли.

Тарафлар ўртасида тузилган 2022 йил 1 октябрдаги 8-юр-сонли экспорт шартномаси шартларида ҳакамлик келишуви назарда тутилмаган ва алоҳида ҳакамлик битими тузилмаган. Шартноманинг 4.5-бандида томонлар ўртасида келишувга келинмаган барча низолар судда ҳал этилиши назарда тутилган.

Даъвогар тақдим этган маълумотларга кўра жавобгар Гулистон шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонасига эга.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда - ИПК деб юритилади) 239-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ агар чет эллик шахснинг филиали ёки ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари чет эллик шахслар иштирокида юзага келадиган низоларни кўриб чиқади.

Бундай ҳолатда низо Гулистон шаҳар иқтисодий суди судловига тегишли ҳисобланади.

Тарафлар ўртасида тузилган 2022 йил 1 октябрдаги 8-юр-сонли экспорт шартномасида низони ҳал қилишда

қўлланиладиган ҳуқуқ белгиланмаганлиги боис, суд Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини қўллашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда - ФК деб юритилади)нинг 8, 234-моддаларига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолатда тарафлар мажбуриятлари маҳсулот етказиб бериш шартномасидан келиб чиққан.

ФКнинг 236-моддасига биноан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ушбу Кодекснинг 437-моддасига асосан маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи - сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, тарафлар ўртасида тузилган 2022 йил 1 октябрдаги 8-юр-сонли экспорт шартномасига асосан даъвогар томонидан жавобгарга қиймати 264 216,7 АҚШ долларига тенг миқдордаги қуйидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жавобгарга ўз транспорт воситалари орқали етказиб берилган:

- қиймати 21 603,2 АҚШ долларига тенг 108 016 кг барра томатлар - 2022 йил 18 октябрда;

- қиймати 22 500 АҚШ долларига тенг 100 000 кг булғор қалампири - 2022 йил 20 октябрда;

- қиймати 60 000 АҚШ долларига тенг 100 000 кг барра узум - 2022 йил 20 октябрда;

- қиймати 53 113,6 АҚШ долларига тенг 122 100 кг мева шарбатлари - 2022 йил 22 ноябрда;

- қиймати 107 000 АҚШ долларига тенг 175 000 кг томат пастаси - 2022 йил 24 ноябрда.

Иш ҳужжатларига кўра, маҳсулотларни қабул қилишда ушбу маҳсулотлар ичида қиймати 21 603,2 АҚШ долларига тенг бўлган 108 016 кг барра томат талабга жавоб бериши ва истеъмолга яроқли эканлиги Гулистон шаҳридаги “Сифат-Омад” масъулияти чекланган жамияти томонидан текширилиб, томатларнинг сифат жиҳатидан қонун талабларига жавоб бермаслиги ва истеъмолга яроқсизлиги ҳақида 2022 йил 12 ноябрда 4-419/1-сонли экспертиза хулосаси тузилган.

Шунга кўра, жавобгар томонидан олинган маҳсулотнинг бу қисми чегириб ташлаб, тўлов амалга оширилган.

Шартноманинг 6.6-бандига асосан маҳсулотни қабул қилишда унинг камомади (комплектсизлиги) ёхуд сифати тегишли қонун талабларига жавоб бермаслиги аниқланса, маҳсулотни қабул қилувчи тараф:

- низоли масалалар ҳал бўлгунига қадар олинган маҳсулотнинг талабларга жавоб бермайдиган қисмидан фойдаланмаслиги;

- камчилик аниқланган вақтдан бошлаб бу ҳақда 24 соат ичида маҳсулот етказиб берувчига ёзма хат юбориши лозим бўлган.

ФК 446-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ сотиб олувчи (олувчи) ўзи қабул қилган товарни қонунчиликда, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш

муомаласи одатларида белгиланган муддатда кўздан кечириши лозим.

Ушбу Кодекс 451-моддасининг биринчи қисмига кўра тегишли даражада сифатли бўлмаган товарлар етказиб берилган сотиб олувчи (олувчи) маҳсулот етказиб берувчига ушбу Кодекснинг 434-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли, етказиб берилган товарларнинг сифатсизлиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш олган маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган товарларни тегишли даражада сифатли товарлар билан дарҳол алмаштирган ҳоллар бундан мустасно.

Тақдим этилган ҳужжатлардан кўринишича, маҳсулот жавобгарнинг вакилига 2022 йил 18 октябрда тоширилган. Аммо жавобгарнинг вакиллари маҳсулотнинг сифатсизлиги аниқланган вақтдан бошлаб бу ҳақда 24 соат ичида маҳсулот етказиб берувчига ёзма хат юбормаган. Қолаверса, шартноманинг 6.6-бандини бузган ҳолда маҳсулотни қабул қилишда унинг сифати тегишли қонун талабларига жавоб бермаслиги аниқлансада, низоли масала ҳал бўлгунига қадар олинган маҳсулотнинг талабларга жавоб бермайдиган қисмидан фойдаланмай турмаган.

Мазкур ҳолатда суд жавобгарга етказиб берилган маҳсулот белгиланган талабларга жавоб бермаслиги ҳақидаги тақдим этилган ҳужжатларни маҳсулот етказиб берувчининг айбини исботловчи ҳужжатлар сифатида қабул қила олмайди.

Шу сабабли суд даъво талабларини қаноатлантиришни ҳамда суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, “Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Битимнинг 4-моддасини, Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг 15, 55-моддаларини, Фуқаролик кодексининг 8, 234, 236, 437, 446, 451-моддаларини ва Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 74, 118, 176, 179, 229-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар “Шаффоф” хусусий корхонасининг даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Gold star Inc.Co” компаниясидан даъвогар “Шаффоф” хусусий корхонаси фойдасига 21 603 АҚШ доллари асосий қарз, 2 163 АҚШ доллари миқдорида суд харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Сирдарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти бериши, протурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

Ф.И.Ш.

*Пул маблағини ундириш ҳақи-
да ҳал қилув қарори намунаси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

000-сонли иқтисодий иш

2023 йил 31 май

Тошкент вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати суд биносида очик суд мажлисида раислик этувчи Ф.Саттаров,

суд мажлиси котиби Б.Жавлоновдан иборат таркибда, даъвогар вакили – бош юрисконсулт С.Расулов (2022 йил 24 октябрдаги 1627/01-06-к-сонли ишончнома асосида),

жавобгар раҳбари П.Файзиев (шахсий маълумотнома асосида), адвокат А.Қаюмов (2022 йил 15 ноябрдаги ишончнома ва 2022 йил 16 ноябрдаги 806-сонли ордер асосида) иштирокида

даъвогар “ГИССАР” компаниясининг жавобгар “ASIAUZ” масъулияти чекланган жамиятидан 423 500 Евро ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича 000-сонли ишни иш ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар “ГИССАР” компанияси (Хитой Халқ Республикаси) ва Ўзбекистон Республикаси резиденти “ASIA-UZ” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 11 январда 85-сонли олди-сотди контракти (шартномаси) тузилган бўлиб, унга кўра даъвогар умумий қиймати 550 000 Евро бўлган трикотаж маҳсулотини етказиб бериш, жавобгар эса маҳсулотни қабул қилиш ва

унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига асосан сотиб олувчи шартнома тузилган кундан эътиборан 10 банк кунидан кечиктирмасдан шартнома қийматининг 30 фоизи (165 000 Евро) миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилиши, маҳсулотнинг қолган қиймати маҳсулотни қабул қилиб олганидан кейин 30 банк куни ичида тўлаб бериши, 4.1-бандига кўра эса сотувчи маҳсулотни олдиндан тўлов сотувчининг ҳисобрақамига келиб тушган кундан эътиборан 30 банк куни ичида етказиб бериш кўрсатилган.

Шартнома шартларига биноан сотиб олувчи томонидан 2021 йил 20 январда 07-сонли тўлов топшириқномаси билан сотувчининг ҳисобрақамига 165 000 Евро ўтказиб берилган, сотувчи эса 2021 йил 17 февралда 85-1/2020-сонли инвойсга асосан қиймати 550 000 Евро бўлган маҳсулотни сотиб олувчига етказиб берган.

Бироқ, сотиб олувчи томонидан қабул қилиб олинган маҳсулотнинг қолган 385 000 Евро қиймати тўлаб берилмаган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 12.3-бандида етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлаши белгиланган.

Низони судгача ҳал этиш бўйича юборилган талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Тарафлар ўртасида тузилган контракт (шартнома)да ушбу контракт ижроси юзасидан юзага келган низоларни ҳал этиш тартиби назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда - ИПК деб юритилади) 239-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, агар жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган ёки яшаётган бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жавобгарнинг мол-мулки бўлса Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари иқтисодиёт соҳасида чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар (бундан буён матнда чет эллик шахслар деб юритилади) иштирокида юзага келадиган низолар бўйича ишларни кўриб чиқади.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туриши сабабли мазкур низони кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларнинг ваколатига киради.

ИПК 33-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, юридик шахсларга нисбатан давволар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

Шунингдек, ИПК 32-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисига биноан Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари тарафлардан бири Ўзбекистон Республикаси норезиденти - чет эл шахси бўлган ишларни кўради.

Жавобгар Тошкент вилояти, Пискент тумани, “Ўрикзор” МФЙ ҳудудида давлат рўйхатидан ўтган ва шунинг учун мазкур иш Тошкент вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига тегишли.

Бундан ташқари, тарафлар ўртасида тузилган контракт (шартнома)да ушбу контракт ижроси юзасидан юзага

келган низоларни ҳал этишда қўлланилиши лозим бўлган қонунчилик назарда тутилмаган.

ИПК 13-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд ишларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

Мазкур ҳолатда ушбу ишни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

Олди-сотди муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда - ФК деб юритилади) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Халқаро товарлар олди-сотдиси шартномалари тўғрисида”ги Конвенцияси (1980 йил 11 апрель, Вена) (кейинги ўринда - Вена Конвенцияси деб юритилади) билан тарибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 294-І-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вена Конвенциясига қўшилган ва Ўзбекистон учун ушбу Конвенция 1997 йил 1 декабрдан кучга кирган.

Хитой Халқ Республикаси ҳам Вена Конвенциясига 1986 йил 11 декабрда қўшилган ва Хитой давлати учун ушбу Конвенция 1998 йил 1 январдан кучга кирган.

Шунинг учун мазкур низони ҳал этишда ФК ва Вена Конвенциясининг нормалари қўлланилади.

ФК 234-моддасининг иккинчи қисми ва 236-моддасига биноан мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади ва улар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай

шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари олди-сотди шартномасидан келиб чиққан.

ФК 386-моддасининг биринчи қисмига кўра олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан даъвогар жавобгарга қиймати 550 000 Евро бўлган маҳсулотни етказиб берган.

Бироқ, сотиб олувчи томонидан етказиб берилган маҳсулот учун 165 000 Евро тўлаб берилган ва маҳсулотнинг қолган 385 000 Евро қиматини тўлаб берилмаган, натижада сотувчи олдида 385 000 Евро қарздорлик вужудга келган. Бу ҳолат ишдаги далиллар ва жавобгар вакилининг кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топади.

ФК 419-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, агар сотиб олувчи олди-сотди шартномасини бузган ҳолда товарни қабул қилиш ва ҳақини тўлашдан бош тортса, сотувчи ўз ихтиёрига кўра товар ҳақини тўлашни талаб қилиш ёки шартномани бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Вена Конвенциясининг 59моддасига кўра, сотиб олувчи сотувчининг сўровисиз ёки бошқа бирорбир формал ҳаракатни амалга оширмасдан сотиб олувчи шартномада белгиланган муддатда ёки ушбу Конвенцияга мувофиқ аниқланиши мумкин бўлган муддатда товар нархини тўлаб бериши лозим.

Ушбу Конвенциянинг 62моддасида сотувчи сотиб

олувчидан товар ҳақини тўлашни, товарни қабул қилишни ва бошқа мажбуриятларни бажаришни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Суд ФК ва Вена конвенцияси нормалари асосида даъвогарнинг жавобгардан 385 000 Евро миқдордаги қарзни ундириш асосли деб ҳисоблайди.

ФК 261-моддасининг учинчи қисми ва 262-моддасига кўра, қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланиши, неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиши керак.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 12.3-бандида етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлаши белгиланган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига кўра, сотиб олувчи шартнома тузилган кундан эътиборан 10 банк кунидан кечиктирмасдан шартнома қийматининг 30 фоизи (165 000 Евро) миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилиши, маҳсулотнинг қолган қиймати маҳсулотни қабул қилиб олганидан кейин 30 банк куни ичида тўлаб бериши лозим бўлган.

Шартнома шартларига биноан сотиб олувчи томонидан олдиндан тўлов амалга оширилганидан кейин 2021 йил 17 февралда сотувчи 85-1/2020-сонли инвойсга асосан қиймати 550 000 Евро бўлган маҳсулотни сотиб олувчига етказиб берган.

Мазкур ҳолатда жавобгар етказиб берилган маҳсулотнинг қолган 385 000 Еврони 30 банк куни, яъни 2021 йил 26 мартгача тўлаб бериши лозим бўлган.

Аммо, жавобгар ушбу мажбуриятини бажармаган ва даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилгунга (2021 йил 20 июнь)га қадар тўлов амалга ошириш 85 кунга кечиккан бўлиб, пеня суммаси 163 625 (385 000 x 0,5% x 85) Еврони ташкил қилган.

Бироқ, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 12.3-бандида пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги белгиланганлиги сабабли даъвогар асосли равишда жавобгардан 38 500 (385 000 x 10%) Евро миқдорида пеня ундиришни сўраган.

ФК 326-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар тўлашни лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-бандида ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга

ҳақли эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ушбу нормаларга асосланиб ва ундирилиши сўралган пеня кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги ҳамда тарафларнинг мулкӣ аҳволини инobatга олиб, неустойка миқдорини камайтиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 20 000 Евро миқдорида пеня ундиришни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг олтинчи қисмига асосан агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонунчиликда белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, “Халқаро товарлар олди-сотдиси шартномалари тўғрисида”ги Вена Конвенциясининг 59, 62-моддаларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15, 55-моддаларини, Фуқаролик кодексининг 8, 234, 236, 386, 419-моддаларини ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 13, 32, 33, 118, 176-180-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Даъвогар “ГИССАР” компаниясининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “ASIA-UZ” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар “ГИССАР” компанияси фойдасига 385 000 Евро асосий қарз, 20 000 Евро пеня ундирилсин.

Жавобгар “ASIA-UZ” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар “ГИССАР” компанияси фойдасига 8 470 Евро

давлат божи, 24 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бир ойлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Тошкент вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

Ф.И.Ш.

халқаро тижорат арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажримга нисбатан берилган шикоят бўйича қарор намунаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И**

000-сонли иқтисодий иш

2023 йил 15 май

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати суд биносида очиқ суд мажлисида

Раислик этувчи Ж.Каримов,
ҳайъат аъзолари Г.Расулова, Э.Мардонов, суд мажлиси котиби С.Жуманиёзовдан иборат таркибда,

жавобгар вакиллари Ш.Вахобов (2023 йил 14 апрелдаги 176-сонли ишончнома ва 2023 йил 6 майдаги №11/2022-хс-сонли ордер асосида) ва Ч.Авазов (2022 йил 14 апрелдаги 177-сонли ишончнома ва 2023 йил 16 апрелдаги 11/2022-хс-сонли ордер асосида),

аризачи вакили Д.Остонов (2023 йил 1 апрелдаги 435-сонли ишончнома асосида)лар иштирокида ариза-чи “АИДА” компаниясининг жавобгар “ВОСТОК” шўъба корхонасига нисбатан Россия Федерацияси Савдо-санотат палатаси ҳузуридаги халқаро тижорат арбитраж судининг 2021 йил 7 октябрдаги ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризаси бўйича Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг

2023 йил 14 апрелдаги ажрими устидан жавобгар томонидан берилган апелляция шикоятини иш ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Аризачи “АИДА” компанияси (Германия Федератив Республикаси) ва жавобгар “ВОСТОК” шўъба корхонаси ўртасида 2015 йил 30 майда тузилган шартномага асосан аризачи томонидан жавобгарга тиббий, спорт ва бошқа жиҳозлар етказиб берган ҳамда ходимлар малакасини ошириш ишларини бажарган.

Бироқ, жавобгар шартнома бўйича тўлов мажбуриятларини лозим даражада бажармаган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 10.4-бандида низо Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги халқаро тижорат арбитраж судида унинг Регламентига мувофиқ кўрилиши қайд этилган.

Шунга кўра, аризачи арбитраж судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 268 701 Евро миқдорида асосий қарз, тўлов кечиктирилганлиги учун 608 038 Евро пеня, шунингдек бошқа харажатларни зарар сифатида ундиришни сўраган.

Арбитраж судининг 2021 йил 7 октябрдаги ҳал қилув қарори билан “АИДА” компанияси фойдасига шўъба корхонасидан 268 701 Евро асосий қарз, тўлов кечиктирилганлиги учун 364 822 Евро пеня ҳамда 200 000 Россия рубли ва 28 378 АҚШ доллари миқдорида арбитраж харажатлари ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Жавобгар томонидан арбитраж судининг ҳал қилув қарори ихтиёрий равишда ижро этилмаганлиги учун аризачи арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва

ижрога қаратиш ҳақида иқтисодий судга ариза билан муурожаат этган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 14 апрелдаги ажрими билан аризаачининг талаби қаноатлантирилиб, арбитраж судининг 2021 йил 7 октябрдаги ҳал қилув қарори тан олинган ва ижрога қаратилиб, ижро варақаси берилган.

Мазкур ажримдан норози бўлиб, жавобгар Олий судга апелляция шикоятини билан муурожаат қилган.

Апелляция шикоятида ажримни бекор қилиш ва аризаачини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўралган.

Бунга асос қилиб апелляция шикоятида аризаачини имзолаш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганлиги, жавобгар арбитраж муҳокамаси ҳақида огоҳлантирилмаганлиги, арбитраж судининг таркиби арбитраж бўлиб ўтган мамлакат қонунига мос келмаслиги кўрсатилган.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, апелляция шикоятида келтирилган ваъжаларни иш ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда - ИПК деб юритилади) 248-моддасининг биринчи қисмига асосан чет давлатлар судларининг ва арбитражларининг иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар ҳамда бошқа ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, агар бундай қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари ҳамда қонунчилигида назарда тутилган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан тан олинади ва ижрога қаратилади.

“Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида” 1958 йил 10 июндаги НьюЙорк Конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси томонидан 1996 йил 7 февралда ратификация қилинган ва 1996 йил 7 майдан кучга кирган) нинг 3-моддасига асосан шартнома тузган ҳар бир иштирокчи давлат арбитраж қарорининг мажбурийлигини тан олади ва ушбу қарорларни Конвенция моддаларида белгиланган шартларда тан олиниши ва ижро этилиши сўралаётган ҳудуднинг процессуал нормаларига мувофиқ ижрога қаратади. ИПКнинг 256-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси-нинг иқтисодий суди ҳал қилув қарори ўзига қарши қаратилган тарафнинг аризасига кўра, чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад қилади, агар тараф:

1) арбитраж битимининг тарафлари ўзларига нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича қайсидир даражада муомалага лаёқатсиз бўлганлигини ёки арбитраж битимини унинг тарафлари қайси қонунга бўйсундирган бўлсалар, ўша қонун бўйича, бундай кўрсатма мавжуд бўлмаганда эса ҳал қилув қарори чиқарилган мамлакатнинг қонуни бўйича ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳал қилув қарори ўзига қарши қаратилган тараф арбитраж тайинланганлиги тўғрисида ёки арбитраж муҳокама-си тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини;

3) арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шартида назарда тутилмаган ёки уларнинг шартига тегишли бўлмаган низо бўйича ҳал қилув қарори чиқарилганлигини ёхуд арбитраж битими ёки арбитраж

ҳақидаги шартнома шартидан ташқари чиқадиган масалалар бўйича қарор мавжудлигини, бундан арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шarti доирасидаги масалалар бўйича қарорлар қамраб олинмаган масалалар бўйича қарорлардан ажратиб олиниши мумкин бўлган ҳоллар мустасно;

4) арбитраж органининг таркиби ёки арбитраж процесси тарафларнинг келишувига мувофиқ келмаганлигини ёки бундай шарт бўлмаса, арбитраж бўлиб ўтган мамлакат қонунига мос келмаганлигини;

5) ҳал қилув қарори тарафлар учун якуний бўлмаганлигини ёки у қабул қилинган ва қонуни қўлланилаётган давлатнинг ваколатли органи томонидан бекор қилинганлигини ёхуд ижроси тўхтатилганлигини;

6) низо ваколатли бўлмаган чет давлат арбитражи томонидан ҳал этилганлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этса.

Шунингдек, чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш қўйидаги ҳолларда рад қилиниши мумкин, агар:

1) низо объекти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича арбитраж муҳокамасининг предмети бўла олмаса;

2) ушбу ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зид бўлса ёки унга таҳдид солса;

3) чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш муддати ўтган бўлса.

Мазкур ҳолатда арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш учун бундай асослар бўлмаганлиги сабабли биринчи инстанция суди асосли равишда компаниянинг аризасини қаноатлантирган.

Бироқ, суд ўз ажримини асослантиришда **“Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”** 1992 йил 20 мартдаги Киев битимини нотўғри қўллаган. Чунки, мазкур битим Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ваколатли давлат судларни қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш масалаларини тартибга солади. Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги халқаро тижорат арбитраж суди эса ваколатли давлат суди ҳисобланмайди.

Шунга кўра, биринчи инстанция суди ажримнинг асослантирувчи қисмидаги Киев битимининг 9-моддасини Нью-Йорк конвенциясининг 5-моддаси билан алмаштириш лозим бўлади.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг ариза уни имзолаш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганлиги, унга берилган ишончномада бундай аризани имзолаш ваколати берилмаганлиги ҳақидаги важлари билан келиша олмайди.

Чунки, аризачи томонидан берилган 2022 йил 25 майдаги ишончномада судларга тегишли аризалар тақдим қилиш, судга ижро ҳужжатини бериш ҳақидаги аризани имзолаш ва судга тақдим қилиш ваколати берилган.

ИПКнинг 63-моддасида ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризани имзолаш учун ишончномада бу ҳақда алоҳида кўрсатилиши назарда тутилмаган.

Шунингдек, апелляция шикоятдаги қўшимчасида арбитраж суди қарор қабул қилишда Вена конвенцияси нормалари қўллаб, шартноманинг 10.3-бандига биноан қўлланиши лозим бўлган Россия Федерациясининг қонунчилигини қўлламаганлиги ҳақида ҳам важлар келтирилган.

Арбитраж қароридан кўринишича, арбитражлар ҳайъати тарафлар ўртасида тузилган шартнома ўзининг хусусиятига

кўра таркибига халқаро олди-сотди ҳуқуқи нормаларини ўз ичига олганлиги, халқаро ҳуқуқ миллий қонунчиликдан устун бўлганлиги сабабли Вена конвенцияси нормаларини қўллаш ҳақидаги хулосага келган. Қолаверса, ИПКнинг 256-моддасида чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад қилиш асосларининг тўлиқ рўйхати келтирилган бўлиб, арбитраж судининг шартномада қўллаш белгиланган ҳуқуқ билан боғлиқ шартларнинг бузилиши арбитраж қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш учун асос бўлмайди.

ИПК 278-моддасининг 3-бандига кўра, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ҳақли.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, биринчи инстанция судининг ажримини ўзгартиришни ҳамда суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, “Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида” ги Нью-Йорк Конвенциясининг 3-моддасини, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15, 55-моддаларини ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 63, 66, 74, 118, 256, 278-280-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Жавобгар “ВОСТОК” шўъба корхонасининг апелляция шикоятини қаноатлантириш рад этилсин.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 14 апрелдаги ажрими ўзгартирилсин.

Ажримнинг асослантирувчи қисмидаги Киев битимининг 9-моддаси Нью-Йорк конвенциясининг 5-моддаси билан қуйидаги мазмунда ўзгартирилсин:

“1. Арбитраж қарорини тан олиш ва ижро этиш, унга қарши юборилган томоннинг илтимосига биноан рад этилиши мумкин, агар бу томон тан олиниши ва ижро этилиши талаб қилинадиган жойда ваколатли ҳокимиятни тақдим этса, бу:

а) 2-моддада кўрсатилган битимдаги томонлар уларга нисбатан қўлланиладиган қонунга кўра ҳар қандай даражада муомалага лаёқатсиз бўлган ёки ушбу битим тарафлар ушбу битимга бўйсунган қонунга кўра ҳақиқий бўлмаган, бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда эса - қарор чиқарилган мамлакат қонунига кўра ёки

б) қарор унга қарши қабул қилинган томон ҳакамнинг тайинланиши ёки ҳакамлик муҳокамаси тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаган ёки

с) ушбу қарор арбитраж шартномаси ёки шартномадаги арбитраж моддаси шартларида назарда тутилмаган ёки назарда тутилмаган низо бўйича чиқарилган ёки арбитраж шартномаси ёки шартномадаги арбитраж моддаси чегарасидан ташқарига чиқадиган масалалар бўйича қарорларни ўз ичига олгани, аммо агар ҳакамлик битими ёки банд билан қамраб олинган масалалар бўйича қарорлар бундай келишув ёки банд билан қамраб олинмаганлардан бошлаб, ҳакамлик судининг масалалар бўйича қарорларни ўз ичига олган қисми, шартномадаги арбитраж шартномаси ёки арбитраж моддаси билан қамраб олинган, тан олиниши ва ижро этилиши мумкин ёки

д) арбитраж органининг таркиби ёки арбитраж жараёни томонларнинг келишувига мос келмаган ёки улар бўлмаган тақдирда арбитраж содир бўлган мамлакат қонунига мос келмаган ёки қарор томонлар учун ҳали якуний бўлмаган бўлса ёки у чиқарилган мамлакатнинг ёки

қонуни қўлланиладиган мамлакатнинг ваколатли ҳокимияти томонидан ижро этилиши билан екор қилинган ёки тўхтатилган бўлса.

2. Агар тан олиш ва ижро этишни талаб қиладиган мамлакатнинг ваколатли ҳокимияти қуйидаги ҳолда ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижро этиш рад этилиши мумкин:

а) низо объекти ушбу мамлакат қонунларига мувофиқ ҳакамлик муҳокамаси мавзуси бўлиши мумкин эмаслиги ёки

б) ушбу қарорни тан олиш ва амалга ошириш ушбу мамлакатнинг оммавий тартибига зид бўлса.”

Ажримнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Қарордан норози томон ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация шикояти бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

Судьялар

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья У. Латипов

000-сонли иш

Апелляция инстанцияси судида
да маърузачи судья Ҳ.Турсунов

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING Қ А Р О Р И

Қарши шаҳри

2023 йил 12 сентябрь

Қашқадарё вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида раислик қилувчи М.Базаров, ҳайъат аъзолари судьялар Н.Хўжақулов ва Ҳ.Турсуновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Холмоновнинг котиблигида жавобгар “CLUSTER KHILAL” масъулияти чекланган жамиятининг Қарши туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 10 майдаги ҳал қилув қарорига нисбатан берган апелляция шикояти бўйича ишни даъвогар “Салимов Абдужаббор” фермер хўжалиги раҳбари А.Йўлдошев (шахсий маълумотнома асосида), вакили Б.Тошев (ишончнома асосида) (жавобгар иштирокисиз) лар иштирокида суд биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Қарши туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши даъвогар “Салимов Абдужаббор” фермер хўжалиги манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “CLUSTER KHILAL” масъулияти чекланган

жамиятидан 205 951 275 сўм асосий қарз, 30 892 691 сўм жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 10 майдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 205 951 275 сўм асосий қарз, 8 200 000 сўм жарима, 30 000 сўм почта харажати ҳамда республика бюджетига 4 530 929 сўм давлат божи ундирилган.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Жавобгар томонидан берилган апелляция шикоятда ҳал қилув қарорини бекор қилиш сўралган.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилининг тушунтиришларини эшитиб, апелляция шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамаси давомида

аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, тарафлар ўртасида 2022 йил 10 январда 49-сонли “Пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича” шартномаси тузилган бўлиб, мазкур шартноманинг 1.1-бандида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сонли қарори ижросини таъминлаш билан “Хўжалик” 2022 йилнинг бизнес-режасига асосан 18 гектар майдондан 58,3 тонна пахта хом ашёсини “харидор”га етказиб бериш, “харидор” эса ушбу маҳсулотларни келишилган муддатда қабул қилиб олиш ва муайян нарх бўйича ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шартнома мажбуриятдан келиб чиқиб, “хўжалик” “харидор”га 2022 йил 21 октябрдаги 2-сонли ҳисоб-фактура билан 387 065 192,09 сўмлик, 2022 йил 23 октябрдаги 3-сонли ҳисоб-фактура билан 60 811 650 сўмлик, 2022 йил 29 октябрдаги 3-сонли ҳисоб-фактура билан 13 814 450 сўмлик ва 2022 йил 30 ноябрдаги 6-сонли ҳисоб-фактура билан 4 786 318 сўмлик жами 466 477 610 сўмлик 46,54 тонна пахта хом ашёсини топширган бўлиб, “харидор” эса ушбу пахта хом ашёсини тегишли ҳисоб-фактуралар билан минерал ўғит, нефть ва бошқа маҳсулотлар ҳамда кўрсатилган хизматлар бўйича ўзаро-ҳисоб китоб натижаси тўловлар қисман амалга оширилганли сабабли 205 951 275 сўм миқдоридида маҳсулот ҳақи тўланмасдан қолган.

Шартноманинг 4.5-бандида “харидор” “хўжалик”га етказиб берилган маҳсулот қийматининг 100 фоиз ҳисобидан терим учун юборилган пуллар ва бошқа харажатлар чегирилгандан қолган қисми кейинги йилнинг 31 январига қадар тўлаб берилиши назарда тутилган бўлса-да,

жавобгар шартларига лозим даражада риоя қилмаганлиги оқибаотида қарздорлик вужудга келган.

Мазкур ҳолат бўйича юборилган талабнома ижроси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди низони ишдаги далиллар, шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, даъво талабини қисман қаноатлантиришни тўғрисида асосли хулосага келган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда – ФК деб юритилади)нинг 234-моддасига мувофиқ мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак, 237-моддасига асосан мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

ФКнинг 238-моддасига мувофиқ мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт.

ФКнинг 465-моддасига асосан контракция

шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга - тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Етказилган маҳсулотлар ва қарздорлик ҳолати ишдаги ҳисоб-фактуралар билан ўз тасдиғини топган.

Шу сабабли биринчи инстанция суди асосий қарз ундириш талабини тўлиқ қаноатлантириш ҳақида асосли хулосага келган.

Шунингдек, даъво талабида “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига асосан жавобгардан 15 фоиз миқдоридан 30 892 691 сўм жарима ундириш ҳам сўралган.

Биринчи инстанция суди даъво талабининг ушбу қисмини шартнома шартлари асосида муҳокама қилиб, даъвогар жавобгарга нисбатан асосий қарз бўйича 10 фоизи миқдоридан (20 595 127 сўм) жарима талаб қилишга ҳақли эканлигини инобатга олиб ва ўз ваколатидан келиб чиқиб, жарима миқдорини 8 200 000 сўмга камайтириш ҳақида асосли хулосага келган.

Сабаби, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 5.4-бандида мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда бўнак (аванс) маблағларини, топширилган (юклаб жўнатилган) пахта хом ашёси ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товлаганлиги учун “харидор” “хўжалик”-га асоссиз тўлашдан бўйин товлаган сумманинг 10 фоиз миқдорда жарима тўлаши назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик (Олий суд) суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли Қарорининг 1-бандида судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шартлиги, 4-бандида ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

ИПКнинг 66-моддасига кўра иш бўйича далиллар ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда

иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

ИПКнинг 68-моддасига асосан ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши шарт.

ИПКнинг 72-моддасига кўра қонунчиликка мувофиқ муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас.

Ушбу кодекснинг 74-моддасига мувофиқ суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи-назаридан, далилларнинг йиғиндиси эса етарлилиги нуқтаи-назаридан баҳоланиши лозим. Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб тан олинади.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

ИПКнинг 278-моддаси биринчи қисми биринчи бандига кўра, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

ИПК 279-моддасининг биринчи қисмига асосан ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асоси кўрсатилган.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ иқтисодий судларга апелляция ва кассация тартибида берилган шикоятлардан биринчи инстанция судида кўриб чиқиш

учун аризалар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши лозимлиги қайд этилган.

Ўқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини эса қаноатлантормасдан қолдиришни ҳамда олдиндан тўланган суд харажатларини жавобгар зиммасида қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15, 55-моддаларини, Фуқаролик кодексининг 234, 236, 238, 465-моддаларини ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 68, 72, 74, 118, 278-280-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Қарши туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 10 майдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Олдиндан тўланган суд харажатлари жавобгар “CLUSTER KHILAL” масъулияти чекланган жамияти зиммасида қолдирилсин.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Мазкур қарордан норозитомон Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят (протест келтириши) бериши мумкин.

Раислик қилувчи
Ҳайъат аъзолари

(ИМЗО)

(ИМЗО)

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

Ф.И.Ш.

Ф.И.Ш.

Биринчи инстанцияда ишни кўришда маърузачи судья	С.Мардонов
Апелляция инстанциясида маърузачи судья	Ф.Хайитов
Кассация инстанциясида маърузачи судья	М.Каримов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING
Қ А Р О Р И**

000-сонли иқтисодий иш

2023 йил 31 май

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати суд биносида очиқ суд мажлисида

Раислик этувчи Х.Ёриев,
ҳайъат аъзолари Ж.Салимов, М.Каримов,
суд мажлиси котиби Ф.Камиловдан иборат таркибда,
даъвогар вакили – адвокат Р.Рустамов (2023 йил
10 февралдаги 10-сонли ордер асосида),
жавобгар вакили – адвокат Ж.Саттаров (2023 йил
8 февралдаги 5-сонли ордер асосида)лар иштирокида
даъвогар “LEADER-UZ” компаниясининг жавобгар
“DEVELOPMENT” масъулияти чекланган жамияти шаклида-
ги хорижий корхонасидан 233 956 АҚШ доллари ундириш
тўғрисидаги даъво аризаси бўйича 000-сонли иш юзасидан
қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқти-
содий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 24 фев-
ралдаги қарори устидан жавобгар “DEVELOPMENT” масъу-
лияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонаси

томонидан берилган кассация шикоятини иш ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар “LEADER-UZ” компанияси билан жавобгар “DEVELOPMENT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона ўртасида 2020 йил 20 октябрда пудрат шартномаси тузилиб, унга кўра даъвогар жавобгарнинг буюртмасига асосан шартномада кўрсатилган ишларни бажариш, жавобгар эса бажарилган ишларни қабул қилиб, келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг умумий қиймати 3 388 537 АҚШ долларини ташкил этиши белгиланган.

Даъвогар жавобгарга етказиб берилган инструментлар ҳақи ва ишларни бажариш давомида ишлатилган материаллар ҳақи тўланмаганлигини асос қилиб, Тошкент шаҳар судига даъво аризаси билан мурожаат қилган ва жавобгардан ишлатилган материаллар ҳамда қўл инструментлар учун 233 956 АҚШ доллари миқдорида тўловларни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъво аризасини имзолаган шахс – П.Сафаровнинг даъво аризасини имзолашга ваколати йўқ деб ҳисоблаб, 2022 йил 20 декабрдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда - ИПК деб юритилади) 107-моддасининг 3-бандига асосан даъво аризасини кўрмасдан қолдирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 24 февралдаги қарори билан Тошкент шаҳар судининг ажрими бекор қилиниб, иш биринчи инстанция

судида кўриб чиқиш учун юборилган. Кассация шикоятда апелляция инстанцияси суди томонидан ноқонуний ва асослангирилмаган қарор қабул қилинганлиги, биринчи инстанция суди даъво аризасини асосли кўрмасдан қолдирганлиги, ИПКда суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўла олмайдиган сабаблар билан ажрим бекор қилганлигини баён қилиниб, апелляция инстанцияси суди қарорини бекор қилиш ҳамда биринчи инстанция судининг ажримини ўз кучида қолдириш сўралган.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра кассация шикоятини қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъво аризаси “LEADERUZ” компаниясининг (Туркия Республикаси) Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси директори фуқаро П.Сафаров томонидан имзоланган. Компаниянинг мулкдори мазкур фуқарога 2020 йил 21 ноябрь куни ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқи билан ишончномани тақдим қилган. Мазкур ишончномага “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи” Конвенцияси (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) ва ИПКнинг 246-моддаси талабларига асосан апостиль қўйилган. Мазкур ишончноманинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда – ФК деб юритилади)нинг 139-моддасига кўра ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Шунга кўра, 2020 йил 21 ноябрдаги ишончноманинг

амал қилиш муддати 2021 йил 20 ноябрда тугаган. Даъво ариза эса 2022 йил 21 ноябрда судга тақдим этилган.

Бундан ташқари, доимий муассаса юридик шахс маконига эса эмас. Шунинг учун доимий муассаса раҳбарининг даъво аризасини ишончномасиз имзолаш ваколатига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 36-моддасида доимий муассасасига таъриф берилган, шу жумладан, ушбу Кодекснинг мақсадларида чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикасидаги тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман қайси доимий фаолият жойида амалга ошираётган бўлса, ўша жой чет эл юридик шахсининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деб эътироф этилиши белгиланган.

ФК 141-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, ишончноманинг амал қилиши ишончнома муддатининг тамом бўлиши бекор бўлиши назарда тутилган.

Мазкур ҳолатда доимий муассаса директорида даъво аризасини ишончномасиз имзо қўйиш ваколоти мавжуд бўлмаган.

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида рус ва турк тилларида ёзилган яна битта ишончнома мавжуд. Турк тилида ёзилган ишончноманинг берилган санаси 2020 йил 1 ноябрь деб кўрсатилган, рус тилидаги вариантыда эса 2022 йил 1 ноябрь деб кўрсатилган. Ишончноманинг амал қилиш муддати уч йил деб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, агар ишончномага апостиль қўйилган бўлса, мазкур ишончнома имзо қўйишга ваколатини тасдиқлаши мумкин бўлар эди.

Бироқ, ушбу ишончноманинг бирортасига ҳам апостиль қўйилмаган.

“Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш

талабини бекор қилувчи” Конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 апрелдаги ЎРҚ279-сон “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонунига асосан қўшилган) 3моддасига кўра, имзонинг ҳақиқийлиги ҳужжатни имзолаган шахс иштирок этган ваколатини ва тегишли ҳолатда ушбу ҳужжат муҳр ёки штампнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган ягона расмиятчилик – бу апостилнинг 4моддасида назарда тутилган давлатнинг ваколатли органи томонидан муҳрланиши амалга оширилади.

Шу билан бирга, агар ҳужжат тақдим этилган давлатда амалдаги қонунлар, қоидалар ёки урфодатлар ёинки икки ва ундан ортиқ аҳдлашувчи давлатлар ўртасидаги келишув ушбу процедурани бекор қилса ёки соддалаштирса ёки ҳужжатни қонунийлаштиришдан озод қилса, олдинги хатбошида кўрсатилган функцияни бажариш талаб қилинмайди.

Конвенциянинг 4моддасида 3модданинг биринчи хатбошида назарда тутилган апостиль ҳужжатнинг ўзида ёки ҳужжат билан маҳкамланган алоҳида варақда ёпиштирилади, у ушбу Конвенцияга илова қилинган намунага мос бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Мазкур ҳолатда апостиль қўйилишидан озод этадиган икки ёки ундан ортиқ аҳдлашувчи давлатлар ўртасидаги келишув мавжуд эмас.

ИПК 246-моддасининг биринчи қисмига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида чет

давлатлар муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси муассасалари, ташкилотлари ва фуқароларига ёки чет эллик шахсларга нисбатан чет эл ҳуқуқи нормалари бўйича белгиланган шакл бўйича берилган, тузилган ёки тасдиқланган ҳужжатлар, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ёки Ўзбекистон Республикаси ҳамда бу ҳужжатлар келиб чиққан муассасалар ва ташкилотларнинг давлати иштирокчи бўлган халқаро шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан фақат консуллик легаллаштируви мавжуд бўлганда ёхуд уларга апостиль қўйилган бўлса қабул қилинади.

Ушбу ҳолатда даъво аризаси имзо қўйишга ваколати бўлмаган шахс томонидан имзоланган.

ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, даъво аризаси имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Бундан кўринадики, биринчи инстанция суди асослан-тирилган ажрим чиқарган бўлса-да, апелляция инстанцияси суди уни бекор қилиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

ИПК 302-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПК 301-моддасининг 6-бандида кассация инстанцияси суди айрим суд ҳужжатларини бекор қилиш ва иш

бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

ИПК 305-моддаси учинчи қисмининг 2-бандига кўра, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ажримини, қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартиришга ёки бекор қилишга ёхуд илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли.

ИПК 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация шикоятни бериш билан боғлиқ ҳолда қилган суд харажатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади. “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддаси (ундириш объектлари) биринчи қисмининг 2-бандида даъво-ни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан давлат божи ундирилиши белгиланган. Шунга кўра, даъво ари-засини судга тақдим қилишда даъвогар томонидан тўлаб чиқилган давлат божи унинг зиммасида қолдирилади, кассация инстанцияси судида ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ 25 016 915 сўм давлат божи даъвогар ҳисобидан республика бюджетига ундирилади.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг кассация шикоятини қаноатлантиришни, апелляция инстанция судининг қарорини бекор қилишни ва биринчи инстанция судининг ажримини ўз кучида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи” Конвенциянинг 3, 4-моддаларини, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик

кодексининг 139, 141-моддаларини ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 74, 118, 301–305 моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Жавобгар “DEVELOPMENT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасининг кассация шикояти қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 24 февралдаги қарори бекор қилинсин. Тошкент шаҳар суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 20 декабрдаги ажрими ўз кучида қолдирилсин.

Даъвогар “LEADER-UZ” компанияси ҳисобидан республика бюджетига 25 016 915 сўм давлат божи ундирилсин.

Ижро варақа берилсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради. Қарордан норози томон ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосаларига ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Раислик қилувчи

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

Судьялар

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

Биринчи инстанцияда

ишни кўрган судья

А.Хуррамов

Апелляция инстанциясида

маърузачи судья

К.Ражабов

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ
ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И**

000-сонли иқтисодий иш

2023 йил 31 май

Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати суд биносида очиқ суд мажлисида

Раислик этувчи А.Рахмонов,

ҳайъат аъзолари С.Турғунова, К.Ражабов

суд мажлиси котиби Ж.Халиловдан иборат таркибда,

Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси Ф.Фурқатов, даъвогар вакили Ш.Расулов (2023 йил 25 апрелдаги 23-сонли ишончнома асосида)лар иштирокида

даъвогар “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар “САММЕР” масъулияти чекланган жамиятидан (Беларусь Республикаси) 30 000 АҚШ доллари ва қарор қабул қилинган кундаги рублнинг АҚШ долларига нисбатан курси бўйича эквивалент миқдорда моддий зарар ундириш тўғрисидаги 000-сонли иш бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 28 мартдаги ажрими устидан даъвогар томонидан берилган апелляция шикоятини иш ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамияти Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “САММЕР” масъулияти чекланган жамиятидан 30 000 АҚШ доллари ва қарор қабул қилинган кундаги рублнинг АҚШ долларига нисбатан курси бўйича эквивалент миқдорида моддий зарар ундиришни сўраган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 28 мартдаги ажрими билан низо иқтисодий судга тааллуқли бўлмаганлиги учун даъво аризаси бўйича иш юришти тугатилган.

Иш юзасидан чиқарилган биринчи инстанция судининг ажримидан норози бўлиб, даъвогар апелляция шикоят билан мурожаат қилган ва унда суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни сўраган. Бунга асос қилиб шикоятда жавобгарнинг ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасида расмий аккредитациядан ўтганлиги, ваколатхона раҳбарининг суд мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи тегишли ишончнома билан тасдиқланганлиги, шу сабабли ваколатхона раҳбари суд мажлисида жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиши мумкинлиги, суд томонидан ишни кўриб чиқишда қоғозбозликка йўл қўйилганлиги ва даъво аризаси икки ярим ойдан кейин кўриб чиқилиши белгиланганлиги тўғрисида важлар келтирилган.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни, биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилиб, иш бўйича янги қарор қабул қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар ва “STAR” масъулияти чекланган жамияти (Россия Федерацияси) ўртасида 2022 йил 25 июлда тузилган маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартнома шартига кўра сотувчи (даъвогар) сотиб олувчига сабзаёт ва мева маҳсулотларини етказиб бериш, сотиб олувчи эса етказиб берилган маҳсулотлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Мазкур шартноманинг бажарилишини таъминлаш мақсадида сотувчи ва ташувчи (жавобгар) “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамияти ўртасида халқаро қатновда юкларни автомобил транспортида ташиш бўйича хизмат кўрсатиш юзасидан 2022 йил 15 сентябрда 19/303-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра сотувчи маҳсулот қиймати 30 000 АҚШ долларига тенг бўлган 50 000 тонна гилосни автомобиль транспортида ташиш ва сотиб олувчи “САММЕР” масъулияти чекланган жамиятига етказиш учун ташувчига топшириши лозим бўлган.

Ташувчи томонидан товарларни ташиш жараёнида маҳсулотлар яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги, шу муносабат

билан даъвогар жавобгардан 30 000 АҚШ доллари ва қарор қабул қилинган кундаги Россия рублининг АҚШ долларига нисбатан курси бўйича 100 000 Россия рублининг АҚШ долларига эквивалент миқдорда яроқсиз ҳолга келган товар қиймати шаклидаги моддий зарарни ундириш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди ушбу низо Тошкент туманлараро иқтисодий судига тааллуқли эмаслиги ва у транспорт ташкилоти жойлашган ердаги судда кўриб чиқиши лозимлиги ҳақида хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда - ИПК деб юритилади) 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тугатган.

Мазкур ажримда ИПК 37-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ташувчига нисбатан йўловчилар, багаж ва юкларни ташиш бўйича шартномалардан келиб чиқадиган даъволар, шу жумладан, ташувчи жавобгарлардан бири бўлган ҳолатларда транспорт ташкилоти органи жойлашган ердаги судга тақдим қилиниши, даъвогарнинг танлови бўйича низони кўриб чиқишни белгилайдиган, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 8.1-бандида назарда тутилган шартнома бўйича судловга тегишлилик, ИПК 37-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган алоҳида судловга тегишлилик талабларига зид ҳисобланиши асос сифатида кўрсатилган. Суд ўз хулосасини транспорт ташкилотининг жойлашган жойи - Беларусь Республикаси бўлганлиги учун ушбу низо мазкур давлат судига тегишли эканлиги билан асослаган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилган деб ҳисоблаб, ИПКнинг 5-боби 2-параграфига кўра, низо Ўзбекистон Республикаси судига тааллуқли

деб ҳисоблайди. Чунки, тарафлар ўртасида халқаро қатновда юкларни автомобиль транспортида ташиш бўйича хизмат кўрсатиш ҳақида 2022 йил 15 сентябрда тузилган 19/303-сонли шартноманинг 2.1-бандида халқаро ташишни режалаштириш, ташкил этиш, амалга ошириш ва халқаро ташиш ҳақини тўлашда тарафлар **“Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида”**ги Конвенцияга (ЮЙТК) амал қилишлари белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 27 декабрда кучга кирган **“Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида”**ги Конвенциянинг (ЮЙТК) (Женева, 1959 йил 19 май) 1-моддасида мазкур Конвенция шарт нома тарафларининг яшаш жойи ва миллатидан қатъий назар, агар шартномада кўрсатилган юкни қабул қилиш ёки етказиб бериш жойи икки хил давлатда жойлашган, тарафларнинг ҳеч бўлмаганда бири Конвенцияга аъзо бўл са, ҳақ эвазига юкларни йўлларда ташиш тўғрисидаги ҳар қандай шартномага нисбатан қўлланилиши кўрсатилган. Мазкур Конвенция 31-моддасининг 1-бандига кўра, Конвенция тартибга солувчи, ташиш билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар юзасидан, томонлар келишган Конвенцияга аъзо мамлакатлар ҳудудидаги судлардан ташқари, ҳудудда қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда

мамлакат судларига мурожаат қилиши мумкин:

а) жавобгарнинг доимий яшаш жойи ёки транспорт шартномаси тузилган асосий иш жойи ёки филиали ёки агентлиги жойлашган бўлса;

б) юкни ташишга қабул қилиш жойи ёки етказиб бериш учун мўлжалланган жой жойлашган бўлса.

Шу сабабли апелляция инстанцияси суди биринчи

инстанция суди томонидан низо мазкур судга тааллуқли эмаслиги асоси билан иш юритишни тугатиш ҳақида нотўғри хулосага келган деб ҳисоблайди. Чунки, шартнома ва юқоридаги Конвенцияга мувофиқ даъвогар Тошкент шаҳар иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда судлов ҳайъати ушбу ишни апелляция инстанцияси судида мазмунан кўриб чиқилиши лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида 2022 йил 25 июлда UZEF0719-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра, даъвогар сотиб олувчига янги сабзавот ва мева товарни етказиб бериши, сотиб олувчи эса етказиб берилган товар учун тўловларни тўлаш мажбуриятини олган.

Товарни етказиб беришни амалга ошириш учун сотувчи ва ташувчи ўртасида 2022 йил 15 сентябрда халқаро ташувда автотранспорт билан юкни етказиб бериш хизматлари кўрсатиш ҳақида шартнома тузилган.

Мазкур шартномада сотувчи 30 000 АҚШ доллари миқдоридagi 18 тоннага тенг бўлган товарни автомобиль транспортида ташиш ва сотиб олувчига етказиб бериш учун ташувчига топшириши келишилган.

Сотувчининг маҳсулотлари 2022 йил 11 октябрда ташувчига тегишли рефрижераторда юборилган. Лекин, автотранспорт воситаси йўлда бузилганлиги натижасида Қозоғистон Республикаси ҳудудида 1 суткадан ортиқ таъмирлаш учун туриб қолган. Бу ҳақда ташувчи сотувчини хат орқали маълум қилган.

Рефрижератор 2022 йил 1 октябрда Москвага етиб келган. Рефрижератор сотиб олувчининг вакиллари билан биргаликда очилганда, рефрижератордаги ҳамма товар-

лар истеъмол учун яроқсиз ҳолга келганлиги аниқланган ва кейинчалик йўқ қилинган. Даъвогар жавобгарнинг айби билан маҳсулотлар яроқсиз ҳолга келганлиги асоси билан Тошкент шаҳар иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 30 000 АҚШ доллари миқдорида товар қийматида моддий зарар ва 100 000 Россия рубли миқдорида моддий зарар ундиришни сўраган.

Судлов ҳайъати даъвогарнинг жавобгардан 30 000 АҚШ доллари миқдоридаги товар қийматидаги моддий зарарни ундириш ҳақидаги даъво талабини асосли деб ҳисоблайди.

Чунки, сотувчи томонидан ташувчига маҳсулотлар яроқли (нормал) ҳолатда топширилган. Товарни қабул қилишда ташувчи томонидан сотувчига эътирозлар билдирилмаган. Товарнинг жўнатилиши иш материалларига илова қилинган БЮД ва инвойслар билан тасдиқланади. Товарни қабул қилишда етиб келган “RusSurvey” мустақил суғурта эксперт Бюро экспертлари томонидан 2021 йил 21 майда №RB2005194-сонли товарни кўздан кечириш ҳақида далолатнома тузилган.

“Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида”ги Конвенция (ЮЙТК) 11-моддасининг 4-банди d) кичик бандида ташувчи юкни йўқ бўлиши ёки шикастланиши айрим юкларнинг табиат билан узвий боғлиқ алоҳида хавф бўлганда, жумладан, занглаши, тўсатдан парчаланиши, қисқариши, тешилиши, нормал йўқолиши ёки паразит ёки кемирувчиларнинг ҳужуми натижасида содир бўлса, ташувчи жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Шунинг учун мазкур далолатномада ташувчи юкни етказиш давомида юзага келиши мумкин бўлган зиён (зарар) учун жавобгарликни олмаслиги ҳақида хулоса қилинган.

Бироқ, иш ҳужжатларида 2021 йил 21 майдаги сотиб

олувчи раҳбари С.Ж., ҳайдовчи А.А. и геодезик (сюрвейер) Т.Х. томонидан тузилган товарни кўздан кечириш тўғрисидаги далолатнома мавжуд бўлиб, унда ташувчининг хатига мувофиқ ташиш жараёнида рефрижератор - автомашинанинг борт компьютери ишлашида носозлик юзага келганлиги ва носозлик 2021 йил 14 майда барта раф қилинганлиги қайд этилган. Шунингдек, мазкур далолатномада геодезик томонидан мевалардаги ҳарорат ўлчанганлиги ва термолентада ҳароратда фарқ (перепад) бўлганлиги кўрсатилган. Натижада Қозоғистон Республикасида рефрижераторнинг бузилиши оқибатида автомашина йўлда аслида 4-5 кун бўлиш ўрнига 10 кун вақт давомида йўл босган.

Даъвогар жавобгар манзилига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаб билан талабнома юборган.

Низони судга ҳал этиш бўйича кўрилган чоралар натижа бермаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда - ФК деб юритилади)нинг 8, 234-моддарига мувофиқ мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳама ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 14-моддасида агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин.

Юқоридалардан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси суди жавобгар томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги, товарлар яроқсиз ҳолатда етказиб берилганлиги, бунинг оқибатида даъвогар жавобгарнинг айби билан қиймати 30 000 АҚШ доллари бўлган товар ташиш вақтида яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли, моддий зарар

кўрган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, даъво аризасида юк олувчининг харажатлари кўринишида 100 000 Россия рубли миқдоридаги зарар кўрганлиги кўрсатилган.

Бироқ, суд муҳокамасида даъвогар судга юқоридаги харажатлар ҳақиқатда у (даъвогар) томонидан амалга оширилганлиги ва унга ушбу миқдорида зарар кўрганлиги тўғрисида далиллар келтирмади.

ИПК 68-моддасининг биринчи қисмига асосан ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклиги белгиланган.

Ушбу кодекснинг 72-моддасига асосан муайян далиллар билан исботланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан исботланиши мумкин эмас.

Шу сабабли судлов ҳайъати даъво талабининг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорида мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

ИПКнинг 279-моддасида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари кўрсатилган.

Мазкур ҳолатда судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги учун суднинг ажримини бекор қилишни ва иш бўйича янги қарор қабул қилишни ҳамда суд харажатларини қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорида мутаносиб равишда тарафлар зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, “Юкларни халқаро йўлларда

ташиш шартномаси тўғрисида”ги Конвенциянинг 1, 11, 31-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Республикаси Конституциясининг 15, 55-моддаларига, Фуқаролик кодексининг 8, 14, 234-моддаларига ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 68, 72, 118, 279, 280-моддаларига асослашиб, судлов ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамиятининг апелляция шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 25 но ябрдаги ажрими бекор қилинсин.

Иш бўйича янги қарор қабул қилинсин

Даъвогар “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамиятининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “САММЕР” масъулияти чекланган жамияти (Беларусь Республикаси)дан даъвогар “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамияти (Ўзбекистон Республикаси) фойдасига 30 000 АҚШ доллари, 6 000 АҚШ доллари давлат божи ундирилсин.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради. Қарордан норози томон ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

Судьялар

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

(ИМЗО)

Ф.И.Ш.

МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ҲУЖЖАТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

000-сонли маъмурий иш 2024 йил 16 февраль

2024 йил 16 февраль куни Тошкент туманлараро маъмурий суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи – судья А.Х.Жалилов судья ёрдамчиси – С.Агзамовнинг котиблигида, Шайхонтоҳур туман прокурорининг ёрдамчиси С.Саидов ва тарафларнинг иштирокида, аризачи Д.Азизованинг жавобгар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси Юнусобод туман бўлимига нисбатан қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилган 5-1001-2301/972-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Азизова Дилдора Ниёзова (бундан кейин матнда – аризачи деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси Юнусобод туман бўлими (бундан кейин матнда – жавобгар деб юритилади) га нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси Юнусобод туман бўлимининг 2024 йил 15 январдаги ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги тўғрисида маълумотнома беришни рад этиш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Судда аризачи Д.Азизова аризани қувватлаб, унда келтирилган важларни такрорлаб, арз қилинган талабни қаноатлантиришни сўради.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бўлими алоҳида юридик шахс эмаслиги боис, мазкур маъмурий ишда Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш Тошкент шаҳар бошқармаси жавобгар сифатида жалб этилган.

Судда жавобгар вакили Д.Халилов аризани тан олмасдан, арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган БТПЖ Тошкент шаҳар бошқармаси суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисида узрсиз сабабларга кўра иштирок этмади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 148-моддаси учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи

шахслар суд мажлисига келмаса, иш уларнинг иштироки-сиз кўрилиши мумкин.

Судда аниқланган ҳолатлар ва иш ҳужжатларига кўра, Д.Азизова 2022 йилда Москва шаҳридаги кўғирчоқ фирмасида ишлаш жараёнида бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолган. Унга ногиронлиги тўғрисида Москва шаҳрида жойлашган тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан маълумотнома берилган.

Д.Азизова Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционалликни баҳолаш бошқармаси Юнусобод туман бўлимига I, II ёки III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги тўғрисидаги маълумотнома беришни сўраб мурожаат қилган.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционалликни баҳолаш бошқармаси Юнусобод туман бўлимининг 2024 йилнинг 15 январдаги қарори билан Д.Азизовага ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги тўғрисида маълумотнома бериш рад этилган.

Аризачи Д.Азизова ушбу қарордан норози бўлиб, судга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишлари юритиш тўғрисидаги кодекс (бундан кейин матнда – МСИЮТК деб юритилади)нинг 186-моддаси тартибида 20 январь 2024 йилда ариза билан мурожаат қилган.

Суд, тарафларнинг тушунтиришини, прокурорнинг фикрини тинглаб, далилларга баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг важлари билан келишади ва аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 16-моддаси 2-қисмига кўра, ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва но-

гиронликнинг қанча муддатга белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан аниқланади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 592-сон қарорига 1-Илова билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”нинг 15-бандида, Пенсия жамғармаси бўлими ушбу Низомда белгиланган қоидаларга мувофиқ шахсга пенсия тайинлаш (ҳисоблаш) учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси ҳудудий бўлимининг тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан бериладиган I, II ёки III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги тўғрисидаги маълумотномаларни талаб қилиб олиши кераклиги белгиланган.

Низом талабларидан келиб чиқиб, жавобгар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси ҳудудий бўлимининг тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси Москва шаҳрида жойлашган тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан Д.Азизовага унинг ногиронлиги тўғрисида берилган маълумотномани тан олмаган ва аризачи Д.Азизова тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясидан ўтмаганлиги сабабли унинг ногиронлиги ушбу комиссияси томонидан аниқланмаганлиги ва бундай маълумотнома ТИЭКда мавжуд эмаслиги боис аризачи Д.Азизовага I, II ёки III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги

тўғрисидаги маълумотномани беришни рад этган.

Аризачи Д.Азизова “Ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда етказилган зарарни қоплашга бўлган ҳуқуқларини ўзаро тан олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон ва Москва ўртасида 1994 йил 9 сентябрда имзоланган Битимнинг 5-моддасига кўра, тиббий меҳнат экспертиза комиссияси маълумотномаси Ўзбекистон Республикасида тан олиниши ва аризачи ўзининг ногиронлигини исботлаш учун қайта текширувдан ўтиши шарт эмаслиги тўғрисида важ келтирган.

Учинчидан, Битимнинг 5-моддасида, ҳар қандай Томоннинг тегишли тиббий эксперт комиссиясининг фоизларда касбий меҳнат қобилятини йўқотиш даражаси ҳақидаги ва қўшимча ёрдам турларига эҳтиёж тўғрисидаги қарори ишчи ходимнинг Битимни имзолаган Томонлардан қайси бирининг ҳудудида яшашидан қатъи назар, унинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш учун юридик кучга эга ҳисобланади

Битимда фуқаронинг ногиронлиги даражасини (I, II ёки III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс) аниқлаш тўғрисидаги тиббий эксперт комиссиясининг маълумотномаси назарда тутилмаган. Балки касбга оид меҳнат қобилятини йўқотиш даражаси тўғрисидаги тиббий меҳнат экспертиза комиссияси қарори назарда тутилган.

Жавобгар Битим талабларига номувофиқ I, II ёки III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги тўғрисидаги маълумотнома беришни рад этган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Шунингдек, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасига кўра, маъмурий иш юритиш давомида манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳақиқий ҳолатлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотлар акси исботланмагунига қадар ишончли ҳисобланади.

Манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳақиқийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда, маъмурий орган уларнинг ишончлилигини мустақил равишда ва ўз ҳисобидан текшириш учун чоралар кўради.

Маъмурий иш юритиш давомида манфаатдор шахслардан улар тақдим этган ҳужжатларнинг ёки маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқловчи қўшимча материаллар талаб қилиш, агар қонунда бундай талаб белгиланмаган бўлса, тақиқланади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарорининг 20-бандига кўра, маъмурий орган, мансабдор шахс қарор қабул қилиш ёки ҳаракатни амалга ошириш ваколатига эга ёки эга эмаслигини ҳамда маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан қарор

қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя этилган-этилмаганлигини, низолашилаётган қарор, содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) мазмуни мазкур ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келиш-келмаслигини текширади.

Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси Юнусобод туман бўлимининг I, II ёки III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги тўғрисидаги маълумотнома беришни рад қилиш ҳақидаги қарорини қонунга зид деб ҳисоблайди.

МСИЮТКнинг 189-моддаси бешинчи қисмига кўра қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш;

йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига, агар суд томонидан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш.

Суд юқорида баён этилган асосларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси Юнусобод туман бўлимининг 2024 йил 15 январдаги “I, II ёки III гуруҳ

ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги тўғрисидаги маълумотнома беришни рад этиш ҳақида”ги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни, жавобгар зиммасига аризачи Азизова Дилдора Ниёзованинг тиббий меҳнат экспертиза комиссияси маълумотномасини тан олган ҳолда қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш, ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар бериш мажбуриятини юклашни лозим топади.

Бешинчидан, МСИЮТКнинг 115-моддаси биринчи қисмида, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган талаблар миқдорига муносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Суд, суд харажатларини тақсимлаш масаласини муҳокама қилиб, арз қилинган талаб қаноатлантирилганлигини инobatга олиб, судга мурожаат қилишда тўланган 340 000 сўм давлат божи ва 34 000 сўм почта харажатлари жавобгардан аризачи фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси, МСИЮТКнинг 185, 188, 189, 154-158-моддаларига амал қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Аризачи Азизова Дилдора Ниёзованинг аризаси - қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси Юнусобод туман бўлимининг 2024 йил 15 январдаги “I, II ёки III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги тўғрисидаги маълумотнома беришни рад этиш

ҳақида”ги қарори ҳақиқий эмас деб топилсин.

Жавобгар зиммасига Азизова Дилдора Ниёзованинг тиббий меҳнат экспертиза комиссияси маълумотномасини тан олган ҳолда қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш, ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар бериш мажбурияти юклатилсин.

Суд харажатлари жавобгар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционалигини баҳолаш бошқармасидан аризачи Азизова Дилдора Ниёзова фойдасига ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали Тошкент шаҳар маъмурий судига бир ой муддат ичида апелляция тартибида, қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

А.Х.Жалилов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

000-сонли маъмурий иш 2023 йил 16 октябрь

2023 йил 16 октябрь куни Тошкент туманлараро маъмурий суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи – судья А.Х.Жалилов судья ёрдамчиси – С.Агзамовнинг котиблигида, А.Боймуродовнинг таржимонлигида, Шайхонтоҳур туман прокурорининг ёрдамчиси С.Саидов ва тарафларнинг иштирокида, аризачи Чан МАнинг жавобгар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаментига нисбатан мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилган 5-1001-2301/971-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Аризачи Чан МА (бундан кейин матнда – аризачи деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаменти бўлими (бундан кейин матнда – жавобгар деб юритилади) га нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, унда мансабдор шахсларнинг никоҳдан ажрашганлик тўғрисидаги

гувоҳномани легаллаштиришни рад этганликда ифодаланган 9 сентябрь 2023 йил кунги хатти-ҳаракатини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи Чан Ма ҳамда унинг вакили адвокат Н.Батирова талабини қувватлаб, аризада келтирилган важларни такрорлаб, арз қилинган талабни қаноатлантиришни сўрадилар.

Суд мажлисида жавобгар вакили Д.Халилов аризани тан олмасдан, арз қилинган талабни қаноатлантиришдан рад этишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮТК 26-моддаси 3-қисмида, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий суд ўзига тааллуқли ишларни фуқаролар, юридик шахслар ва маъмурий органлар, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставининг 5-моддасига кўра, Консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлат ҳудудида консуллик округи доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан консуллик функцияларини бажарувчи ташқи алоқалар бўйича давлат органидир. Консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимига киради.

Консуллик муассасаси юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, ўзига бириктирилган мол-мулкка, реквизицларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга (муҳрларга), тегишли штамплар ва бланкаларга, шунингдек банкларда ҳисобварақларга эга бўлади.

Консуллик алоҳида юридик шахс эканлиги боис, мазкур маъмурий ишда айнан Консуллик жавобгар сифатида жалб этилган.

Судда аниқланган ҳолатлар ва иш ҳужжатларига кўра, Чан Ма 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан Яккасарой ФХДЁ органида никоҳдан ўтган.

2018 йилда никоҳдан ажрашган ва бу тўғрисида гувоҳнома берилган. Ҳозирда Чан МА ўз юртида Хитой фуқароси билан никоҳдан ўтиши муносабати билан, никоҳдан ажрашганлик тўғрисидаги гувоҳномани легаллаштириб Хитой давлатининг расмийларига тақдим қилишни сўраб, Консулликка мурожаат қилган.

Консуллик томонидан никоҳдан ажрашганлик тўғрисидаги гувоҳномани легаллаштириш учун 15 АҚШ доллари миқдоридаги консуллик йиғимини тўланмаганлиги сабабли гувоҳномани легаллаштириш рад этилган.

Аризачи Чан МА Консуллик мансабдор шахсларининг юқоридаги ҳаракатларидан норози бўлиб, консуллик йиғимидан озод этилганлигини важ қилиб келтириб, судга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 186-моддаси тартибда 25 сентябрь 2023 йилда ариза билан мурожаат қилган.

Суд, тарафларнинг тушунтириши, прокурорнинг фикрини тинглаб, аризада келтирилган важлар ва далилларга баҳо берган ҳолда қуйидаги асосларга кўра аризачининг важларини инкор этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро

шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарорлари тасдиқланган “Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш ҳамда консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-бандида консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатлари тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, **консуллик йиғимлари тарифи** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги ПҚ-2095-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси консуллик йиғимлари тарифига мувофиқ ўрнатилган йиғимлар миқдори;

Иккинчи хатбошисида, **ҳақиқий харажатлар** — консуллик ҳаракатларини амалга ошириш вақтида консуллик йиғимларига қўшимча равишда тўланадиган йиғим миқдоридан қопланувчи Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан бажариладиган моддий харажатлар эканлиги қайд этилган.

Ушбу Низомнинг 3-бандига кўра, ҳақиқий харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

почта, телеграф, телефон, телекс, факсимил ва модем орқали амалга оширилган алоқалар:

канцелярия молларини харид қилиш;

транспорт харажатлари;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасалари

ходимларининг консуллик ҳаракати бажариладиган жойга хизмат сафарига юборилиши;

шошилинч консуллик ҳаракатларини амалга ошириш;

бланкалар сотиб олиш ва тайёрлаш, шу жумладан виза бланкаси;

бошқа харажатлар (сақлаш, мулкни қидириш, сотиш ва б.).

Низомнинг 4-бандига мувофиқ, ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ҳужжатларни легаллаштириш учун — 15 АҚШ доллари ундирилади.

Ўқоридаги Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда жавобгар Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаменти аризачи Чан Мадан консуллик йиғима эмас, балки ҳақиқий харажатлар ўрнини қоплашни талаб қилган.

Аризачи Чан Ма аризасида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси “Фуқаролик процесси масалалари тўғрисида”ги Гаага Конвенциясининг (1954 йил) 25-бандига асосан никоҳланиш учун зарур ҳужжатлар текин легализация қилиниши ҳақидаги важларни келтирган.

Ҳақиқатдан ҳам мазкур Конвенцияга мувофиқ никоҳланиш учун зарур ҳужжатлар текин легализация қилиниши белгиланган, яъни консуллик йиғимларидан озод этилган.

Бироқ, ушбу Конвенция билан **ҳақиқий харажатлар тўловидан озод этилмайди**. Чунки, мазкур тўлов давлат сиёсати билан боғлиқ бўлмаган йиғим (тўлов) ҳисобланади.

Бундай ҳолатда жавобгар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаменти мансабдор шахсларининг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш учун асос мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни

кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарорининг 20-бандига кўра, маъмурий орган, мансабдор шахс қарор қабул қилиш ёки ҳаракатни амалга ошириш ваколатига эга ёки эга эмаслигини ҳамда маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя этилган-этилмаганлигини, низолашилаётган қарор, содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) мазмуни мазкур ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келиш-келмаслигини текширади.

Суд, юқоридагиларга асосланиб жавобгар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаменти мансабдор шахсларининг ҳаракатлари қонунга мувофиқлиги, аризачининг важлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаменти мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатини қонунга хилоф деб топишга асос бўла олмаганлигини инобатга олган ҳолда, аризани қаноатлантиришдан рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 189-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, суд агар устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

МСИЮтКнинг 115-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган талаблар миқдорига мутаносиб равишда

уларнинг зиммасига юклатилади.

Суд, суд харажатларини тақсимлаш масаласини муҳокама қилиб, арз қилинган талаб рад этилганлигини инобатга олиб, судга мурожаат қилишда тўланган 330 000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажатларини аризачи зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 185, 189, 154-158-моддаларига амал қилиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Аризачи Чан Манинг аризаси – қаноатлантиришдан рад этилсин.

Суд харажатлари аризачи зиммасида қолдирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали Тошкент шаҳар маъмурий судига бир ой муддат ичида апелляция тартибида, қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

А.Х.Жалилов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

2023 йил 16 октябрь

2023 йил 16 октябрь куни Тошкент туманлараро маъмурий суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи – судья А.Х.Жалилов

судья ёрдамчиси – С.Агзамовнинг котиблигида, А.Боймуродовнинг таржимонлигида, Шайхонтохур туман прокурорининг ёрдамчиси С.Саидов ва тарафларнинг иштирокида, аризачи Артур Маротовичнинг жавобгар Чилонзор туман ҳокимлигига нисбатан мансабдор шахсларнинг 2023 йил 15 сентябрь кунги рад жавоби беришда ифодаланган хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиб, жавобгар зиммасига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Чўпонота кўчасида жойлашган реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари)нинг ўрнатилишини қонуний тартибда кўриб чиқиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси бўйича юритилган 000-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Аризачи Артур Маротович (бундан кейин матнда – аризачи деб юритилади) Чилонзор туман ҳокимлиги (бундан кейин матнда – жавобгар деб юритилади) га нисба-

тан судга ариза билан мурожаат қилиб, унда мансабдор шахсларнинг 2023 йил 15 сентябрь кунги рад жавоби беришда ифодаланган хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиб, жавобгар зиммасига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Чўпонота кўчасида жойлашган реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) нинг ўрнатилишини қонуний тартибда кўриб чиқиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Суд мажлисида аризачи Артур Маротович талабини қувватлаб, аризада келтирилган важларни такрорлаб, арз қилинган талабни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар вакили С.Шокиров аризани тан олмасдан, арз қилинган талабни қаноатлантиришдан рад этишни сўради.

Ишга низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Тошкент шаҳар ИИБ суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган бўлишиға қарамай суд мажлисида иштирок этмади.

Суд маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида кодекс (бундан кейин матнда МСИЮТК деб юритилади)нинг 148-моддасининг учинчи қисмиға кўра, ишни учинчи шахс иштирокисиз кўришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮТК 26-моддаси 3-қисмида, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий суд ўзига тааллуқли ишларни фуқаролар, юридик шахслар ва маъмурий органлар, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалға ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўриши белгиланган.

Судда аниқланган ҳолатлар ва иш ҳужжатларига кўра, РФнинг фуқароси Артур Маротович ўзига тегишли бўлган “МАЗ” русумли, давлат рақами 42 14 РС авто транспорт воситасида 2023 йилнинг 12 август куни тахминан соат 14:25 ларда Ўзбекистон-Қозоғистон йўналишида Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Чўпонота кўчаси орқали ҳаракатланиб қайтаётган вақтда ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, йўлнинг ушбу қатнов қисмида транспорт воситалари ҳаракатланишининг энг юқори тезлиги соатига “70” км эканлигини ва ҳайдовчи томонидан транспорт воситаси белгиланган тезликдан ошириб бошқарилганлигини маълум қилган.

Аризачи Артур Маротович йўлнинг қатнов қисмида энг юқори ҳаракатланиш тезлигини кўрсатувчи йўл белгисини кўрмаганлигини маълум қилган. Бироқ ИИБ ЙХХБ ходимлари йўл белгиси мавжудлигини таъкидлаб, унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирган.

Шундан сўнг, аризачи йўл белгиси ўрнатилган жойини кўздан кечирганида йўлнинг қатнов қисмида белгиланган ҳаракат тезлигини соатига “70 км/соат” белгиси йўл четига ўрнатилган реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) нинг орқасида қолиб кетганлигининг гувоҳи бўлган ва Чилонзор туман ҳокимиятига реклама объектларини бошқа жойга кўчиришни сўраб мурожаат қилган.

Унинг мурожаати юзасидан 2023 йил 15 сентябрь кунги рад этиш тўғрисида жавоб хати берилган. Мазкур жавоб хатида Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 11-моддасига яъни реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) ҳамда бошқа кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг, эгаларининг ёки улардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари амалга оширилишига монелик қиладиган хатти-ҳаракатлар содир этмаслиги важи келтирилган.

Аризачи мансабдор шахсларнинг юқоридаги ҳаракатларидан норози бўлиб, судга Ўзбекистон Республикаси МСИ-ЮтКнинг 186-моддаси тартибида 2023 йилнинг 2 октябрь куни ариза билан муурожаат қилган.

Суд, тарафларнинг тушунтириши, прокурорнинг фикрини тинглаб, аризада келтирилган важлар ва далилларга баҳо берган ҳолда куйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 2-моддасида агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши назарда тутилган.

1968 йил 8 ноябрда қабул қилинган «Йўл белгилари ва сигналлар ҳақида»ги Конвенциянинг 3-моддаси учинчи қисмида Аҳдлашувчи томонлар ушбу Конвенция кучга кирган кундан бошлаб ўн беш йил ичида ўз ҳудудларида ушбу Конвенцияда белгиланган тизимга мос келмайдиган барча сигнал белгилари, мосламалар ва белгиларни алмаштириш мажбуриятини олиши назарда тутилган. Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикасида

1995 йил 17 январдан қонуний кучга кирган.

Ушбу Конвенциянинг 4-моддаси б-бандида Аҳдлашувчи томонлар сигнал белгилари ёки ҳаракатни тартибга солиш учун бошқа мосламалар деб қабул қилиниши мумкин бўлган, ёки уларнинг кўринишини ёки самарадорлигини пайсантириши мумкин бўлган, ёки йўлдан фойдаланувчиларни кўзини қамаштириши ёки уларнинг диққатини чалғитиши, шу билан йўл ҳаракати учун хавф туғдириши мумкин бўлган мосламаларни жойлаштиришни тақиқлаш чораларини кўриш мажбуриятини олиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарорининг 20-бандига кўра, маъмурий орган, мансабдор шахс қарор қабул қилиш ёки ҳаракатни амалга ошириш ваколатига эга ёки эга эмаслигини ҳамда маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя этилган-этилмаганлигини, низолашилаётган қарор, содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) мазмуни мазкур ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келиш-келмаслигини текширади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 22-моддасига кўра, туман (шаҳар) ҳокимларининг вазифларидан бири реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) масаласига доир шаҳарсозлик фаолиятини назорат қилади ва режалаштиради, шу жумладан, реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) қурилиши учун ажратиладиган ер участкалари рўйхатини шакллантиради, уларни паспортлаштиришни амалга оширади.

Ваҳоланки, Чилонзор туман ҳокимлиги аризачининг муурожаатини кўриб чиқишда юқоридаги қонун ҳужжатларига риоя этмаган ҳолда қонунга зид равишда жавоб хати бериш билан кифояланган.

МСИЮТКнинг 189-моддаси бешинчи қисмига кўра, қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш;

йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига, агар суд томонидан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш.

Суд юқорида баён этилган асосларга кўра, Чилонзор туман ҳокимиятининг 2023 йил 15 сентябрь кунги рад жавоби беришда ифодаланган хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни, жавобгар зиммасига Чилонзор тумани, Чўпонота кўчасида жойлашган реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари)нинг ўрнатилишини қонуний тартибда кўриб чиққан ҳолда қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш, ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар бериш мажбуриятини юклашни лозим топади.

МСИЮТКнинг 115-моддаси биринчи қисмида, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган талаблар миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Суд, суд харажатларини тақсимлаш масаласини муҳокама қилиб, арз қилинган талаб қаноатлантирилганлигини инобатга олиб, судга мурожаат қилишда тўланган 340 000 сўм давлат божи ва 34 000 сўм почта харажатларини жавобгардан аризачи фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси, «Йўл белгилари ва сигналлар ҳақида»ги Конвенциянинг 3, 4-моддалари, МСИЮт-Книнг 185, 188, 189, 154-158-моддаларига амал қилиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Аризачи Артур Маротовичнинг аризаси - қаноатлантирилсин.

Чилонзор туман ҳокимиятининг 2023 йил 15 сентябрь кунги рад жавоби беришда ифодаланган хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилсин.

Жавобгар зиммасига Чилонзор тумани, Чўпонота кўчасида жойлашган реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари)нинг ўрнатилишини қонуний тартибда кўриб чиққан ҳолда қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш, ҳал қилув қарорнинг ижроси тўғрисида судга ва аризачига ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар бериш мажбурияти юклатилсин.

Суд харажатлари жавобгар Чилонзор туман ҳокимиятидан аризачи Артур Маротович фойдасига ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали Тошкент шаҳар маъмурий судига бир ой муддат ичида апелляция тартибида, қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақли.

4-БОБ

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ХАЛҚАРО СУДИ ВА ХАЛҚАРО ЖИНОЯТ СУДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро суди⁸⁰.

БМТ Халқаро суди (кейинги ўринларда Суд ёки ХС деб юритилади) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий суд органи бўлиб ҳисобланиб, Гаагадаги (Нидерландия) Тинчлик Саройида жойлашган. Суд ўз фаолиятини 1946 йилда бошлаган, у 1920 йилда Миллатлар Лигаси қошида ташкил этилган Халқаро одил судлов доимий палатаси (рус тилида Постоянная палата международного правосудия) ўрнида ташкил топган.

Суд БМТ Устави таркибига кирувчи Статутга ҳамда ўз Регламентига мувофиқ фаолият юритади. Суд Гаагадаги Тинчлик саройида жойлашган (Нидерландия). Суд БМТнинг олти асосий органлари ичида Нью-Йоркдан ташқарида жойлашган ягона органдир. БМТнинг қолган бешта органини Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш, Васийлик Кенгаши ва Котибият ташкил этади.

БМТ Халқаро Суди зиммасига иккита функция юкланган:

биринчидан, давлатлар томонидан кўриб чиқиш учун тақдим этилган юридик низоларни халқаро ҳуқуққа мувофиқ ҳал қилиш (низолни ишлар бўйича функция);

80 Мазкур кичик параграф БМТ Халқаро судининг расмий веб-саҳифасидаги маълумотлар асосида инглиз тилидан норасмий таржима қилинган ҳолда тайёрланган. [электрон манба: <https://www.icj-cij.org/home>].

иккинчидан эса, ихтисослаштирилган муассасалар ва ваколатли органлар томонидан тақдим этилган юридик масалалар бўйича консултатив хулосалар бериш (консултатив функция).

Суд 15 судьядан иборат бўлиб, унга Котибият ва унинг маъмурий органи хизмат қилади. Унинг расмий тиллари сифатида инглиз ва француз тиллари тан олинган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, низоларни тинч йўл билан ҳал қилишда тарихда биринчи халқаро суд органи 1920 йилда Миллатлар Иттифоқи қошида ташкил этилган Халқаро одил судлов доимий палатаси (Permanent Court of International Justice-PCIJ) бўлиб ҳисобланади, Халқаро суд 1945 йилда унинг ҳуқуқий ворисига айланган. Биринчи жаҳон урушидан кейин Миллатлар Лигаси таъсис этилганидан сўнг, Халқаро суд судьяларини сайлаш учун мақбул функционал механизм юзага келди, унга қадар бу масала энгиб бўлмас тўсиқларни вужудга келтирарди.

Халқаро суд, белгиланган ваколатларга эга (давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш ва БМТ органлари ва ихтисослаштирилган муассасалар учун консултатив хулосалар чиқариш) фуқаролик суди ҳисобланади ва ёрдамчи органларга эга эмас. Айтилганда, 1946 йилдан буён кўплаб минтақавий судлар ва ихтисослаштирилган трибуналларнинг ташкил этилиши маълум чалкашликка олиб келди.

Халқаро суд жиной суд юрисдикциясига эга эмас, у жисмоний шахсларни (масалан, ҳарбий жиноятчиларни) судга торта олмайди. Бу вазифа миллий суд органлари, БМТ томонидан таъсис этилган собиқ Югославия бўйича халқаро жиноят Трибунали ва Руанда бўйича халқаро жиноят Трибунали, шунингдек Халқаро жиноят суди каби

махсус жиноят трибуналлари ваколатига киради.

Халқаро судни шунингдек, Люксембургда жойлашган фақат Европа Иттифоқи билан боғлиқ масалаларни кўрувчи Европа суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (Страсбург, Франция) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро судидан (Сан-Хосе, Коста-Рика) фарқлаш лозим, улар Инсон ҳуқуқлари бўйича конвенция нормаларининг бузилиши бўйича даъволарни кўриб чиқади. Мазкур учта суд жисмоний шахслардан Халқаро суд ўз юритувига қабул қила олмайдиган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади⁸¹.

Халқаро суд денгиз ҳуқуқи бўйича Халқаро трибунал каби ихтисослашган халқаро трибуналлардан ҳам фарқ қилади.

Халқаро суд, шунингдек, миллий судлар қарорлари устидан шикоят қилиш мумкин бўлган олий суд ҳисобланмайди; у жисмоний шахслар учун олий суд инстанцияси ҳам эмас ҳамда бирор халқаро трибунал қарорини кўриб чиқадиган апелляция суди ҳам ҳисобланмайди. Бирок, у ўз ваколати доирасидаги ишлар бўйича чиқарилган арбитраж қарорлари қонунийлиги тўғрисида қарорлар қабул қилишга ҳақли.

Халқаро суднинг ўн беш нафар судьяси тўққиз йиллик муддатга сайланади. Улар қайта сайланиши мумкин. Суд доимий маъмурий орган - Котибиятга эга, у Судга ўз вазифаларини бажаришда кўмаклашади. Суд Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий суд органи бўлгани учун, Суд аъзолари сайловларини ушбу ташкилот ўтказиши. Судьялар Бош Ассамблея (Суд Статутига аъзо, аммо БМТ аъзоси бўлмаган давлат – ҳозирги кунда Швейцария

81 Ф.Л.Мируктамова. БМТ Халқаро суди ва Халқаро жиноят суди: саволлар ва жавобларда. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2020. - Б. 9.

ҳам киритилади) ва Хавфсизлик Кенгаши (уларнинг аъзолари сайлов мақсадлари бўйича вето ҳуқуқига эга эмас) томонидан сайланади. Мазкур органлар бир вақтда, бироқ бир-биридан мустақил равишда овоз беришади⁸².

Номзод сайланиши учун ҳар икки органда ҳам мутлақ кўпчилик овоз тўплаши керак. Шу муносабат билан, кўпинча бир неча марта овоз бериш жараёнини ўтказишга тўғри келади.

Суд таркибида маълум узвийликни (ворисликни) таъминлаш мақсадида барча 15 нафар судьянинг ваколатлари бир вақтнинг ўзида тугамайди. Ҳар уч йилда бир марта, суд аъзолари учдан бир қисми аъзолари сайловлари ўтказилади.

Халқаро суд судьяларига қўйиладиган малакавий ва бошқа талаблар эса қуйидагича:

Суд Статутида кўзда тутилишича, Суд фуқаролигидан қатъий назар, ўз мамлакатига олий даражадаги суд лавозимларига тайинлаш учун белгиланган талабларга жавоб берадиган, юксак ахлоқий сифатларга эга шахслар ёки халқаро ҳуқуқ соҳасида таниқли ҳуқуқшунослар орасидан сайланган мустақил судьялар ҳайъатидан ташкил топади.

Амалиётда, Судга сайланишга қадар, унинг кўплаб аъзолари ўз мамлакатлари ташқи ишлар вазирликларида ҳуқуқшунос, халқаро ҳуқуқ профессорлари, элчилар ёки Олий суд судьялари лавозимларида фаолият юритган. Суд таркибини шакллантиришда географик мувозанат сақлаб турилади. Хусусан, Суд таркибига бир давлатнинг бир нафардан ортиқ фуқароси кириши мумкин эмас. Бутун суд таркиби дунёнинг асосий ҳуқуқий тизимлари вакиллигини таъминлаши керак.

Ушбу тамойил дунёнинг асосий минтақалари бўйича суд аъзоларининг қуйидаги тақсимоотида намоён бўлади:

⁸² Ўша жойда.

Африкадан уч нафар аъзо, Лотин Америкасидан икки нафар аъзо, Осиёдан уч нафар аъзо, Фарбий Европа ва бошқа давлатлар (Канада, АҚШ, Австралия ва Янги Зеландияни ўз ичига олган)дан беш нафар аъзолар ва Шарқий Европа (жумладан, Россия)дан икки нафар аъзо. Ушбу тақсимот Хавфсизлик Кенгашидаги ўринлар тақсимотига мос келади.

Гарчи ҳеч бир давлат автоматик аъзолик ҳуқуқига эга бўлмаса-да, Суд таркибига ҳар доим Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган давлатлар фуқаролари сайланган. Истисно тариқасида, 1967-1984 йиллар мобайнида миллий гуруҳ Хитой давлатидан судьяликка номзод кўрсатмаганини келтириш мумкин.

Сайланганидан сўнг Суд аъзолари ўзларининг давлатлари, ҳукуматлари ёки бошқа ҳокимият вакили ҳисобланмайди. Улар мустақил судьялар бўлиб, уларнинг биринчи вазифаси шундаки, Суднинг очиқ йиғилишида тантанавий баёнот берган ҳолда, шунга мувофиқ ўз вазифаларини “холисона” тарзда бажаради. Судья ўз мамлакати тараф бўлган ишда ушбу мамлакат позициясига қарши овоз бериш ҳолатлари тез-тез учраб туради.

Халқаро суд раиси ва унинг биринчи ўринбосари ҳар уч йилда бир марта ўз ҳамкасблари томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сайлов учун мутлақ кўпчилик овоз талаб қилинади, бунда уларнинг фуқаролиги билан боғлиқ шартлар қўлланилмайди. Раис Суд ишини бошқаради ва Суднинг маъмурий бошқаруви устидан назоратни Маъмурий-бюджет қўмитаси ва бошқа турли қўмиталар ёрдамида амалга оширади.

Раис биринчи ўринбосари, агар Раис ўз вазифаларини бажара олмаганда ёки Раис ўрни бўш бўлган ҳолларда, Раис вазифасини бажариб туради.

Қайд этиш муҳимки, Суд аъзолари бирор сиёсий ёки маъмурий функцияни амалга ошириши ёки бошқа касбий фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Улар бирор-бир иш бўйича вакил, ишончли вакил ёки адвокат функцияларини бажариши ёки муқаддам иштирок этган ишларида қатнашиши мумкин эмас.

Судьяларнинг Суд олдидаги мажбуриятларини инобатга олган ҳолда, судья Халқаро суд иш юритувига қабул қилинмайдиган ишларда ҳакам (арбитр) сифатида қатнашиши, илмий жамиятлар фаолиятида иштирок этиши ва маърузалар ўқиши мумкин.

Суд аъзолари судьялик вазифаларини бажариши давомида дипломатик имтиёз, иммунитет ва афзалликлардан фойдаланади.

Нидерландияда Суд раиси мамлакатда аккредитациядан ўтган барча элчилар, шу жумладан, дипломатик корпус дуайенига нисбатан юқори мавқега эга. Дуайен, ундан кейин туради, унинг ортидан мақоми бўйича Суд раиси биринчи ўринбосари туради, улардан сўнг эса юқорилик мавқеси дипломатик корпус ва Суд аъзолари ўртасида навбати билан алмашинади.

Судда кўрилаётган муайян ишда тараф сифатида қатнашаётган давлат, агар суд таркибида унинг фуқаролигига эга судья бўлмаса, ушбу иш учун Ad hoc судьяни танлаб олиши мумкин, гарчи бу талаб қилинмаса ҳам. Ad hoc судья уни тайинлаган давлат фуқароси бўлиши шарт эмас (ва кўпинча бундай бўлмайди ҳам).

Ad hoc судья ўз вазифасига киришишида Суднинг бошқа аъзолари каби тантанали баёнот қилади, ҳамкасблари билан тенг равишда қарор қабул қилиш, овоз бериш ҳуқуқига эга. Шунингдек ишлаган ҳар бир куни учун Суддан муносиб ҳақ олади. Суд аъзолари сингари, Ad hoc

судья ҳам Суднинг ихтиёрида бўлиши ва у иштирок этаётган ишнинг суд мажлисларида ҳозир бўлиши керак.

Ad hoc судьялари институти, Суднинг фаолият юритишини тартибга соладиган асосий тамойиллардан бирини, яъни тарафларнинг қатъий тенглиги тамойилини акс эттиради.

Судда кўрилаётган ишда тараф сифатида иштирок этаётган давлат фуқаролигига эга бўлган Суд аъзоси, иш бўйича муҳокамада иштирок этиш ҳуқуқини сақлаб қолар экан, ишда иккинчи тараф сифатида иштирок этаётган давлат учун (агар Суд таркибида унинг давлатидан аъзо бўлмаса), у ёки бу шахсни ad hoc судьяси сифатида танлаш имконининг берилиши унга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш мақсадини кўзлайди.

Суд мажлислари доимий. Бироқ, одатда, у ёзда маълум муддатга ва йилнинг охирида танаффус қилади.

Очиқ суд мажлисларидан ташқари, Суд аъзолари турли хил ички йиғилишларда: муҳокамалар, қарорлар лойиҳаларини ўқишга бағишланган мажлислар, маъмурий йиғилишлар ва қўмита мажлисларида иштирок этадилар.

Суд, одатда ўз функцияларини тўла таркибда бажаради (кворум тўққиз нафар судьядан иборат бўлади, ad hoc судьялардан ташқари). Шунингдек, у доимий ёки махсус (ad hoc) камераларни тузиши мумкин. Ялпи мажлис ўтказиш учун тўққиз нафар судьядан иборат кворум талаб этилади.

Статутда белгиланишича, Суд тарафлар билан маслаҳатлашувлардан сўнг маълум бир иш бўйича унда қатнашадиган аъзолар сони ва номзодлари масаласини муҳокама қилиш учун ad hoc камерасини тузиши мумкин, кейинчалик улар Судда аъзоликларини тўхтатган ҳолатларида ҳам, ишни кўриб чиқишнинг барча босқичларида

иштирок этишади. Ушбу қоида илк маротаба 1982 йилда Мэн кўрфази ҳудудида Канада ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги денгиз чегарасини делимитация қилишга оид ишда қўлланилган, сўнгра учта кейинги ишларда фойдаланилган. Камералар томонидан қабул қилинган қарорлар Суд қарорлари ҳисобланади.

Суд томонидан қўлланиладиган ҳуқуқ манбалари Статутнинг 38-моддасида белгиланган халқаро конвенция ва шартномалар, халқаро одат, ривожланган миллатлар тан олган ҳуқуқнинг умумий тамойиллари, суд қарорлари ва оммавий ҳуқуқ бўйича малакали мутахассислар доктриналари асосида қарорлар қабул қилиши мумкин. Бундан ташқари, агар тарафлар келишувга эришса, Суд ишни *ex aequo et bono* асосида, яъни амалдаги халқаро ҳуқуқ нормалари билан чекланмасдан ҳал қилиши мумкин.

Халқаро жиноят суди⁸³.

Халқаро жиноят суди (кейинги ўринларда «ХЖС» ёки «Суд» деб юритилади) – бу халқаро ҳамжамият учун ташвиш туғдираётган ўта жиддий жиноятлар, хусусан геноцид, инсониятга қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва агрессия жиноятларини содир этишда айбланаётган шахсларни тергов қилиш, жиноий таъқиб қилиш ва ҳукм қилиш учун ташкил қилинган доимий асосда фаолият юритадиган халқаро суд ҳисобланади.

XX асрда рўй берган уруш-можаролар вақтида энг оғир жиноятлар содир этилди. Афсуски, уларнинг аксарияти жазосиз қолди. Нюрнберг ва Токио трибуналлари

83 Мазкур кичик параграф Халқаро жиноят судининг расмий веб-саҳифасидаги маълумотлар асосида инглиз тилидан норасмий таржима қилинган ҳолда тайёрланган. [электрон манба: <https://www.icc-cpi.int/home>].

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ташкил этилди. 1948 йилги Геноцид жиноятларини олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги конвенция қабул қилинганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (кейинги ўринларда БМТ) Бош Ассамблеяси ушбу турдаги жиноятларни кўриш учун доимий халқаро суд яратилиши зарурлигини эътироф этди.

Совуқ уруш тугаши билан халқаро жиноий адлия тизими ғояси қайта пайдо бўлди. Бироқ, БМТда ХЖС Устави (Рим статuti) бўйича музокаралар олиб борилаётган бир вақтда, дунё ҳамжамияти собиқ Югославия ва Руанда ҳудудида ғоят оғир жиноятларга гувоҳ бўлди. Ушбу ваҳшийликларга жавобан БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши махсус трибунал ташкил этди. Воқеалар, шубҳасиз, 1998 йилда ХЖСнинг жорий этилиши тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишига ижобий таъсир кўрсатди⁸⁴.

1998 йил 17 июлда 160 давлатдан иборат конференция, шартнома асосида биринчи доимий Халқаро жиноят судини ташкил этди. Ушбу конференцияда қабул қилинган шартнома Халқаро жиноят судининг Рим статuti деб номланди⁸⁵. Унда ХЖС ваколат доирасига кирувчи жиноятлар, тартиб-таомиллар ва давлатларнинг ХЖС билан ҳамкорлик қилиш механизмлари акс этган. Ушбу қоидаларни қабул қилган давлатлар иштирокчи-давлатлар деб аталади ва улар Иштирокчи-давлатлар Ассамблеясидан ўрин олган.

Бир йилда камида бир марта йиғиладиган Иштирокчи-давлатлар Ассамблеяси, суд маъмуриятининг умумий сиёсатини белгилайди ва унинг фаолиятига шарҳ беради. Мажлис давомида иштирокчи давлатлар ишчи гуруҳлар

84 Ф.Л.Мируктамова. БМТ Халқаро суди ва Халқаро жиноят суди: саволлар ва жавобларда. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2020. – Б. 67.

85 Ўша жойда.

фаолиятини ва ХЖС билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади, янги лойиҳаларни муҳокама қилади ва Суднинг йиллик бюджетини қабул қилади.

Суд Голландиянинг Гаага шаҳрида жойлашган. Аммо судьялар зарур деб топганда, Суднинг бошқа шаҳарда ҳам ишни кўриши мумкинлиги Рим статутини кўзда тутилади. Суд, шунингдек, тергов олиб борилган жойларда ўз бўлинмаларини очиши мумкин.

Суд иштирокчи-давлатларнинг бадаллари ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, жисмоний шахслар, корпорациялар ва бошқа субъектларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади.

ХЖС доимий фаолият юритувчи мухтор суд ҳисобланади, ваҳоланки собиқ Югославия ва Руанда бўйича махсус трибуналлар, шунингдек, БМТ доирасида маълум бир ҳолатлар бўйича ташкил этилган судлар фақат чекланган мандат ва юрисдикцияга эга. ХЖС БМТнинг давлатлар ўртасидаги низоларни кўриш бўйича асосий органи ҳисобланган Халқаро суддан тамомила фарқ қилади. Собиқ Югославия бўйича Махсус трибунал ва БМТ Халқаро суди ҳам Гаага шаҳрида жойлашган.

ХЖС миллий жиноят судлов тизимининг ўрнини босмайди, аксинча, уларни тўлдиради. У бирор-бир давлатда айрим шахсларнинг жиноятлари бўйича суд таъқибини амалга ошириш ва суд қилиш имкони бўлмаса ёки давлат буни истамаса, тергов қилиши ва асосли бўлса, жиний жавобгарликка тортиши мумкин. Шунингдек, ХЖС муайян бир ҳолат бўйича, суд жараёни асоссиз тарзда кечиктирилганда ёки шахсларни жиний жавобгарликка тортмасликка ҳаракатлар амалга оширилганда, ўз назоратига олиши ва терговни бошлаши мумкин. Бу ҳолат бир-бирини тўлдириш принципи сифатида маълум, унга

кўра миллий тизимларга устунлик берилади. Давлатлар ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш учун масъулдир.

Давлат Рим Статути иштирокчиси бўлганида, Статутда санаб ўтилган жиноятлар бўйича ХЖС юрисдикциясига бўйсунушга розилик беради. Суд, тахмин қилинаётган жиноятчи иштирокчи давлат фуқароси бўлганида ёки жиноят иштирокчи давлат ҳудудида содир этилганида ўз юрисдикциясини амалга ошириши мумкин. Бундан ташқари, Статут иштирокчиси бўлмаган давлат, ХЖС юрисдикциясини тан олиши тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Ушбу шартлар, Хавфсизлик Кенгаши БМТ Низомининг VII бобига мувофиқ иш юритиб, ҳолатни ХЖС Прокурори Девонига топширганида, қўлланилмайди.

Халқаро жиноят суди гуруҳлар ёки давлатларни эмас, балки алоҳида шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича иш олиб боради. Суд юрисдикциясига кирадиган жиноятни содир этганликда гумон қилинган ҳар қандай шахс унинг олдида жавобгар бўлиши мумкин.

Халқаро жиноят суди Президиум (Раёсат), палаталар, прокурор девони ва котибиятдан иборат. Ушбу органларнинг ҳар бири ўз ваколати ва мандатга эга. Президиум, Суднинг 18 нафар судьяси ичидан мутлақ кўпчилик асосида икки, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга сайланадиган уч нафар судья (Раис ва икки раис ўринбосарлари) дан иборат.

Президиум Судни бошқаришга масъулдир, фақат Прокурор девони бундан мустасно. У Суднинг омма олдидаги вакилидир ва судьяларнинг ишини ташкил этишда ёрдам беради. Президиум, шунингдек, бошқа вазифаларни бажаришда, хусусан Суд томонидан чиқарилган ҳукмларнинг ижро этилишини таъминлаш учун масъулдир.

18 нафар судья, шу жумладан Президиумнинг уч нафар судьяси учта суд бўлимига тайинланади: Даствлабки суд иш юритуви бўлими (етти нафар судьядан иборат), Суд бўлими (олти нафар судьядан иборат) ва Апелляция бўлими (беш нафар судьядан иборат). Ўз навбатида улар Палаталарга тайинланади. Даствлабки суд ишини юритиш палатаси (ҳар бири бир ёки уч нафар судьядан иборат), Суд палатаси (ҳар бири уч нафар судьядан иборат) ва Апелляция палатаси (Апелляция бўлими беш нафар судьядан иборат).

Судьяларнинг роли ва мажбуриятлари қуйироқда судгача, суд ва апелляция палаталари тоифалари бўйича ажратилган ҳолда берилган. Халқаро жиноят судининг судьялари ўз давлатида юқори суд лавозимларига тайинлаш учун зарур малака ва юқори ахлоқий сифатларга эга, холис ва виждонли шахслардир. Уларнинг барчаси судлов фаолиятида катта тажрибага эга бўлиши керак. Судьялар Иштирокчи-давлатлар Ассамблеяси томонидан уларнинг жиноят ва процессуал ҳуқуқи соҳасида ва халқаро ҳуқуқнинг тегишли соҳалари, масалан, халқаро гуманитар ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи бўйича малакаси асосида сайланади. Улар муайян масалаларда, шу жумладан аёллар ва болаларга қарши зўравонлик каби масалаларда катта тажрибага эга бўлиши керак.

Судьялар сайлови жаҳоннинг асосий ҳуқуқ тизимлари вакиллиги, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда адолатли географик тақсимот асосида ўтказилади.

Назорат саволлари:

1. Давлатлар БМТ Халқаро судининг юрисдикциясини тан олиши шартми? Махсус битим, юридик қўшимча изоҳ

(оговорка) ёки бир томонлама аризалар нима? Факультатив қўшимча изоҳ (оговоркалар) тизими қай тартибда ишлайди?

2. БМТнинг қайси органлари ва ихтисослашган муассасалари Халқаро судга консултатив хулоса беришни сўраб мурожаат қилиши мумкин?

3. Халқаро муносабатларнинг янги иштирокчилари Халқаро суд билан муносабатга кириш ҳуқуқига эга бўлиши шартми?

4. Қандай жиноятларни кўриб чиқиш Халқаро жиноят суди ваколати доирасига киради?

5. Халқаро жиноят судида агар жавобгарлар юқори сиёсий ёки ҳарбий лавозимдаги шахслар бўлса, бу ҳолат уларни жиноий таъқибдан озод этадими? Уларга дахлсизлик (иммунитет) ёки амнистия берилиши мумкинми?

6. Халқаро жиноят суди сиёсий сабаблардан келиб чиқиб, ҳозирги ёки собиқ давлат раҳбарини ҳибсга олиш тўғрисида ордер бериши мумкинми?

Фойдаланилган адабиётлар

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1.1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 133-модда.

1.2 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборот-номаси», 1997 й., N 9, 264-модда. <https://nrm.uz>

1.3 Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 06.02.2019 йил ЎРҚ-518-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси // <https://lex.uz/docs/4193761>

1.4 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида. 23.06.2023 йил 16-сон. <https://lex.uz>

1.5 Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида Қонуни, 06.02.2019 йил. ЎРҚ-518-сон. <https://lex.uz>

1.6 Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида фармон. 2020 йил 22 июнь.

1.7 Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

1.8 Венская конвенция О праве договоров между государствами и международными организациями или между международными организациями. Вена, 21 март 1986 г. // Венская конвенция О праве международных договоров. 23 май 1986 г.

II. Раҳбарий адабиётлар

2.1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Мустақил ва одил судлов тизими. – Тошкент: 2021. 107-б.

III. Махсус адабиётлар

3.1 Очиллов Б.Э., Одилқориев Х.Т. Ҳозирги замон халқаро оммавий ҳуқуқи: Дарслик.. – Тошкент: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 608 б.

3.2 Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. Дарслик. – Т.: “Адолат”, 2006. – 424 б.

3.3 Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: учебник для студентов юридических факультетов и вузов. - Изд. 3-е, перераб. и доп. – М.: Волтерс Клувер, 2005. 213 с.

3.4 Игнатенко Г. В. Международное право. Учебник для вузов. — М.: Издательская группа НОРМА—ИНФРА • М, 1999. — 584 с.

3.5 Xalqaro ommaviy huquq. Darslik / A.X.Saidov va boshqalar. –Т.:TDYU nashriyoti. 2023, 952 bet.

3.6 Очиллов Б.Э., Одилқориев Х.Т. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи(Халқаро оммавий ҳуқуқ): Дарслик.. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент-2002. 558 бет\

3.7 Муаллифлар жамоаси. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: ТДЮУ. 2021. – Б. 678.

3.8 А.Умирдинов, А.Ҳакимов. Халқаро ҳуқуқ бўйича суд амалиёти (кейслар тўплами). Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ. 2019. – Б. 203.

3.9 Одилқориев Ҳ.Т., Ўзбекистон давлати ва жамияти инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари/Ўқув қўлланма. – Т.: Innovatsion rivojlanish nashriyotmatbaa uyi, 2019. 150 - б.

3.10 Абашидзе А.Х., Солнцев А.М. Международное право. Мирное разрешение споров. Учебное пособие для бакалавриата и магистратуры. М.: Юрайт, 2019. 222 с.

3.11 Бекашев К.А. Международное право. Учебник для бакалавров. М.: Проспект, 2019. 896 с.

3.12 Ильинская О.И. Право международных договоров. М.: Статут, 2020. 160 с.

3.13 Malcom Shaw, *International Law* (Cambridge university press, 8th ed., 2017).

3.14 Jochen Von Bernstorff, Thomas Dunlap *The Public International Law Theory Of Hans Kelsen*, Cambridge University Press, USA, 2017.

3.15 James Crawford, *Brownlie's principles of public international law*, Oxford University Press, USA 2019.

3.16 J.L. Kaul, Anupam Jha, *Shifting Horizons of Public International Law: A South Asian Perspective*, Springer India (2018).

3.17. Халқаро оммавий ҳуқуқ фанидан казуслар тўплами. Ўқув қўлланма, ЖИДУ, 2016. 60 стр.

3.18 Турсунов А.С. Конституционные основы внешней политики Республики Узбекистан. – Ташкент.: Фан ва технология. 2008. – С.67.

3.19 Маткаримова Г.А. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. – Тошкент.: ТДЮИ. 2002. – Б.35.

3.20 Хошимов В. Халқаро ҳуқуқ меъёрларини миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг айрим масалалари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2006. №3. – Б.55.

3.21 Исмаилов Б.И. Реализация рекомендаций тематических комитетов ООН в законодательстве Республики Узбекистан // Ҳуқуқ, Право.Law. январь-март. 2005. – С. 70-72.

3.22 Саидов А.Х. Мустақиллик ва халқаро ҳуқуқ фанининг ривожланиши // Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси. 2006. №4. – Б.142.

3.23 Юлдашева Г. Мустақиллик ва халқаро ҳуқуқ Республикаси суд тизими томонидан қўлланилиши. – Тошкент.: ТДЮИ. 2004. – Б. 15.

3.24 Олимжонов Ҳ. Суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан матбуот ўртасидаги муносабат // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси. №9. 2004. – Б.65.

3.25 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Тошкент.: Konsauditinform – Nashr. 2006. – Б.93-94.

3.26 Лукашук И.И. Международное право. Общая часть. 2-е изд. – Москва.: Бек. 2001. – С.210-211.

3.27 Мартенс Ф.Ф. Современное международное право цивилизованных народов. Т.1. – Москва.: Юридический колледж МГУ. 1996. – С. 150-151.

3.28 Саидова Л. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига халқаро нормаларни имплементация қилишнинг баъзи бир жиҳатлари. Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари. Илмий-амалий семинар материаллари // Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Тошкент. 2006. – Б. 105.

3.29 Мингазов Л.Х. Эффективность норм международного права. Теоретические проблемы. Казан. 1999. – С. 232-233.

3.30 Алексеева Л.Б. Жуйков В.М. Лукашук И.И. Международные нормы о правах человека и применение их судами Российской Федерации. – Москва.: Права человека. 1996. – С. 17.

3.31 Тожихонов У. Ҳуқуқий маданиятнинг илмий-назарий муаммолари. –Т.: 1995. Юрид.фан.док.ил.дар.ол.ун. ёзил. Диссертация. –Б.194

3.32 Насырова Н. Правовые нормы международных организаций и национального законодательства в сфере международных трудовых отношений // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2006. №1. – С.74.

3.33 Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. О законах, об их отношениях к различным существам. –М.: 1955. – С.164-165

3.34 Craig, P. EU Law: Text, Cases and Materials / P. Craig, G. Burca. 2nd ed. Oxford: Oxford University Press, 1998. p. 199—213.

3.35 Schermers, H. Netherlands / / The Effect of Trea-

ties in Domestic Law / Eds.: F. Jacobs, S. Roberts. London: Sweet&Maxwell, 1987. P. 109—122.

3.36 Барбук Алексей Владимирович. Непосредственное применение международных договоров в национальной правовой системе // Понятие самоисполнимых норм международных договоров. С. 5-6

3.37 Leary, V. A. International labour conventions and national law: the effectiveness of the automatic incorporation of treaties in national legal systems. The Hague; London: Nijhoff, 1982. p. 55.

3.38 Калугин, В. Ю. Механизм имплементации международного гуманитарного права. Минск: Светоч, 2003 с. 140.

IV. Даврий адабиётлар

4.1 Лукашук И.И. Взаимодействие международного и внутригосударственного права в условиях глобализации // Журнал российского права. 2002. №3. – С. 120.

4.2 Ниёзов А. Халқаро ҳуқуқий меъёрлар: улар судлар томонидан қандай қўлланилмоқда? // Ҳаёт ва қонун. 2004. №2. – Б.48.

4.3 Slaughter, Anne-Marie. A Typology of Transjudicial Communication, in International law decisions in national courts. Ed. By Thomas M. Frank. Gregory H.Fox. Irvington-on-Hudson, New York, Transnational Publishers, Inc. 1996. – P.60.

4.4 Brilmayer L. International Law in American Courts: A Modest Proposal / Yale Law Journal. Vol. 100.

4.5 Winter, J. Direct applicability and direct effect: Two distinct and different concepts in Community law // Common Market Law Review. 1972. Vol. 9. P. 425—438.

4.6 Арипов Т.Э. О некоторых аспектах имплементации норм международного права в законодательство Республики Узбекистан // Халқаро муносабатлар. 2002. №2. – Б.61

V. Авторефератлар

5.1 Нугманов Н. Применение международно-правовых норм по правам человека в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент.: УМЭД. 2005. – С. 13.

5.2 Нурматов Т.А. Международные договоры в правовой системе Кыргызской Республики (теоретико-правовой анализ): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Бишкек: 2009. – С. 18.

5.3 Турсунов Ҳ.М. Халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллаш муаммолари. Автореф. дисс. ... ю.ф.н. – Тошкент.: ТДЮИ. 2011.

5.4 Юнусов А.Л. Халқаро ҳуқуқнинг араб доктринаси: Автореф. дисс. ... ю.ф.н. – Тошкент.: ЖИДУ. 2010.

VI. Қўшимча адабиётлар

6.1 Организация Объединенных Наций. Устав ООН. <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter>

6.2 Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми 52-модда. <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter>

6.3 Основные принципы независимости судебных органов. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml

6.4 Краткое изложение решений, консультативных заключений и постановлений Международного Суда ООН. [Эл. ресурс]: <https://www.icj-cij.org/ru>

6.5 Доклады Комиссии международного права (ООН). [Эл. ресурс]: <https://legal.un.org/ilc/reports/>